

Ж.Е.ЙҮЛДОШЕВ, С.А.УСМОНОВ

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСЛАРИ



Ж.Е. ЙҮЛДОШЕВ, С.А. УСМОНОВ

Педагогик технология асослари

(Халқ таълими ходимлари учун қўлланма)

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2004

Ушбу құлланма ҳозирғи педагогик технологияларнинг умумий асосларини ёритишга бағишилган. Үнда педагогик технологияның асослари, манбалари, мезонлари, күрнишлари, даражалари, турлари, йұналишлари, таркибий түзилиши, жараёнлари, воситалари, мониторинги ҳамда татбиқ этиш масалалари ва бошқа маылумотлар берилған.

Құлланма Халқ таълими тизими раҳбар ва педагоглари, ўрта махсус, қасб-хунар таълими ходимлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими ходимлари, педагогика олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ҳозирғи таълим-тарбия масалалари билан қизықувчилар учун мүлжалланған.

Й 4303000000 — 21
353(04) — 2003 Қатъий буюртма — 2004

ISBN 5—645—04119—4

© “Үқитувчи” нашриёти, 2004

СҮЗБОШИ

Азиз устоз! Ҳар бир ўқитувчи фаолиятида энг масъулиятли давр бошланди. „Таълим тўғрисида“ги қонун, „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ни рўёбга чиқариш сифат кўрсаткичи босқичига кирди. Янги ўқув режаси, дастури, янги авлод дарслеклари, таълим стандартлари яратилиб, ўқитувчилар ва мактаб ихтиёрига тақдим этилди.

Уларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши ва мустақил фикр юритишларига ундаши бевосита ўқитувчи фаолиятига боғлиқдир. Янги таълим стандартларини ўзлаштириш кафолати янгича замонавий технология асосида иш юритишни талаб этади.

Шу масаланинг ечимини топишда таълим тизими ходимлари, ўқитувчи, методист, назоратчиларга ёрдам бериш ушбу қўлланмамизнинг мақсадидир.

Таълим самарадорлигини ошириш, давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминлаш, таълимнинг сифат кўрсаткичини кафолатлашда замонавий педагогик технология ҳал қилувчи омиллардан бўлиб бормоқда.

Педагогик технологияни ўқув жараёнида қўллаш жаҳон амалиётида кенг тарқалмоқда. Зоро, ўқув жараёнини демократлаштириш, келишувчанлик асосида ташкил қилишда ҳамкорлик, ҳамижодкорлик ривож топмоқда. Булар ўқувчининг ўқув меҳнатини амалга оширишида ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиласди. Ўқувчи ва ўқитувчини доимий изланишга, узлуксиз ўз устида ишлашга ундайди. Бу, ўз навбатида, таълимда самарадорликни таъминлайди.

Ушбу қўлланма билан танишиб чиққач, Сиз педагогик технология, унинг асосий тамойиллари, янгича ишлаш усуллари, ўқитувчининг ҳамда ўқувчининг ўқув жараёнидаги ўрни, роли ҳақида билиб оласиз. Педагогик технология ҳақидаги билимларингизни ошириб, уни ўз иш фаолиятингизда қўллай бошлайсиз.

Агар ундан фойдаланиб, ўз фаолиятингиз учун керакли йўлланма олсангиз ҳамда қўлланма юзасидан фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни билдирангиз, мамнуният билан қабул қиласиз.

Муаллифлар

КИРИШ

Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси наст бўлиши мүкаддара.

И. А. Каримов

Ҳозирги кунда таълим тизимида „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ни мактаб амалиётига татбиқ этишнинг якуний босқичи давом этмоқда.

Миллий дастурни рӯёбга чиқаришнинг юқори сифат кўрсаткичини таъминлаш, таълим мазмунини Давлат таълим стандартлари асосида такомиллаштиришга киришилди. Барча ўқув фанлари бўйича Давлат таълим стандартларини ўқув жараённида қўллаб ва ўқув йили якунида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар шу стандартларга мослигини аниқлаш бўйича мактаб, туман, шаҳар, республика даражасида мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Миллий дастурда кўзда тутилгандек, замонавий ахборот технологиялари ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланниб боради. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожланади. Ўқув, ўқув-услубий, илмий, инновацион, замонавий технологиялар мұкаммаллашиб, ўқув жараёнига татбиқ этиб борилади.

Маълумки, дидактика нинг предметини ўргатиш, ўрганиш ҳамда таълим мазмуни ташкил қиласди. Бунда иштирок этаётган учта компонент бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, улардан бирортасини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Хўш, ишни уларнинг қайси биридан бошлаш зарур?

Ишни ўрганиш ёки ўргатишдан бошласак, табиий равишда нимани (қайси мазмундаги ўқув материалини) ўрганмоқчимиз ёки ўргатмоқчимиз, деган савол туғилади.

Ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам, уларнинг охирги натижаси ҳам таълим мазмунига боғлиқ.

Ҳар хил мазмундаги матнларни ўзига хос усууллар билан ўзлаштириш қабул қилингандиги учун ўргатишнинг қандай бўлиши унинг мазмунидан келиб чиқади, бу эса ўрганишни ташкил этувчи, яъни ўргатувчига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганла, дидактик тафаккур бу — ўрганиш, ўргатиш ва таълим мазмунининг доимий алоқалари, муносабатларини излаш, аниқлаш демакдир.

Ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганиши учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, ўқитиши шакллари, метод ва вазиятларни излайди, замонавий педагогик технологияга суюниб, ўқув жараёни самарадорлигини оширади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўқув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигига эришади.

Шу боисдан ҳам, педагогик технология, дидактик технология, таълим технологияларига ўқув жараёнидаги энг самаравали воситалар деб қаралмоқда. Улардан дунё педагогик амалиётида кенг фойдаланилмоқда.

Хозирги кундаги энг долзарб масала ва вазифа таълим стандартларини ўқув жараёнига татбиқ этишдан иборатdir.

Агар бу вазифа амалга оширилмас экан, таълим-тарбия соҳасида сифат ва самарадорликка эришиш, ўқув жараёнини тақомиллаштириш масалалари ҳал этилмай қолади.

Янги педагогик технологияни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун унинг илмий-амалий механизмини яратиш зарур.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳали республикамиизда янги педагогик технологияларни, таълим инновацияларини тўплаш, улар ичидан фаолиятимиз учун энг самарадорларини тажрибасиновлардан ўtkазиш ва ўқув жараёнига жорий этишни йўлга кўядиган тизим (механизм) шакллантирилмаганлиги учун, биз ўқитувчи амалиётчиларимизнинг ижодий фаолиятларига ёрдам бериш мақсадида шу кўлланмани яратишга кўл урдик. Педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб киришда куйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- педагогик технология амалиёти ва назариясини ўқиб ўрганиши ташкил этиш;
- педагогик технологияларни ўрганиш, кузатиш, назорат қилиш ва амалда жорий этиш курсларини ташкил этиш;
- педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича семинарлар, тренинглар ўtkazish;
- педагогик технологияларни тўплаш, танлаш, кўллаш бўйича тегишли маълумотлар банкини яратиш, уларни таҳлил қилиш асосида ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- илгор педагогик технологияларни амалда кўллаш тажрибаларини таҳлил этиш, умумлаштириш, оммалаштириш бўйича тавсия, кўлланмалар яратиб, таълим муассасаларига етказиш.

Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қилади. Замонавий педагогик технологиялардан барча педагоглар хабардор бўлишлари зарур.

Ана шуларни назарда тутган ҳолда, ушбу кўлланмада ўқувчига билим беришда замонавий педагогик технологияларни кўллаш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш механизмини очишга ҳаракат қилдик.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА

Таълим-тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуллари ҳам тақомиллашиб бормоқда. Ҳозирда инсон фаолияттинг асосий йұналишлари шу фаолиятдан күзда тутилган мақсадларни түлиқ амалга ошириш имкониятини берувчи яхлит тизимга, яъни технологияларга айланиб бормоқда. Ҳудди шу каби таълим-тарбия соҳасида ҳам сүнгти йилларда педагогик технология амал қила бошлади.

Ишлаб чиқаришдаги технологияда турли материалларга ишлов бериш тегишли касб усталари томонидан амалга оширилади. Педагогик технологиянинг мазмуни эса ўқитувчи, тарбиячи томонидан ўқувчи (таълим олувчи)га ақлий, руҳий, ахлоқий жиҳатдан турли усулда таъсир ўтказылышдан иборатдир.

Педагогик технология тушунчаси XX асрда пайдо бўлди ва турли ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда.

Дастлаб бу тушунча 1940- йиллардан 50- йиллар ўртасигача „таълим технологияси“ деб қўлланилиб, ўкув жараённада **аудио-визуал техника воситаларидан фойдаланишини** ифода қиласган.

Педагогик технология тушунчаси дастлаб XX асрнинг ўрталарида АҚШда қўллана бошлаган. Бунда „педагогик технология“ ва „таълим технологияси“ атамалари фақат **техника воситалари ёрдамида ўқитишга нисбатан қўлланган** эди.

Вақт ўтиши билан уларни қўллаш даражаси кенгайиб бориши натижасида мазмуни ҳам тегишлича ўзгариб борди. Ҳозирга келиб эса педагогик технология тушунчасининг замонавий, илмий асосланган ягона таърифини белгилаш мақсадида бир қанча йирик олимлар томонидан турли фикр ва мулоҳазалар асослаб берилди.

Ўтган асрнинг 50- йиллари ўртасидан 60- йилларгача „таълим технологияси“ атамаси қўлланилиб, бунда **дастурлаштирилган таълим** назарда тутилган.

70- йилларда „педагогик технология“ атамаси қўлланилиб, у аввалдан **лойиҳалаштирилган ва аниқ белгиланган** мақсадларга эришишни кафолатловчи ўкув жараённини ифодалаган.

1979 йилда АҚШнинг Педагогик коммуникациялар ва технологиялар ассоциацияси томонидан педагогик технологияга қўйидагича таъриф берилган эди: „Педагогик технология билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олувчи муаммони таҳлил қилиш ва режалаштириш, муаммонинг ечимини баҳолаш ва уни бошқарувчилар, гоялар, воситалар ва фаолиятни ташкил қилиш усулларини ўз таркибиға оладиган комплекс интегратив жараёндан иборат...“.

80- йилларнинг бошидан педагогик технология деб таълимнинг **компьютерли ва ахборот технологияларини яратишга** айтилган.

Юқоридаги фикрлар асосида педагогик технология тушунчасини икки хил изоҳлаш мумкин: биринчидан, унинг ўкув жараёнида техника воситаларидан фойдаланишнинг кенгайиб боришини ифодалаши назарда тутилиб, таълимдаги, ўқитишдаги технология деб номлаш мумкин бўлса, иккинчидан, бу тушунча ўкув жараёнининг ўзини қуриш технологиясини билдиради деб хulosha чиқариш мумкин.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Педагогик технологиянинг ҳар турли таърифлари мавжуд бўлиб, улардан айримларини кўриб чиқамиз:

Технология — бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар, йўллар йигиндиси. (*Изоҳли луғат*.)

Технология — ишлов бериш, аҳволни ўзгартириш санъати, маҳорати, қобилияти, методлар йигиндиси. (*В. М. Шепель*.)

Педагогик технология — ўқитишнинг, таълимнинг шакллари, методлари, усуллари, йўллари, тарбиявий воситаларнинг маҳсус йигиндиси ва компоновкаси (жойлашуви)ни белгиловчи психологик тартиблар (установка)лар мажмуаси; у педагогик жараёнинг ташкилий- услубий воситаларидан иборат. (*Б.Т. Лихачев*.)

Педагогик технология — ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнинг лойиҳасидир. (*В.П. Беспалько*.)

Педагогик технология — таълимнинг режалаштириладиган натижаларига эришиш жараёни тафсилоти. (*И. П. Волков*.)

Таълим технологияси — дидактик тизимнинг таркибий жаёнли қисми. (*М. Чошанов*.)

Педагогик технология — ўкув жараёнининг ўқувчилар ва ўқитувчи учун сўзсиз қулай шароитлар таъминлашни лойиҳалаш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ҳамма деталлари ўйлаб чиқилган биргаликдаги педагогик фаолият модели. (*В. М. Монахов*.)

Педагогик технология — техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини кўювчи ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи (*ЮНЕСКО*).

Педагогик технология — педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий, ускунули ва методологик воситаларнинг тизимли йигиндисини ва уларнинг амал қилиш тартибини билдиради. (*М.В. Кларин.*)

Педагогик технология, бу — сўёзсиз риоя қилиш энг юқори натижани кафолатладиган кўрсатмалар эмас, балки қонуниятлар бўлиб, уларнинг амалий аҳамиятидан иборат. (*В. Ю. Питюков.*)

Педагогик технология — бу тизимли фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир тизимга келтиришдир. (*Сакомото.*)

Педагогик технологиянинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришишдан иборат бўлиб, уни татбиқ этишини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини илгаридан лойиҳалаштиришда намоён бўлади. (*У. Нисоналиев.*)

Педагогик технология — бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароит ва кетма-кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсулси сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёнидир. (*Н. Сайдахмедов.*)

Педагогик технология — бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, шахснинг олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида қараб, уни ташкил этувчилар, яъни ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир. (*Б.Ф. Зиёмуҳамедов.*)

Педагогик технология бу — объектив, моддий жараён. Агар биз ўқув-тарбия жараёнидан унинг объектив, моддий (субстанциялик) жиҳатини ажратса олсак, шунда биз технологияга, энг камидан, унинг тафсилотига эга бўламиз (*В. К. Дъяченко.*)

Педагогик технология — бу ўқитишга ўзига хос янгила (инновацион) ёндашувдир. У педагогикадаги ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади. (*Б. Л. Фарберман.*)

Педагогик технология — турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини ўзида мужассам этувчи умумлаштиришдан иборат. (*Г. К. Селевко.*)

Педагогик технологиянинг ҳозирги кунда шундай турлитуман таърифлари мавжудлиги натижасида бу масаланинг счимини қўйидагича ўзига хос усулда ҳал қилиш тўғрисида ҳам таклиф билдирилган.

Педагогик технология тушунчаси кўп қиррали бўлиб, унга педагогик, психологик, дидактич, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа нуқтаи назарлардан ёндашиш мумкин.

Ҳозир таълим-тарбия соҳасида ривожланиб бораётган йўналишлардан бири — замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш бўлиб, уни амалга ошириш долзарб вазифалардандир. Маълумки, таълим-тарбия жараёни катта авлод томонидан ўз билим ва тажрибаларини ўсиб келаётган авлодга ўргатишдан иборат бўлиб, бу жараёнда, асосан, инсон ҳаёти учун зарур ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш амалга оширилади.

Инсоният ҳаёти ахборотлар билан чамбарчас боғлиқ. Бошқача айтганда, инсоннинг ҳар бир ҳаракати ахборот олиш ва узатиш ёки ундан фойдаланиш, уни ўрганиш, ўзлаштириш, сақлаш ва бойитишдан иборат. Шунинг учун ҳам ҳозирги инсоният цивилизациясини *ахборот цивилизацияси* деб аталади.

Шу нуқтаи назардан, цивилизация тушунчасига берилган таърифлардан бири қўйидагича: „Цивилизация — ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш ҳамда атрофмуҳит ва ўзи ҳақида ахборот яратиш учун энг кўп маълумот олишга қодир бўлган модданинг юқори турғун ҳолатидир“.

Бу таърифдан ахборотни авлоддан-авлодга узатишнинг, яъни таълим-тарбия ишининг аҳамияти қанчалик муҳим эканлиги кўриниб турибди. Яъни, таълим-тарбия цивилизациянинг мавжудлик шарти ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан „цивилизациянинг бош белгиси — ахборотни тўплаш, мавҳум (абстракт) таҳлил қилиш (ҳайвонлар бунга қодир эмас) ва ундан ўз турини, ўз жамоасини узоқ сақлаш учун фойдаланишдан иборат.“ Бундан ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишнинг шакл, усул ва воситаларини такомиллаштириб бориш зарурлиги ва бунинг замирида педагогик технология ётиши тушунилади.

Ахборотларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини аниқлашга қизиқиши ортиши табиий. Бу ҳақдаги таърифлардан бири қўйидагича: „Ахборот — бу сезги аъзоларимизни ташқи оламга мослаштиришимиз жараёнида биз ундан оладиган мазмун белгиси“ (*Н. Винер*). Бу таъриф тирик организмнинг ташқи муҳитдаги ахборотни идрок қилишига доир хусусий ҳолга тегишли.

Ушбу айтилғанлар асосида педагогик технологиянинг қуидаги энг қисқа ва умумлаштирилган таърифини көлтиришимиз мүмкін:

„Педагогик технология — баркамол инсонни шакллантириш фаолияти“.

Шу билан бирга, педагогик технологиянинг кең күламли, серқирра тушунча эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қуидаги яна бир нечта таърифларини көлтиришимиз мүмкін:

Педагогик технология ахборотларни ўзлаштириш, улардан амалда фойдаланиш, улардаги янги маъно-мазмунларни ҳамда ахборотлар орасидаги турли боғлиқларни очиш орқали янги ахборотлар яратишга ўргатиш жараёнидан иборат.

Педагогик технология — таълим методлари, усуллари, йўллари ҳамда тарбиявий воситалар йифиндиши; у педагогик жараённинг ташкилий-услубий воситалари мажмуидир.

Педагогик технология — бу ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техник ресурслар ва одамларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, кўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир.

Педагогик технология — маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Демак, педагогик технология инсонга (таълим-тарбия олувичига) олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат.

Педагогик технология ўқувчини мустақил ўқишига, билим олишига, фикрлашга ўргатишни кафолатладиган жараёндир.

Педагогик технология жараённада ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчи мустақил равишда билим олади, ўрганади, ўзлаштиради.

Бу фаолиятни амалга ошириш уни ташкил қилиш, олиб бориш, такомиллаштириш, таҳтил қилиш, тадқиқ қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, бошқариш, назорат, баҳолаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Бу фаолият бошқа ҳамма фаолиятларга хос бўлган белгиларга эга бўлиб, аввало, жараён кўринишида амалга оширилади ва шу кўринишида мавжуд бўлади. Шу билан бирга бу жараён ўзига хос қонуниятларга эга бўлиб, бу қонуниятларни инсоният томонидан ўрганиш давом этмоқда.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ КҮРИНИШЛАРИ

Педагогик фаолиятда „технология“ атамасининг қўллана бошлаши билан педагогик амалиёт, унинг назарий жиҳатлари ҳамда улар ҳақидаги билдирилаётган мулоҳазалар бирмунча юқори илмий даражага кўтарилимоқда.

Педагогик технология — ҳозирги замон дидактикаси ва педагогикаси тараққиётининг маҳсулі. Уни педагогиканинг ҳозиргача мавжуд бўлган ҳамда такомиллашиб келаётган барча асосий йўналишлари бўйича амалий вазифаларни янада юқорироқ даражада амалга ошириш йўлидаги янги босқич деб ҳисоблаш мумкин.

Шу нуқтаи назарлардан педагогик технологияни, аввало, ҳозирги педагогика фани тараққиёти натижасида ҳосил бўлган янги йўналиш деб ҳисоблаган ҳолда, унинг ўзига хос тамойиллари, қоидаларини чуқур ўрганиб бориш ва пировардида қонуниятларини аниқлаш йўлидаги муаммоларни ечиш лозимлиги кўриниб туриби.

Педагогик технология, аввало, таълим-тарбияни янада ривожлантириш эҳтиёжларини қондириш йўлидаги инсонлар (педагоглар, ота-оналар, жамоатчилик) фаолиятидан иборат ижтимоий ҳодиса ҳисобланиши лозим.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисалар каби педагогик технологияни ҳам илмий жиҳатдан ўрганувчи фан соҳаси мавжуд бўлиб, у педагогик технология фани деб номланади. Бу фан, ўз навбатида, замонавий таълим-тарбиянинг энг мақсадга мувофиқ йўллари ва усулларини тадқиқ қилувчи назарий ҳамда ўкув фани турларига ажралади.

Шу билан бирга педагогик технология амалий фаолият йўналиши сифатида ўкув-тарбия жараённида қўлланиладиган тамойиллар, алгоритмлар ва бошқарув тизими ҳамда бевосита таълим-тарбия жараёнини ўз ичига олади.

Педагогик технология ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан ўзаро боғлиқ равишда шаклланиб ва ривожланиб бориши натижасида турлика кўринишларда намоён бўлади. Булар педагогик технологиянинг қўйидаги кўринишларидан иборат: ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўкув фани, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий тадқиқот соҳаси.

Педагогик технология **ижтимоий ҳодиса** сифатида таълим-тарбия масалалари билан боғлиқ мотивлар: эҳтиёж, талаб, манфаат, қизиқиши, мақсадлардан келиб чиқади ва уларни

амалга ошириш учун хизмат қиласи. Шу билан бирга, худди шундай мотивлар ҳар бир шахсда, оиласа ҳам мавжуд. Жамият ҳар бир аъзосининг билим даражаси ортиб бориши шу жамият ва давлат ривожининг энг асосий шартларидан ҳисобланади.

Бу шартнинг бажарилиши эса, ўз навбатида, педагогик технологиянинг қанчалик юқори даражада эканлигига боғлиқ. Бундан эса педагогик технология шахс, оила, жамият, давлат ҳаётида муҳим аҳамиятта эга ижтимоий ҳодиса эканлиги кўринади.

Педагогик технология назарий фан сифатида педагогика фанининг алоҳида йўналишини ташкил этиб, ўз мақсади, вазифалари, муаммолари, методологияси ва бошқа назарий асосларига эга. Ўз муаммоларини ҳал қилишда бошқа фанлар билан боғлиқликларга эга.

Педагогик технология назарий фан сифатида таълим-тарбия соҳасида кафолатли натижага эришиш даражасини ошириш муаммоларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади.

Ўқув фани кўринишида педагогик технологияларни ижтимоий ҳодиса, назарий фан, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг услублари, алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси сифатида турли таълим муассасаларида белгиланган ўқув дастури асосида ўргатишдан иборат.

Таълим-тарбия тизими кўринишида педагогик технология белгиланган таълим-тарбия фаолиятини амалга оширишга хизмат қилувчи моддий таъминот ва маънавий қадриятлардан иборат. Бунга ўқув режа, дастурлар ва дидактик воситалар ҳам киради. Бу тизим бошқа ижтимоий тизимлар каби, тегишлича маҳсус тайёргарликка эга мутахассислар орқали фаолият олиб боради.

Хозирда бу тизим узлуксиз таълим босқичларидан ташкил топган. Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларига педагогик технологиялар жорий қилиниши билан бу тизимнинг тўлиқ шаклланиши амалга оширилади.

Педагогик технология таълим-тарбия жараёни сифатида иштирокчиларнинг фаолиятлари орқали амалга оширилади. Бу жараённинг пировард мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб, асосан қўйидагилардан таркиб топади:

- таълим-тарбия бериш;
- ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш;
- мустақил фикрлашга ўргатиш;
- билим, кўникма, малакаларни ўргатиш ва ўзлаштирилишига эришиш;
- турли методикаларни қўллаш ва такомиллаштириш;

- диагностика, мониторинг олиб бориш;
- таълим-тарбия жараёнида инсонпарварлик, халқпарварлик, мафкуравий тамойилларга асосланиш;
- ўқувчининг тайёргарлик даражасини, психологик, физиологик, ёш хусусиятларини, гигиеник талабларни ҳисобга олиш;
- таълим менежменти, маркетинги талаблари ва хулосаларини, ижтимоий мотивларни ҳисобга олиш.

Педагогик фаолият ва унинг методикалари кўринишида педагогик технология ўзини тўлиқ намоён қиласди. Педагогик технологиянинг ҳаракатга келиши ва ундан кўзда тутилган натижага эришиш фақат педагогик фаолият жараёнида амалга оширилади. Чунки педагогик технология ва педагогик фаолият бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар ҳисобланади ва уларнинг бири иккинчисисиз ўз маъносини ва аҳамиятини йўқотади.

Ўқув фанларининг сони кўплигини ҳисобга олганда, педагогик фаолиятнинг кўп қисми хусусий (ўқув фанлари) педагогик технологиялар учун сарфланади. Шунинг учун хусусий фанлар даражасидаги педагогик технологиялар кўпроқ тарқалган. Шу айтилганлар асосида педагогик технология, энг аввало, педагогик фаолият ва унинг методикалари кўринишида намоён бўлади ва ривожланиб боради, деб ҳисоблаш мумкин.

Алоқадор фанларнинг илмий тадқиқот соҳаси сифатида педагогик технологияларнинг турли фанлар билан боғлиқликлари яққол кўринади. Педагогик технология кенг кўламли ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кўп фанларнинг тадқиқот обьекти ҳисобланади. Бунда ҳар бир фан ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ йўналишларда педагогик технологияни чуқур ўрганиши натижасида уни такомиллаштириш йўл-йўриқларини белгилаб боради.

Педагогик технология барча ўқув фанлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳамда ўзининг мунтазам ривожланиб боршини кадрлар тайёрлаш орқали таъминлаб туради.

Педагогик технологиянинг юқорида айтилган кўринишиларининг асосий белгиларини аниқлаш ва умумлаштирган ҳолда қисқа шаклда ифодалаш орқали унинг асосий таърифини ва бошқа белгиларини аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирда педагогик технология ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, таълим-тарбия жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси кўринишиларида мавжуд деб ҳисобланади.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ДАРАЖАЛАРИ

Юқорида айтилган фикрлар асосида педагогик технологияларни умумпедагогик, хусусий (ўкув фанлари) ва кичик технологиялардан иборат учта даражага ажратилади.

Умумпедагогик технология турли даражадаги тизимларни ифодалайди. У айрим ҳудуддаги, тумандаги, таълим муассасасидаги ёки таълимнинг айрим погонасидаги барча таълимтарбия жараёнига тегишли бўлади. Умумпедагогик технология ўз ҳудуди ёки таълим муассасасидаги таълим-тарбиявий мақсадлар, мазмун, воситалар, бошқарув шакли ва усуллари, ўқувтарбия жараёни иштирокчилари фаолиятининг алгоритмларини белгилайди.

Хусусий технология таълим-тарбия мазмунининг айрим йўналишларини амалга ошириш усуллари ва воситалари мажмунини ўз ичига оловчи педагогик тизимларни қамраб олади. Бунга айрим фанларни ўқитиш технологиялари, раҳбарнинг, ўқитувчининг, тарбиячининг ва ўқувчининг ишлаш технологиялари киради.

Кичик технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига олади. У айрим дидактик ва тарбиявий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Буларга дарслар технологияси, тушунчаларни шакллантириш, янги билимларни ўзлаштириш ва мустақил ишлаш технологиялари, айрим фаолият турлари ва алоҳида шахсий сифатларни тарбиялаш технологиялари, ўқув материалларини такрорлаш, ўзлаштиришни ва тарбияланганликни назорат қилиш технологиялари ҳамда айрим тадбирларни ташкил қилиш ва амалга ошириш технологиялари киради.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Педагогик технологиянинг йўналишлари кўп бўлиб, улардан баъзиларини келтириб ўтамиш.

Хозирги анъанавий таълим XVII асрда Я.А. Коменскийнинг дидактик томоийллари асосида шаклланниб, ҳозирда мактабларда энг кўп қўлланаётган синф-дарс тизимидан иборат. Замонавий педагогик технологиялар асосан шу тизимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадларида яратилиб, ҳозирда ривожланиб бормоқда.

Педагогик жараённи такомиллаштириш, уни ўкувчи шахсига йўналтиришга асосланган педагогик технологиялар: ҳамкорлик педагогикаси, таълимнинг инсонпарварликка асосланган технологияси ва бошқалар.

Ўкувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технологиялар. Муаммоли таълим, ўйинлар, таянч сигналлар конспектлари технологиялари ва бошқалар.

Ўкув материалини дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаб чиқишига асосланган педагогик технологиялар. Бу технологиялар ўргатилаётган билимларнинг дидактик тизими чуқур мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли нуқтаи назардан ёндашиш, ўкувчиларга билимларни эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўлларини ўргатиш каби тамойилларга асосланади.

Ўкув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилишга асосланган педагогик технологиялар. Бу технологияларга табақлаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологиялари; таълимнинг жамоа усули, гуруҳли, компьютерли таълим технологиялари кабилар киради.

Табиатта мувофиқлаштирилган педагогик технологиялар. Буларга ўкувчининг табиий имкониятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг табиий имкониятлари ва бошқа табиатта мувофиқ имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни амалга оширишга асосланган педагогик технологиялар киради.

Ривожлантирувчи таълим технологиялари. Буларга ўкувчи шахсининг ижобий сифатларини, айрим соҳалардаги билимларини, ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиялари киради.

Булардан ташқари, хусусий (ўкув фанлари), альтернатив ҳамда муаллифлик педагогик технологиялари йўналишлари ҳам мавжуд.

Шунингдек, ҳозирда педагогик технологияларнинг турли йўналишлари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари эмпирик, когнитив, эвристик, креатив, инверсион, интегратив, адаптив, инклюзив педагогик технологиялардир. Бу йўналишларнинг асосий хусусиятлари қуйидагича.

Эмпирик — сезги аъзолари орқали билим олиш. Бу технологияда асосий эътибор сезги аъзоларининг табиий ривожланганлик имкониятларига таянган ҳолда билим бериш ва уларни янада такомиллаштириб боришга қаратилади.

Когнитив — атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтириш технологияси. У табақалаш (таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш) тафаккурини шакллантиради, билиш эҳтиёжларини ривожлантиради.

Эвристик — йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан таълим бериш тизими. Топқирлик, фаолликни ривожлантиришга хизмат қилувчи, ўқув-изланиш таълим методи бўлиб, оптималлашган (бир неча вариантлардан энг маъкулини, мосини, мувоғифини танлаш) тафаккурни ривожлантиради.

Креатив — тадқиқот характерига эга бўлиб, ўқувчиларда мақсадга йўналтирилган ижодий тафаккурни жадал ривожлантиради.

Инверсион — ахборотларни турли томондан ўрганиш, ўрнини алмаштириш хусусиятига эга бўлиб, тафаккур (фикрлаш) тизимини шакллантиради.

Интегратив — ахборотларни ташкил қилувчи чексиз кўп кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиги, уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона тўғри хуносани аниқлаш.

Адаптив — ахборотларни ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганиш ҳамда ўргатиш учун қулайлаштириш, мослаштириш асосида кутилган натижага эришиш.

Инклузив — ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатларида тенглик асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш.

Хозирда педагогик технологиянинг юқорида айтилганлардан ташқари мутахассислар томонидан тажриба-синовлар олиб борилаётган бошқа йўналишлари ҳам мавжуд.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИ

Педагогик технологиянинг ilk бор таркиб топиши, унинг дастлабки элементларининг ҳосил бўлиши ва такомиллашуви жуда қадим замонларга бориб тақалади. Бу табиий ҳол ҳисобланади, чунки инсоният ҳамма замонда ҳам ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан шуғулланиб келган ҳамда бу фаолият соҳаси ривожланиш ва тараққиётни талаб қиласди.

Шу асосда педагогик технологиялар одамлар таълим-тарбия фаолияти билан шуғуллана бошлаган даврдан шаклланган деб ҳисоблаш мумкин.

Ёзув бўлмаган замонларда таълим-тарбия ишлари сўзлаб ва кўрсатиб тушунтириш усусларида амалга оширилган. Мактаблар ва бошқа таълим муассасалари бўлмаган. Таълим-тарбия асосан оиласда ва кейинчалик жамоатчилик асосида олиб борилган.

Ёзув пайдо бўлган дастлабки даврларда ёзиш ва ўқишини жуда оз кишилар билган, ёзувдан юқори табақа вакиллари савдо-сотиқ, ҳисоб-китоб ва мол-мулқлар рўйхатини олиб

боришда ҳамда давлат аҳамиятига эга ҳужжатлар тузиш учун фойдаланган. Шундай фаолият турлари билан шуғулланишга тайёрланадиганлар ёзиш ва ўқиши ўрганганлар. Қоғоз бўлмаган замонда ёзувлар турли материалларга: ёғоч, дараҳтлар пўстлоғи, тери, тош, лойдан тайёрланган тахтачалар ва шу кабиларга ёзилган.

Қоғоз пайдо бўлгандан кейин қўлёзма китоблар даври бошланган. Қўлёзма китоблар катта меҳнат эвазига, асосан, бадавлат шахслар буюртмалари бўйича тайёрланган. Шунинг учун улар оз миқдорда бўлган. Бу китоблардан оммавий фойдаланиш имконияти бўлмаган. Шунинг учун ўқиши ўзидиган саводли одамлар қўп бўлмаган. Ана шу даврларда савод ўргатиш усувлари шакллана бошлаган. Якка ва гуруҳи таълим усули қўлланган.

Тошбосма китоблар пайдо бўлган даврларда китоблардан фойдаланувчилар сони бирмунча қўпайган. Саводлилар сони ортиб бориб, савод ўргатиш ҳам ривожлана бошлаган. Таълимтарбия ишида савод ўргатиш асосий вазифалардан ҳисобланган. Мактаблар очилиб, уларда асосан таълимнинг догматик усуллари қўлланилган. Диний таълим асосий ўрин тутган.

Китоб босиш техникалари ривожлангандан кейин босма китоблар кенг омма орасида тарқалган. Саводхонлик ўсган. Таълим муассасаларида турли фанлар ўқитилган. Таълимтарбиянинг шакл ва усувлари ривожланиб, ҳар бир фанни ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар методикалари ҳосил бўлган.

Хозирги даврда таълим-тарбия соҳасида ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида электрон дарсликлар, компьютер ўқув дастурлари, турли ўқув воситалари ҳамда педагогик технологиялар пайдо бўлди.

Хозирда педагогика соҳасида „педагогик технология“ тушунчаси мустаҳкам ўрин олмоқда.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МАНБАЛАРИ

Педагогикада таълим-тарбия фаолиятининг кафолатланган натижаси мавжуд эмас эди. Шу сабабли стихияли натижалар билан кифояланиб келинди.

Педагогик технологияда олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати мавжуд бўлиб, бунинг натижасида педагогика ўзига хос равища аниқ фанга айланниб бориши керак.

Ўзбекистон Республикасида давлат таълим стандартларининг яратилиши ва амалиётга жорий қилиниши педагогик технологияларни кенг қўллаш учун муҳим асос бўлди.

Ҳозирда қўлланилаётган педагогик технологиялар ўз мөҳиятига кўра педагогика фани ва амалиёти ютуқларининг синтезини, илгариги тажрибанинг анъанавий элементлари билан жамият тараққиёти, жамиятни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш натижалари йигиндисини ифодалайди. Унинг манбалари ва таркибий элементлари қўйидагилар:

- ижтимоий ўзгаришлар ва янги педагогик тафаккур;
- педагогика, психология, ижтимоий фанлар;
- илғор педагогик тажриба;
- ватанимиз ва хорижий мамлакатларнинг таълим-тарбия соҳасидаги илгариги ҳамда замонавий тажрибалари;
- турили ҳалқларнинг тарихий ривожланиши давомида шаклланган ва улар томонидан амал қилиб келинаётган ҳалқ педагогикаси (этнопедагогика) анъаналари.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТАСНИФИ

Мактаблар фаолиятининг ҳозирги назарияси ва амалиётида ўкув-тарбия жараёнини амалга ошириш ва олиб боришнинг кўплаб вариантлари мавжуд. Ҳар бир муаллиф ҳамда амалиётчи педагогик жараёнга ўзининг индивидуал улушини қўшади. Лекин кўп технологиялар ўз мақсадлари, мазмуни, қўлланадиган методлари ва воситалари бўйича етарлича кўп ўхшашликларга эга ва уларни шу умумий белгиларига кўра тасниф қилиш мумкин.

Педагогик технологияларни қўйидаги белгиларига кўра тасниф қилинади:

- қўлланиш даражасига кўра;
- фалсафий асоси бўйича;
- асосий ривожлантирувчи омили бўйича;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича;
- шахсий белги-сифатларига кўра йўналганлиги бўйича;
- мазмун хусусиятлари бўйича;
- бошқарув тури бўйича;
- болага ёндашув бўйича;
- кўп қўлланиладиган методлари бўйича;
- таълим олувчилар тоифалари бўйича.

Юқоридаги тасниф асосида мисол сифатида ҳозирги анъанавий мактаб таълимини қўйидагича таснифлаш мумкин:

- қўлланиш даражасига кўра: умумпедагогик;
- фалсафий асоси бўйича: мажбурлаш педагогикаси (умумий мажбурий таълим);

- асосий ривожлантирувчи омили бўйича: социоген, яъни асосий эътибор жамиятнинг фаол аъзолари бўлган баркамол инсонларни тарбиялашга қаратилган; шу билан бир вақтда биоген омилларга, яъни шахснинг ҳар томонлама ривожланишига ҳам эътибор қаратилган ҳолда;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича: ассоциатив-рефлекстор бўлиб, суггестия (намуна, мисол, ўрнак, ибрат кўрсантиши)га таянган ҳолда;
- шахсий белги-сифатларга кўра йўналганлиги бўйича: инборотли, яъни билим, малака, кўникмаларни шакллантиришни мустаҳкамлашга йўналтирилган;
- мазмун хусусиятлари бўйича: дунёвий, технократик, умумтаълим мазмунидаги бўлиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва олиб боришда дидактикага марказий ўрин берилади;
- бошқарув тури бўйича: анъанавий-мумтоз (классик) бўлиб, унга таълимнинг техника воситалари қўшилган;
- болага ёндашув бўйича: авторитар;
- кўп кўлланиладиган методлари бўйича: тушунтириш-иллюстрациялаш;
- таълим олувчилар тоифалари бўйича: оммавий.

Шу билан бир вақтда, жамиятнинг ривожланиши алоҳида мамлакатларда ва умуман жаҳонда инсонпарвар фалсафий асосдаги янги педагогик технологияларни яратди. Булар ҳам юқорида айтилган белгиларга кўра қўйидагича тасниф қилиниши мумкин: ҳамкорлик педагогикаси, ўйин технологиялари, муаммоли таълим, дастурлаштирилган таълим, гуруҳли технологиялар ва бошқалар.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ МЕЗОНЛАРИ

Таълим шакллари, усуллари, услубий тизимлари хусусий методикалар кўринишида ҳосил бўлган бўлиб, улар такомиллашиб бориши жараённада технологияга ўсиб ўтади.

Технология универсал хусусиятга эга бўлиб, уни ҳар бир мутахассис томонидан амалга ошириш, бир хил даражада бажариш ва кўзда тутилган мақсадга эришиш мумкин. Унинг методикадан асосий фарқи шундаки, методика ўқитиш усуллари ва йўлларининг маълум шахс учун кулагай бўлган мажмуидан иборат. Методика ўқитувчининг билим, кўникмалари, маҳорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлиқ. Буни дастурлаштирилган таълим технологияси билан турли хусусий

фанларни ҳар хил дидактик воситалардан фойдаланган ҳолда жадал (интенсив) ўқитиши методикалари орасидаги фарқни солиштиришда кўриш мумкин.

Шу асосда технологияларнинг асосий мезонларини қўйида-гича белгилаш мумкин:

1. Маълум илмий асосга, концепцияга таяниш.
2. Тизимлилик, ўқув-тарбия жараёни ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро мантиқий боғлиқлиги.
3. Самарадорлиги, таълим стандартларига эришишни ка-фолатлаши, талаб қилинадиган вақт, куч ва воситаларнинг меъёр даражасида эканлиги.
4. Бошқалар томонидан қайта амалга ошириш мумкинлиги.

Таълимнинг кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнини яратиш йўлидаги дастлабки қадам 60- йилларда яратилган дастурлаштирилган таълим бўлган эди. Бунда ўқувчи тўлиқ ўзлаштиришга эришгунча бажариши лозим бўлган барча вазифалар аниқ кетма-кетликда, батафсил ишлаб чиқилган дастур тузилади. Бу дастур таълим мақсадида кўзда тутилган даражадаги билим ва кўникмаларни ҳар бир ўқувчи ўзлашти-ришини кафолатлаши лозим. Ўзлаштириш жараёнининг бориши ҳақида ўқитувчи билан бирга ўқувчининг ўзига ҳам ахборот етиб туради. Ўқувчи мантиқий боғланган қисқа вази-фаларни маълум кетма-кетликда бажариш орқали деярли хато-ларсиз асосий мақсадга етиб бора олади.

Бундай технология ўқув жараёнини тўлиқ назорат қилиш имкониятини беради. Бунда мантиқий боғланган қисқа вази-фалар кетма-кетлиги таълим жараёнининг алгоритмини ҳосил қиласи. Ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятининг шундай алгоритм асосида ташкил қилиниши кўзда тутилган мақсаддага эришишни кафолатлайди. Таълим жараёнининг шундай тартибда ташкил қилинишини ҳозирда тўлиқ маънода педагогик технология деб аташ мумкин.

Педагогик технология таълим олувчилар ва тарбияла-нувчиларга педагоглар томонидан касбий-педагогик мақсад-ларни амалга оширувчи таъсир кўрсатилишини ташкил қилиш тизимини белгилайди.

Педагогик технология педагогик фаолиятни аниқ мақсад-лар асосида ташкил қилиш ҳамда унинг технологиклигини назорат қилиш имкониятини беради.

Педагогик технология тизими педагогик мақсадларнинг аниқ амалга оширилишини таъминлайди.

Технологик тизимнинг асосий белгиси кутилган натижага эришишни кафолатлашдир. Бунинг учун асосий мақсадга эри-

шишнинг ҳар бир босқичида бажарилиши лозим вазифалар, бунинг учун талаб қилинадиган воситалар ҳамда методларнинг аниқ модуллари ёки алгоритмлари ҳосил қилинади.

Нотехнологик тизим (хусусий методикалар)да эса кутилган натижага эришиш кафолатланмайди.

Педагогик технология рационал асосдаги илмий мезонларга асосланган бўлиши билан бирга, унинг янада ривожланишида интуитив (эмпирик) билимлар ҳам муҳим аҳамиятта эга. Шу маънода технологияни маълум маънода санъатга қиёс қилинади. Чунки санъат интуицияга асосланади, технология эса фанга асосланади. Лекин жуда кўп фаолият соҳалари дастлаб санъатдан бошланади ва технология билан тугайди. Сўнгра ҳаммаси бошидан бошланади. Педагогик технологиянинг ривожланиш жараёнларида ҳам ушбу ҳолатларни кузатиш мумкин. Фанга мувофиқ қурилган педагогик амалиёт педагогик технологиядир.

Таълим олувчилар ва таълим берувчиларнинг ўкув-тарбия жараённада аввалдан белгиланган сифатларнинг шаклланишига олиб келадиган изчил амалий фаолиятларини педагогик технология деб ҳисоблаш мумкин.

Педагогик технология (ёки таълим технологияси) борйиғи ва энг асосан таълим олувчи ёки тарбияланувчининг таълим-тарбия жараённада қандай фаолиятни ва қай даражада амалга оширишидан иборат.

Ўкувчининг ўрганилаётган материални сифатли ўзлаштиришини таъминловчи изчил амалий фаолияти таълим технологияси бўлиши мумкин.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АЙРИМ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

Педагогик технология бир қанча асосларга эга. Булардан энг аҳамиятлilари ижтимоий, фалсафий, методологик, дидактик, педагогик, психологик, физиологик, гигиеник, мағкуравий, ҳуқуқий-меъёрий, иқтисодий, тарихий, назарий, амалий ва бошқа асослар ҳисобланади. Улар билан қисқача танишиб чиқамиз.

Педагогик технологиянинг ижтимоий асоси ҳар бир шахс, жамият ва давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги эҳтиёжларидан келиб чиқади ва шу эҳтиёжларни қондиришнинг мақсад ва талабларини, ташкилий шакллари ва усулларини белгилайди. У шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ривожланишида асосий омиллардан ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг фалсафий асоси унинг мақсадлари ҳамда ташкилий шакл ва усулларининг фалсафий жиҳатдан тўғри йўналишда бўлишини таъминлашга хизмат қўлади. Фалсафий оқимлар ва йўналишларнинг ҳар бири таълимтарбия масалаларига ўзига хос ёндашади. Шу сабабдан педагогик технологиянинг фалсафий йўналиши унинг тўғри ёки нотўғрилигини, жамиятнинг маълум мақсадларига мувофиқ ёки зиддигини кўрсатади. Бу педагогик технологияларга баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг методологик асоси уни амалга оширишда қандай методларга асосланишини белгилайди. Инсонларнинг оламни ҳамда ўзларини билишлари турли тарихий даврларда турлича асосларга эга бўлган ва улар ўзига хос методларни келтириб чиқарган. Ҳозир олам ва унинг ҳусусиятлари ҳақида холис маълумотлар олиш, ҳаққоний билимлар ҳосил қилишнинг илмий методологияси педагогик технологияларнинг методологик асоси ҳисобланади. Методологик асоснинг илмий жиҳатдан тўғри бўлиши педагогик технологиялар учун зарурӣ шартдир.

Педагогик технологиянинг дидактик асоси унинг таълимтарбия қоида ва тамойилларига мувофиқлигини белгилайди. Дидактик талаблар таълим-тарбиявий вазифаларнинг назарий жиҳатдан тўғри бажарилишини таъминлайди.

Педагогик технологиянинг дидактик жиҳатдан тўғри бўлиши унинг юқори самарадорлигининг зарурӣ шарти ҳисобланади. Бунинг учун замонавий дидактикасининг илмий хуросаларидан ижодий фойдаланиш талаб қилинади.

Педагогик технологиянинг педагогик асоси замонавий педагогика фанининг илмий хуросаларидан келиб чиқади. Бунда педагогик технологиянинг умумий таркибий тузилиши, мазмуни, шакли, усуллари, воситалари, педагогик жараённинг ташкил қилиниши, олиб борилиши, унинг диагностикаси, мониторинги, ўқув-мавзуу режалар ва шу кабиларнинг илмий жиҳатдан тўғри бўлиши таъминланади. Педагогик технологиялар ҳозирги педагогика фанининг ривожланишида катта ўрин эгаллаб бормоқда.

Педагогик технологиянинг психологик асоси психология фанининг илмий хуросалари ва тавсиялари билан белгиланади. Улардан таълим-тарбия жараёнида тўғри фойдаланиш орқалигина кутилган натижага эришиш мумкин. Шу сабабли педагогик технология психология қонунларини тўлиқ ҳисобга олиши талаб қилинади.

Таълимнинг ҳар бир босқичида тегишли ёш психологияси ҳусусиятларига мослаштирилган педагогик технологиялар қўл-

ланилади. Ҳар бир босқичда тегишли даражадаги билим ва тарбия берилади. Бу масалаларни ўрганиш билан педагогик психология фани шуғулланади.

Педагогик технологиянинг **физиологик асоси** ўқувчиларнинг турли ёшдаги физиологик хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат. Бунда ўғил ва қиз болалар физиологиясидаги фарқлар алоҳидан ҳисобга олиниши лозим. Педагогик технология жараёнида физиологик талабларни ҳисобга олиш соғлом авлодни вояга етказишнинг зарурый шарти ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг **гигиеник асоси** таълим-тарбия жараёнида саломатликни сақлаш талабларига риоя қилишдан иборат. Бунда турли зарарли ва ортиқча таъсирларни бартараф қилиш, ўқув шароити: ёритилганлик, ҳарорат, ҳавонинг тозалиги, ўқувчининг ва ўқитувчининг иш ўрни, жиҳозлар, ўқув нагруззкаларининг меъёрлари, дидактик воситаларнинг қулайлиги, сифати ва шу кабилар тиббиёт, физиология, эргономика, экология талабларига, инсонпарварлик ва халқпарварлик фояларига мувофиқ бўлган илмий асосларда белгилаб борилади.

Бу талаб ва меъёрларга риоя қилиш педагогик технологияни амалиётта татбиқ этиш имкониятини яратади. Бу масалаларни ўрганиш билан мактаб гигиенаси фани шуғулланади.

Педагогик технологиянинг **мафкуравий асоси** унинг миллий истиқлол гояси ва мафкураси тамойилларини ўзида мужассам этиши ва уларни амалга оширишга йўналтирилган бўлишидан иборат. Бунда баркамол инсонни шакллантиришда мафкуравий тарбиянинг фидойи, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-автори билан бошқаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли, ижтимоий фаол инсонни вояга етказишдан иборат асосий вазифаларни амалга ошириб бориши ҳар бир педагогик технология учун долзарб масалалардан ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг **хукуқий-меъёрий асоси** таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга оширишга доир қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, „Таълим тўғрисида“ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия соҳасига тегишли Фармонлари, Вазирлар Маъқамасининг қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг қарор ва буйруқлари, улар асососида тайёрланниб, ўрнатилган тартибда тасдиқланган низомлар, уставлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Педагогик технология жараёни иштирокчилари ушбу хукуқий-меъёрий асосларни тегишли даражада билишлари ва амалга ошириб боришлари лозим.

Педагогик технологиянинг иқтисодий асоси таълим менежменти хуросалари ва маркетинг тадқиқотлари натижаларига мувофиқ белгиланади. Педагогик технология ижтимоий соҳадаги фаолият бўлгани сабабли унинг иқтисодий самараси ўзига хос тартибларда аниқланади ва таъминот масалалари ҳал қилиб борилади. Педагогик технология иқтисодий асосининг мустаҳкам бўлиши уни амалиётда давом эттириш учун зарурый шарт ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг тарихий асоси таълим-тарбия масалаларини турли тарихий даврларда амалга оширишнинг шакл ва усуллари, мазмуни ҳамда турли педагогик назариялар ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлиб, улар замонавий педагогик технологияларнинг келиб чиқиши учун замин ҳисобланади. Ҳозирги педагогик технологиялар турли даврларда бошланган ишлар, олиб борилган таҳдиллар, чиқарилган хуросалар, мутафаккирлар билдирган фикр-мулоҳазаларнинг ривожлантирилиши асосида пайдо бўлиб, такомиллашиб бормоқда. Педагогик технологиянинг тарихий асоси унинг ўзига хос илдизларини ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда уларни билиш ва чуқур ўрганиш келгуси ривожланиш йўлларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида айтилган ва бошқа асослар умумлаштирилса, ҳар бир педагогик технологиянинг ўз назарий ва амалий асослари келиб чиқади. Улар алоҳида мақсад, вазифалари, мазмуни, шакл, усул, воситаларига мувофиқ белгиланади.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА МЕТОДИКА ОРАСИДАГИ АЙРИМ ФАРҚЛАР

Ҳозирги кунда педагогик технология ҳақидаги аниқ тушунча ва тасаввурлар бирмунча камлиги туфайли, уни хусусий методикалар билан деярли тенгглаштириш ҳоллари учрайди. Аслида эса улар орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, қуйида улар ҳақида қисқача баён қилинади.

Методика — бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуи. У алоҳида методикаларга ажралади. Педагогика фани маълум ўкув фанларини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қиласди. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

Методиканинг педагогик технологиядан фарқини тушуниш ва амалда ҳар иккисидан унумли фойдалана билиш талаб қилинади. Улар орасидаги фарқлар қўидаги жадвалда келтирилган.

I-жадвал

**Педагогик технология билан методика орасидаги
айрим фарқлар**

Асосий түшүнчалар	Педагогик технология	Методика
Таърифлар	Педагогик технология — инсонга олдиндан белгиланған мақсад буйынча таълим-тарбиявий таъсир ўтказып фоолиятидан иборат	Методика — мәдениміндең үкүв фанинің ўқытыш ҳамда тарбиявий ишлар қонунияттарини тадқиқ көзлады
Мақсад	Комил инсонни шакллантириш	Алоҳида үкүв фанларини ўқытиш ҳамда тарбиявий ишларнинг сифатлы бўлишини таъминлаш
Қўллаш миқеси	Бутун таълим-тарбия жараёнида	Хусусий фанларни ўқытишда ҳамда тарбиявий ишларда
Воситалар	Барча таълим-тарбиявий воситалар, хусусий методикалар	Алоҳида үкүв фанларини ўқытишда ҳамда тарбиявий ишларда қўлланиладиган воситалар
Педагогик жараён	Таълим ва тарбия технологияси асосида. Таълим менежменти ва маркетинги асосида. Таълим-тарбия соҳасидаги энг илғор тажрибаларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланниб боради. Етарли тайёргарликка зга мутахассислар томонидан қўлланганда ўзаро ўхшаш натижалар олиниши таъминланади.	Таълим-тарбия методикаси асосида ижодкор ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларига таяниб ривожланади. Хусусий тажрибалар асосида бойнитиб борилади. Бир муаллифнинг илғор педагогик тажрибасини ҳамма педагоглар айнан қўллай олмайдилар. Бунда натижалар ҳар кимда ҳар хил бўлади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади
Натижага кафолати	Олдиндан белгиланған мақсадга эришиш кафолати бор	Олдиндан белгиланған мақсадга ҳар бир ўқитувчини ўз имкониятларига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижага кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчиларгини яхши натижага эришадилар.
Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиқдан	Таълим-тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиқдан

Ушбу фарқлар юзасидан қуидаги фикрни эслаш мүмкін: „Аслида замонавий таълим методлари муқаддас қизиқувчанликни ҳозирча батамом бўғиб ташламагани деярли мўъжида, чунки бу нозик ниҳол (яъни, қизиқувчанлик) рағбатлантириш билан бир қаторда, энг аввало, эркинликни талаб қилади, йўқса, у шаксиз, маҳв бўлади“ (А. Эйнштейн).

Бу ерда таълим методлари қизиқувчанликка етарлича эркинлик бера олмаслиги назарда тутилмоқда. Педагогик технология эса боланинг қизиқувчанлигини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган.

„Педагогик технология“ тушунчаси хусусий фанлар ва маҳаллий даражалардаги ўқитиши методикалари тушунчаси билан мос келадиган ҳоллар хусусий даражадаги педагогик технологияларга тегишли. Улар орасида фақат асосий эътиборни нимага қаратилишида фарқлар мавжуд.

Технологияларда кўпроқ процессуал, миқдорий ва ҳисобкитоб компонентлари ифодаланса, методикаларда мақсад, мазмун, сифат ва вариантли йўналтирувчи томонлари кўпроқ ифодаланади. Технология методикалардан ўзининг қайта тикланувчанлиги, натижаларининг турғунлиги, кўплаб „агар“лар (агар ўқитувчи истеъодли бўлса, агар болалар қобилиятли бўлса, агар яхши ота-оналар бўлса...) йўқлиги билан фарқ қиласи.

Яъни технология тегишли тайёргарликка эга бўлган ҳамма мутахассислар томонидан қайта тиклаш ва қўллаш мумкинлиги билан жуда ҳам индивидуал бўлган методдан фарқ қиласи.

Метод — бирор ҳаракатни амалга ошириш **йўли**, усули ёки **кўринишидан** иборат.

Бунда ҳаракатни амалга ошириш **йўли** деб, бажарилиши талаб қилинаётган фаолият учун қўллаш мумкин бўлган бир нечта йўлдан олдиндан кўзда тутилган мақсадга мувофиқ равишда танланган йўлга айтилади. Масалан, савод ўргатиш йўллари: оиласда ўргатиш, мактабда ўргатиш, боғчада ўргатиш, ўқитувчи ёрдамида ўргатиш, китоблар, компьютер, кўргазма куроллар ва бошқалар воситасида ўргатиш. Шунга ўхшаш саноқни, арифметик амалларни ўргатишда ҳам юқоридагига ўхшаш йўллардан фойдаланиш мумкин. Шу йўллардан фойдаланиб ҳаракатни амалга оширишда турли усуллар кўлланилади.

Ҳаракатни амалга ошириш **усули** деб, танланган маълум йўлдан фойдаланган ҳолда олдиндан кўзда тутилган мақсадга эришиш учун қўлланадиган ҳаракат усулларига айтилади. Булар, оиласда, боғчада, мактабда савод ўргатишни амалга оширишда ўқитувчининг, тарбиячининг қўллайдиган иш усулларини; компьютер, китоб ва бошқа таълим-тарбия воситаларини белгиланган мақсадга мувофиқ қўллаш усулларини ўз

ичига олади. Шунга ўхшаш арифметик амалларни ўргатиш юзасидан танланган ҳар бир йўл ҳам ўзига хос усулларни кўллашни назарда тутади.

Демак, ҳар бир ҳаракат маълум йўл билан ва шунга мувофиқ усулда амалга оширилади.

Бирор ҳаракатни амалга ошириш кўриниши деб, шу ҳаракатни батафсил тасвирловчи кўринишга айтилади. Бунда ҳаракатнинг йўналиши, йўналиш ўзгариши, тезлигининг ортishi, секинлашуви, тўхташлари, бир нечта ҳаракатнинг бир вақтда бажарилиши ёки уларнинг оралиқлари, ҳаракат натижасида шакллар, фазовий ҳолатлар, ранглар, қаттиқ-юмшоқлик, сиртларнинг текислиги ёки ғадир-будурлигининг ўзгариши ва бошқа кузатиш мумкин бўлган турли ҳаракат кўринишилари назарда тутилади.

Хозирда методлар, методикалар ва технологиялар битта тушунча сифатида идрок қилинмоқда. Технологиялар ва методикаларни аралаштириб юбориш шундай ҳолларга олиб келадики, баъзан методика технологиялар таркибиға кириб қолади, баъзан эса аксинча.

Педагогик технология ўқув жараёни (яъни ўқитувчининг, ўқувчининг фаолияти билан), унинг таркиби, воситалари, усуллари ва шакллари билан энг кўп даражада боғланган.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Маълумки, инсон ҳамма соҳада бирор мақсадга эришиш мақсадида ўзи учун маъқул бўлган йўл, усул, воситалардан фойдаланиб, зарур фаолиятни амалга оширади. Демак, аввал мақсад пайдо бўлса, кейин шунга мувофиқ, мавжуд имкониятларга суюнган ҳолдаги фаолият келиб чиқади.

Бундан кўринадики, мақсад ҳар бир ишнинг сабаби ва сўнгти натижасини белгилайди. Лекин айтиш керакки, мақсаднинг ўзи маълум сабаблар асосида шакланади. Бундай сабаблар эҳтиёж дейилади. Агар эҳтиёж пайдо бўлса, мақсад келиб чиқади ва шу мақсад фаолиятта сабаб бўлади.

Эҳтиёж ва мақсадни умумий ном билан *мотивлар* деб аталади. Бундан эса ҳар бир фаолият мотивлар асосида келиб чиқиши ва шу мотивларга мувофиқ давом этиши ҳамда сўнгги натижага эришиш кўзда тутилади.

Педагогик технологияда мотивлар жараённи келтириб чиқаради ва шу жараённинг натижасига олиб келади. Бундан эса педагогик технологияни мотивлар, жараён ва натижадан иборат учта таркибий қисмларга ажратиб таҳлил қилиш имконияти ҳосил бўлади.

I- схема

Педагогик технологиянынг асосий таркибий қисмлари



Бу схемадан юқорида айтилган учта таркибий қисмнинг ҳар бирини яна ҳам аникроқ таҳлил қилиш мақсадга мувофиқлиги кўриниб турибди. Шу нуқтаи назардан педагогик мотивлар кимлар томонидан ва қандай мазмунда илгари сурлишини кўриб чиқишимиз мумкин.

ПЕДАГОГИК МОТИВЛАР



Педагогик технология ўз вазифаси бўлган ижтимоий буюртмани бажариб, жамият, ота-она, ўқитувчи, ўқувчининг эҳтиёж, манфаат, мақсадларига мувофиқ бўлган мотивларни қондиришга хизмат қилади. Бу мотивлар ўзига хос боғлиқликларга эга бўлиб, улар қуйидаги схемада кўрсатилган.

2- схема

Педагогик мотивларнинг ўзаро боғлиқларни





ҮҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИ

Педагогик технологиянинг асосий жараёни ўқув-тарбия машғулотлари, яъни ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги педагогик мулоқот кўринишида амалга оширилади. Бу мулоқот давомида уларнинг ҳар бири маълум фаолият турларини амалга оширадилар. Уларнинг ушбу фаолиятлари бевоқсита педагогик технологиянинг асосий жараёнини ҳосил қилади. Буни схема кўринишида кўйидагича тасвирлаш мумкин.

3- схема

Педагогик технология асосий жараёни иштирокчиларининг фаолият турлари



Педагогик технологиянинг асосий жараёни ўқитувчи учун сўзлаш, кўрсатиш, топшириқлар бериш, назорат қилиш (тушунтириш, раҳбарлик қилиш) орқали мустақил билим олиш ва фикрлашга ўргатишдан, ўқувчи учун эса дикқатни жамлаган ҳолда тинглаш, кузатиш, топшириқлар бажариш (тушуниш, ўзлаштириш) орқали мустақил билим олиш ва фикрлашга ўрганишдан иборат.

Бу схемадан кўриниб турибдики, ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчи ўзи билим олади, ўрганади, ўзлаштиради, мустақил фикрлаш кўнкималарини эгаллайди.



ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНГА ТАЙЁРГАРЛИК

Педагогик технология жараёни серқирра бўлиб, унга тайёргарлик ҳам ўзига хос босқичлардан иборат. Уларни қисқача ифодалаш учун кўйидаги схемадан фойдаланиш мумкин.

4- схема

**Педагогик технология жараёнига тайёргарлик ишларининг
асосий босқичлари**

Педагогик технология жараёнига тайёргарлик босқичлари								
Мақсад - лар	Мазмун, стандарт	Режалар, дастурлар	Воситаларни нигайёрлиги	Ўкувчининг тайёрлиги	Ўқитувчи нигайёрлиги	Метод, йўл, усуллар танлаш	Бошқарув	Назорат

Ушбу схемадаги ҳар бир тушунча ўз таркибига тегишли кенг мазмунга эга эканлиги маълум. Уларнинг ҳар бири алоҳида мавзуларни ташкил қилади.

Бу масала юзасидан айрим фикрларни баён қиласиз. Булар педагогик технологиянинг асосий жараёни иштирокчилари таркиби, бу жараёнига хизмат кўрсатувчилар таркиби ҳамда қўлланадиган воситаларнинг асосий турларига тегишли бўлиб, уларни қўйидаги схема кўринишида ифодалаш мумкин:

5- схема

Педагогик технология асосий жараёни иштирокчилари		
Ўқитувчи	Ўкувчи	Методист-технолог

Бу схемада методист-технолог деган атаманинг қўлланиши педагогик технология атамасини қўллаш муносабати билан мантиқан келиб чиқади деб, ҳисоблаш мумкин. Чунки хусусий методикалар асосида ўқитиш даврида методист фаолияти мақсадга мувофиқ бўлган эди. Ҳозирда эса педагогик технологиилар жорий этилиши муносабати билан уларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, ривожлантириш, умумлаштириш, оммалаштириш, янгиларини яратиш фаолиятлари билан шуғулланувчи мутахассисни шу технология мутахассиси сифатида технолог деб аташ мантиқан тўғри бўлади.

Қўйидаги схемада эса педагогик технология жараёнини ташкил қилиш ва олиб боришини таъминловчи асосий хизмат турлари кўрсатилган:

6- схема

Педагогик технология жараёнинг хизмат кўрсатувчилар						
Методик ва малака ошириш хизмати	Таълим менежменти	Таъминот	Маркетинг	Диагностика	Мониторинг	Назорат

Педагогик технология жараёнининг асосий хусусиятларини қисқача баён қилиш шу жараёнда қўлланадиган воситаларни ҳам эслатиб ўтишни талаб қиласди. Бу воситаларнинг асосий турларини умумлаштирган ҳолда қуйидагича номлаш мумкин:

7- схема

Педагогик технология жараёнида қўлланадиган воситалар			
Оғзаки	Ёзма	Кўргазмали	Техникавий

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ НАТИЖАЛАРИ

Педагогик технология натижалари унинг барча иштирокчиларига тегишли бўлиб, қуйидаги схемада энг асосий иштирокчилар бўлган ўқитувчи ва ўқувчи учун тегишли жиҳатлари қисқача кўрсатилган:

8- схема



Бу схемадан педагогик технология натижасининг энг асосий кўрсаткичи ўқувчи ҳамда ўқитувчи учун рақобатбардошлини таъминлаш эканлиги кўриниб турибди. Уларнинг рақобатбардошлигига эришиш орқали эса мактабнинг, педагогик жамоанинг рақобатбардошлиги таъминланади.

Педагогик технология натижаларини номлашда бошқа технологияларга тақлидан баъзан маҳсулот деб аташ ҳоллари учрайди. Бизнингча, бундай натижани ижтимоий соҳадаги педагогик маҳсулот ёки педагогик натижа деб номлаш мумкин.

Шу билан бирга, айтиш керакки, олий таълим босқичида бу масала ҳал бўлганлиги, яъни бу таълим босқичларининг якуний маҳсулоти бакалавр ҳамда магистр деб номланиши маълум. Лекин таълим соҳасидаги қолган қуий босқичларнинг якуний маҳсулотлари учун ҳозирда тегишили номлар белгиланмаган бўлиб, бу масала ўз ечимини кутмоқда.

Агар ўқитувчининг тайёргарлиги, яъни унинг билимдонлиги ҳамда педагогик маҳорати доимо талаб даражасида ҳамда ўқитувчининг қизиқиши, дикқатини жамлаши ва эслаб қолиши доимо юқори даражада бўлганда эди, таълим-тарбия жараёнида исталған усулдан фойдаланганда ҳам юқори натижага эришиш мумкин эди. Лекин бу кўрсаткичлар тез ўзгарувчан бўлиб, педагогик жараённи ана шу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда олиб бориш энг зарур шартлардан ҳисобланади. Акс ҳолда таълим-тарбия жараёнидан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шунинг учун таълим-тарбия жараёнининг турли шакл ва усуллари қадимдан пайдо бўлган ва ҳозиргача такомиллаштириб келинмоқда. Бу шакл ва усулларнинг ҳар бири юқорида айтилган ягона асосий мақсадга интилгани ҳолда, аслида эса уни кўзда тутилганга нисбатан камроқ даражада, яъни маълум бирор йўналишда ҳамда мавжуд имкониятларга мувофиқ даражада бажаришга эришилмоқда.

Бундан кўринадики, ҳар бир шакл ва усулдаги педагогик жараён маълум афзалликлар билан бир қаторда етишмовчиликларга ҳам эга.

Шу муносабат билан илфор педагогик технологияларга ҳамма даврларда ҳам жиддий эҳтиёж мавжуд бўлган. Улар орасида турли мақсадлар учун қулай, ноқулай, самарали, кам самарали ёки самарасиз таълим-тарбия технологиялари учрайди.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТУРЛАРИ

Педагогик технологиялар узлуксиз таълим турлари, таълим соҳалари ҳамда айрим белгилари бўйича турларга ажратилади.

Узлуксиз таълим турлари бўйича мактабгача таълим, бошлангич таълим, таянч таълим, мактабдан ташқари — қўшимча таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими педагогик технологияларига бўлинади.

Шу билан бирга, таълим соҳалари бўйича она тили, хорижий тиллар, адабиёт, ижтимоий, табиий, аниқ фанлар, санъат, спорт, техника, технология, амалий фанлар, касб-хунарлар, маҳсус таълим педагогик технологиялари мавжуд.

Хозирда мавжуд бўлган педагогик технологияларни бир қанча белгиларига қараб турларга ажратилади. Бу белгилар ҳакида гапиришдан олдин шуни эслатиб ўтишимиз керакки, педагогик технология доимо комплекс характерга эга бўлиб, у фақат биттагина омилдан, методдан, тамойилдан фойдаланмайди, яъни қўида келтириладиган турларгагина хос бўлган монотехнологиялар аслида мавжуд эмас. Лекин ҳар бир педагогик технологияда асосий эътибор таълим жараённининг у ёки бу томонига қаратилиши натижасида уларни шу белгилари бўйича турларга ажратилади.

Бу масалага турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, улардан айримларини кўрсатиб ўтамиш.

Билиш фаолиятини бошқариш бўйича педагогик технологияларнинг қўидаги турлари маълум:

- классик маъруза;
- техника воситалари ёрдамида ўқитиш;
- маслаҳатчилик тизими;
- дарслик бўйича ўқитиш;
- кичик гуруҳлар тизими;
- компьютер ёрдамида ўқитиш;
- репетиторлик тизими;
- дастурлаштириладиган бошқарув.

Таълим олувчига ёндашув тури бўйича педагогик технологиялар қўидагича номланади:

- авторитар;
- дидактик йўналтирилган;
- ижтимоий йўналтирилган;
- антропологик йўналтирилган;
- педагогик йўналтирилган;
- шахсга йўналтирилган;
- инсонпарварликка ва шахсга йўналтирилган;
- ҳамкорлик технологияларига йўналтирилган;
- эркин тарбияга йўналтирилган;
- эзотерик таълим ва тарбияга йўналтирилган.

Күлланиладиган асосий метод бўйича педагогик технологиялар куйидаги турларга ажратилади:

- доктриналык, репродуктив метод;
- тушунтириш, кўргазмали;
- ривожлантирувчи таълим;
- муаммоли, изланишли;
- ижодий метод;
- дастурлаштирилган таълим методи;
- диалогли метод;
- ўйин методи;
- ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим методи;
- ахборотли (компьютерли) таълим методи.

Ташкилий шаклларига кўра, педагогик технологиялар куйидаги турларга ажратилади:

- ҳозирги анъанавий таълим;
- шахсга йўналтирилган педагогик жараён асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил қилиш самардорлиги асосидаги педагогик технологиялар;
- материални дидактик такомиллаштириш ва реконструкциялаш асосидаги педагогик технологиялар;
- хусусий фанлар педагогик технологиялари;
- алтернатив технологиялар;
- табиатга мослаштирилган технологиялар;
- ривожлантирувчи таълим технологиялари;
- муаллифлик мактаблари педагогик технологиялари;
- технологияларни лойиҳалаш ва ўзлаштириш технологиялари.

Булардан ташқари, шахснинг хусусият ва сифатлари таркибига йўналтирилганлик бўйича педагогик технологиялар куйидаги турларга ажратилади:

- фанлар бўйича билим, уқув, кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган — ахборот технологиялари;
- ақлий фаолият усусларини шакллантиришга йўналтирилган — операцион технологиялар;
- эстетик ва ахлоқий муносабатлар соҳасини шакллантиришга йўналтирилган эмоционал-бадиий ва эмоционал-ахлоқий технологиялар;
- шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш механизмларини шакллантиришга йўналтирилган ўз-ўзини ривожлантириш технологиялари;

- ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган-эвристик технологиялар;
- амалий фаолият соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган амалий технологиилар.

Педагогик технологииларни юқорида айтилганлардан ташқари бир қанча белгиларига кўра ҳам турларга ажратилади. Бундай турларга ажратишлар ҳар бир педагогик технология ўзига хос серқирра эканлигидан келиб чиқади ҳамда уларни илмий-назарий ҳамда амалий мақсадлар нуқтаи назаридан чукур таҳлил қилишга, ўзлаштиришга, янада ривожлантиришга хизмат қиласди.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАЪЛИМНИНГ АЙРИМ ТАРИХИЙ ТУРЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида шаклланиб бораётган таълим технологиясининг тарихий асоси сифатида республикамиз худудида турли даврларда шаклланган куйидаги айрим таълим турларини кўрсатиш мумкин:

Анъанавий таълим. Ҳозирда бу атама билан дастлаб Я.А.Коменский томонидан ифодалаб берилган, таълимни ташкил қилишнинг XVII асрда таркиб топган ва ҳозиргача жаҳон мактабларида энг кўп кўлланаётган, дидактика принципларига мувофиқ бўлган синф-дарс тизими тушунилади.

Оиладаги таълим-тарбия фаолияти. Бунда катта ёшдаги оила аъзолари томонидан ёши кичик оила аъзоларига турли ахлоқий, касбий, илмий ва бошқа ахборотларни ўргатиш, соғлиқни сақлаш, одоб, нутқ ва муомала маданияти каби масалаларга доир дастлабки билим ва кўникмаларни шакллантириш каби вазифалар бажарилади. Бунда асрлар давомида шаклланган таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш алгоритми ва ибрат кўрсатиш, насиҳат қилиш, тушунтириш, савол-жавоб ёш хусусиятини ва бошқа шахсий сифатларни ҳисобга олган ҳолда татбиқ қилинади. Рағбатлантириш ва жазолаш усуслари турли шаклларда кўлланилган. Жазолашнинг энг таъсирили шаклларидан бири катта ёшдаги хурматли шахс: ота-она, бобо-буви, устоз-мураббий кабиларнинг норозиликларини билдиришлари бўлган.

Якка таълим. Бунда таълим-тарбия жараёни устоз-мураббий томонидан оилада ёки унинг ҳузурида амалга оширилган. Бу оиланинг имкониятларига мувофиқ тарзда ҳал қилинган. Якка таълим шаклида асосан кўзда тутилган даражадаги натижаларга эришилган. Қадим замонларда якка таълим шаклида ҳукмдор-

ларнинг ва бошқа бадавлат хонадонларнинг фарзандлариға турли илмлар, касблар, ҳарбий сабоқлар, санъатлар ўргатилган. Бундай таълим-тарбия шакли ҳозирда якка репетиторлик кўринишида мавжуд.

Гурухли таълим. Бу таълим шакли бир неча ўқувчига бир вақтда таълим-тарбия бериш жараёни бўлиб, бунда уларнинг ҳар бири ўз қобилияtlари даражасида ўзлаштиришга эришади. Гурухда ўқувчилар сонининг кўп ёки камлиги айрим фан ёки касблар бўйича машғулотларнинг сифатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шу сабабли турли амалий ва лаборатория ҳамда бошқа маҳсус машғулотларда гурухдаги ўқувчилар сони белгилангандан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди.

Синф-дарс таълими. Бу гурухли таълимнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир хил ёшдаги ўқувчиларнинг маълум миқдоридан иборат гурухи синфни ташкил қиласди. Ҳар бир синфда машғулотлар ўқув фанларини ўрганиш бўйича белгиланган вақт давом этадиган дарслар шаклида ташкил қилинади. Ҳозирда синф-дарс таълими дунёда кенг қўлланилаёттан асосий шакл ҳисобланади. Унинг афзал томонлари билан бирга ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни бартараф қилиш долзарб вазифа ҳисобланади, шу сабабли ушбу муаммо юзасидан дунёдаги йирик мутахассислар томонидан кўплаб фикр-мулоҳазалар ва ҳар турли янги лойиҳалар таклиф қилинмоқда.

Ота ёки она касбини ўргатиш таълими. Бу — оилада ота ёки она касбини ўргатиш бўлиб, кўпроқ турли ҳунар-каслар, бадиий ҳунармандчилик, амалий-безак санъатлари ва бошқа санъат турларини фарзандларга ўргатиш жараёнидан иборат. Бунда турли касбларни ўргатишнинг ўзига хос тартиб (технология)лари қўлланилади. Худди шунингдек, ота ёки она касби сифатида ака, опалар ёки оиланинг бошқа яқин қариндошлари (амаки, тоға ва шу кабилар)нинг касблари ҳам ўргатилиши мумкин. Ота касбини ўргатиш таълими кўпроқ якка таълим шаклида бўлиб, ўрганувчининг қобилияtlари даражасида билим ва кўникмаларнинг ўзлаштирилишини таъминлайди.

Жамоатчилик таълим ва тарбияси. Бу катта ёшдаги қўшиллар, яқин қариндошлар, маҳалла аъзолари томонидан амалга ошириладиган таълим ва тарбиядан иборат. Бунда, асосан, ахлоқ-одоб тарбияси амалга оширилади. „Бир болага етти қўшини ота-она“, „Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл“ каби ўзбек ҳалқ мақоллари жамоатчилик таълим ва тарбиясининг ўрни ва аҳамиятини яққол ифодалайди. Бунда, асосан, катта ёшдагилар ёши кичикларга ўз ҳаётий тажрибалари ва шахсий

хулосалари асосида кундалик турмуш, ахлоқ-одоб, шахслараро мuloқot масалаларини ҳамда халқ донишманллиги тажрибалирини ўзлари ўзлаштирган даражада ўргатиб борадилар.

Уста-шогирд таълими ва тарбияси. Бунда, асосан, хунар-касб таълими ва тарбияси устоз ҳузурида амалга оширилган. Устоз ўз касбини бошқаларга ўргата олиш даражасида ўзлаштирган ва бошқаларга ўргатиш билан машғул бўлган киши бўлиб, турли касбларни ўргатишни ташкил қилиш шакллари ва муддатлари турлича бўлган. Асосан, якка таълим ёки кичик гуруҳлар шаклида амалга оширилган, ҳар бир ўқувчи ўз қобилияти даражасида ўзлаштирган. Уста шогирдининг ҳеч кимнинг ёрдамисиз вазифани бажара олишини атрофлича синааб кўрганидан кейин унинг мустақил ишлашига рухсат берган.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАЪЛИМ ТАРИХИДАН

Ўзбекистон халқ таълими барча соҳалар каби ўлка тарихи, халқ кечмиши билан бевосита боғлиқdir. **Таълимнинг булоги** бўлмиш **Халқ педагогикаси** йиллар ўтгани сари янада муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Халқимизнинг орзу-умидларига йўғрилган оғзаки ижоди — афсоналари, эртаклари, қўшиклиари, мақол, маталлари ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда бекиёс аҳамиятта эга. Халқ оғзаки ижодининг ажралмас қисми ҳисобланган болалар фольклорининг ниҳоятда бойлиги, хилма-хил жанрларга зғалиги бунинг ёрқин далилидир.

Тили туркий гуруҳга мансуб Ўрта Осиё халқлари **V асрдаёқ ўз ёзувига эга эди**. Бугунга қадар сақланиб қолган Ўрхун-Энасий битиклари бундан гувоҳлик беради. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило этилиши (VIII аср) натижасида ислом дини билан бирга араб ёзуви ҳам кириб келди. Шунингдек, „Куръони карим“ сабоги, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810—970), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий каби муҳаддислар таълим-тарбия тарихида ўзига хос ўрин эгалладилар.

Ўлкада **илк мактабларнинг пайдо бўлиши** ҳам шу даврга тўғри келади. Мактабларда грамматика ва дин асосларидан таҳсил берилган. Бирмунча кейинроқ, яъни **X асрлар бошида** Ўрта Осиёда мадрасалар (**ўрта ва олий мусулмон мактаблари**) ташкил этилди. Мадрасалар фаолияти бу ердан Эрон, Ироқ, Сурья, Кичик Осиё, Миср ва бошқа мусулмон давлатларига тарқалган.

Тарихий манбаларга кўра, Самарқандда болаларга 5 ёшидан савод ўргатилган, ўсмиirlарни эса савдо ишлари билан танишириш мақсадида карвонларга қўшиб, олис сафарларга юборилган.

Илк ўрта асрларда Абу Наср ал-Фаробий (879—950), Абу Али ибн Сино (980—1037), Абу Райҳон Беруний (973—1051), Юсуф Хос Ҳожиб (IX аср), Кайковус (XI аср), Аҳмад Юғнакий (XI аср), Маҳмуд Кошгари (XI аср) каби алломалар таълимтарбияга оид дунёвий фикрлари билан довруқ қозондилар.

Татар-мўгул босқинидан иқтисоди ва маданиятига жиддий путур етган мамлакатда XIV асрнинг иккинчи ярмидан қайта юксалиш даври бошланди, турли соҳаларда улуғ олимлар етишиб чиқди.

Буюк саркарда Амир Темур ва темурийлар даврида ўлкада илм-фан, маданият, меъморчилик равнақ топди. Алишер Навоий ўзининг буюк „Хамса“, „Маҳбуул қулуబ“ асарларини яратди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг „Бобурнома“ асари юзага келди. Мирзо Улуғбек фалакиёт илмида мисли кўрилмаган натижаларга эриши.

У ўз шогирдлари билан расадхона барпо этди. Унинг ёрдамида ўрта асрларнинг катта ютуғи бўлган юлдуз туркумлари жадвалини тузди. Улуғбек ўз давригача мавжуд бўлган мусулмон мактаблари тарихини ўрганди. Таълимга янги мазмун бағишлиш, инсонни мустақил ҳаётта тайёрлаш зарурлигини уқтириди. Улуғбек ўз мадрасаси ўқув режаларида анъанавий фанлар билан бир қаторда, математика, астрономия, табобат илми, география, тарих фанларини ўқитишни жорий этди. У мустақил мутолаа қилиш орқали билим эгаллаш фикрини илгари сурди. Улуғбек, устоз ўз устида тинмай ишлаши, дунёвий билимлардан хабардор бўлиши, ўз устозлик маҳоратини тинмай ошириб бориши зарурлигини таъкидлади.

XIX аср ўрталарига қадар ўлка олимларининг илмий изланишлари, асосан, фалсафа ва тарих соҳасида катта самаралар берди.

XIX аср давомида бир қатор маърифатпарвар зиёлилар етишиб чиқди ва улар ўз фаолиятларини бевосита мактаб ҳаётига боғладилар. Туркистанда янги усулдаги мактабларнинг шаклланиш босқичи бошланди.

Ана шундай маърифатпарварлардан Исҳоқхон Ибрат (1862—1937) „Девони Ибрат“, „Жомеул қунут“ („Ёзувлар мажмуаси“); Сайдрасул Азизий (1866—1933) „Устоди аввал“; Маҳмудхўжа Беҳбудий (1874—1919) „Китоб ул атфол“ („Болалар учун китоб“), „Қисқача умумий жўғрофия“; Абдуқодир Шакурий (1875—1943) „Раҳнамои савод“ („Савод чиқариш раҳбари“). „Жамул ҳи-

коят“; Абдулла Авлоний (1878—1934) „Туркий гулистон ёхуд ахлоқ“, „Биринчи муаллим“, „Иккинчи муаллим“, „Мактаб ва гулистон“; Садриддин Айний „Пок бола“; Исматулла Раҳматуллаев „Алифбе таълими“; Абдурауф Фитрат „Адабиёт қоидалари“ сингари асарларини яратиш билан ўлкада педагогика ривожига самарали ҳисса қўшдилар.

Асримиз ибтиносида юқорида номлари зикр этилган маҳаллий маърифатпарвар зиёлилар томонидан очилган янги усул мактабларида она тили, ҳисоб, жуғрофия, рус тили, дин таълими каби фанлар ўқитилган.

Мунавварқори Абдурашидхонов, Муродхўжа Солиҳов, Содиқ Абдусатторов ва бошқаларнинг **миллий мактаб** учун қилган хизматлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу даврда кўпчилик янги усул мактаблари **миллий педагогика** негизлари асосида шаклланган эди.

Халқ педагогикасига сунгган илфор зиёлилар миллий анъана ва урф-одатларимизга мос келувчи янги усул жадид мактаблари ташкил этиш ғоясини илгари сурдилар. Айни пайтда улар бу мактаблар рус-тузем мактабларидан фарқ қилиши зарурлигини таъкидладилар. Ўқувчининг фикрлаши, тафаккури ўз она тили орқали амалга оширилиши кераклиги, шунингдек, диний ақидалар қаторида дунёвий фанлар ҳам ўқитилиши зарурлигини уқтиридилар.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида, жумладан халқ таълими тизимида XX асрнинг сўнгти ўн йиллигига катта ўзгаришлар юз берди. Республикада **мактабгача тарбия муассасалари** ва мактаблар тармоғи ривожланди, ўқитувчилар ҳамда илмий-педагогика ходимлари тайёрлаш жараёни такомиллашди.

Республикамиз истиқололга эришгач, ўзбек педагогикаси тарихида узоқ давр мобайнида тақиқланган, эътибордан четда қолган маданий меросимизга қизиқиши кучайди. Ундаги илфор фикрлар таълим-тарбия жараёнига татбиқ этила бошланди. Янги мазмундаги дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишида миллий-маънавий ва маданий меросимиздан кенг фойдаланилмоқда. Чунки ўтмиш тажрибаси ишончли манбадир.

Юртимиз мустақиллиги бизга жаҳон мамлакатлари билан барча соҳалар қатори таълим-тарбияда ҳам бевосита халқаро ҳамқорликка йўл очди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда халқ таълимини ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар — ижтимоий-сиёсий, маънавий-моддий шароитлар яратилди.

Юқорида айтилғандек, методист-технолог деган ном ишлатилишининг сабаби оддий бўлиб, таълим тизимида хусусий методикалар асосида иш олиб борилганда, ўкув фанлари ва бошқа йўналишлар бўйича методистлар фаолият олиб бора-дилар.

Ҳозирда эса педагогик технологиялар оммалашиб бораётгани муносабати билан уларни турли-туман шароитларга мувофиқ такомиллаштириш, жорий қилиш ва самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар белгилаш билан шугулланувчи мутахассисларни **технолог ёки методист-технологлар** деб номлаш тўғрироқ ҳисобланади.

Юқоридаги схемаларни шартли равишда педагогик технологиянинг сўз, кўз, машқ схемаси деб номлаш мумкин, ушбу учта тушунчанинг ҳар бири жуда кенг қамровли ҳамда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги маълум. Лекин шу билан бирга, бу учта тушунча педагогик технологияда бир-биридан ажралмас тушунчалар ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг асосий элементлари бўлган ушбу сўзлаш, кўрсатиш ва машқлар бажаришни технологик жараённинг учта таркибий бўллаги сифатида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Уларнинг ҳар бири жуда кенг кўламли бўлиб, батафсил таҳлил қилиш кўп вақт ва куч талаф қиласди.

Шу сабабдан бу жараёнлар билан боғлиқ умумий тушунчаларни жадваллар шаклида келтирамиз.

2- жадвал

Педагогик технологиянинг сўзлаш жараёнида ўқитувчи ва ўкувчи фаолияти ҳамда улар учун зарур воситалар

Ўқитувчи		Ўкувчи	
Фаолияти	Воситалар	Фаолияти	Воситалар
Сўзлаш	Мотивлар	Тинглаш	Мотивлар
Тушунтириш	Ахборот ва у ҳақидаги билим	Эшитиш	Дикқат
Маъруза	Мантиқ	Ўзлаштириш	Хотира
Савол-жавоб	Малака	Савол-жавоб	Такрорлаш
Баҳс	Маҳорат	Ёзib олиш	Қобилият
Мунозара	Дунёқараш	Сўзлаш	Ирода
Музокара	Эътиқод	Ёдда сақлаш	Сабр
Ёзib кўрсатиш	Мафкура	Фикрлаш ва бошқалар	Чидам
Маслаҳат	Нутқ		Иқтидор
Насиҳат	Интонация		Истеъод
Танбеҳ	Новербал нутқ воситалари		Машқ дафтари ва бошқалар
Раҳбарлик			
Назорат			
Иход			

Бу жадвалдаги ҳар бир түшүнчө ва улар орасыдаги боғлиқликлар алохидә тизимни ташкил қылади. Бу ерда педагогик технология, асосан, психологик воситаларга, жумладан, ўқытувчи маҳорати, малакаси, ўқувчининг истеъоди, иродасига боғлиқлигига эътиборни қаратиш лозим.

3- жадвал

Кўргазмали ўқув жараёнида ўқытувчи ва ўқувчи фаолияти ва улар учун зарур воситалар

Ўқытувчи фаолияти	Воситалар	Ўқувчи фаолияти	Воситалар
Кўрсатиш Тушунтириш Савол-жавоб Рахбарлик Назорат	Синф доскаси Қоғоз вараги Бўр, фломастер Ўқув плакатлари Компьютер Моделлар Асбоблар Станоклар Муляж Гербарий Альбом Китоб, журнал Газета Жониворлар Ўсимликлар Буюмлар Табиат Ёруғлик ва ранг ҳодисалари Ҳаракатлар, уларнинг тартиби, тезлиги, ритми Фото, кино, видео тасвирлар Схема, жадвал, график, карта, расм, ёзувлар	Кўриш Кузатиш Тушунтириш Ўзлаштириш Ёзиш, чизиш, хисоблаш Ҳаракатларни ўрганиш Такрорлаш Сўзлаш Савол-жавоб Таҳлил Қиёслаш Умумлаштириш Фикрлаш ва бошқалар	Диккат Хотира Қобилият Кузатувчаник Тафаккур Машқ дафтари ва бошқалар

Бу схемада турли фанларни ўқитишида қўлланиладиган кўргазмали воситаларнинг умумий номлари келтирилган. Бунда синф доскасидаги ўқытувчи ёзадиган ёзув ва тасвирларнинг аҳамиятига эътибор қаратилган. Ҳозирда бунинг ўрнига катта қоғоз варакётларига турли рангдаги фломастерлар билан ёзиш кенг тарқалмоқда.

Ҳаракатларни ўрганиш машғулотлари бошқа фанлардан фарқли равишда меҳнат, жисмоний тарбия, мусиқа каби дарсларда кўпроқ ўрин эгаллайди.

Кўргазмалиликда фақат кўриш эмас, ушлаб кўриш, ҳидлаш ёки таъм билиш орқали ҳам ўрганилаётган обьектларнинг қаттиқ-юмшоқлиги, ҳарорати, ҳиди ва бошқа белгилари билан таништирилади.

4- жадвал

Машқлар бажариш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ва зарур воситалар

Ўқитувчи фаолияти	Воситалар	Ўқувчи фаолияти	Воситалар
Машқ бажариш тартибини кўрсатиб бериш, тушунтириш, савол-жавоб, раҳбарлик, назорат	Масалалар Топшириқлар Тестлар Асбоблар Станоклар Жиҳозлар Материаллар Компьютер Үйга вазифа	Кузатиш тушуниш, машқ бажариш, тақрорлаш, ўзлаштириш, сўзлаш, савол-жавоб, ёзиш, чизиш, ҳисоблаш, ҳаракатларни бажариш, қуриш-ясаш, уй вазифасини бажариш, фикрлаш ва бошқалар	Дикқат Тафаккур Хотира Асбоблар Материаллар Машқ дафтари ва бошқалар

Машқлар бажариш ўзлаштиришни мустаҳкамлайдиган ўқув жараёни ҳисобланади. Бу машқлар ҳар бир фанда ўзига хос мазмунда бўлади. Машқлар бажариш жараёнида кўпинча ўқувчнинг ҳамма сезги аъзолари иштирок этиши билан унинг эслаб қолиш даражасини ошириш орқали педагогик имкониятлар янада кенгаяди.

Машқлар ўқиш, ёзиш, сўзлаш, фикрлаш, ҳисоблаш, турли ҳаракатлар бажариш, қуриш-ясаш, чизиш, бўяш, мусиқа чалиш, қўшиқ айтиш, мисол, масала, тестлар ечиш, компьютер билан ишлаш, асбоблар, станоклар, бошқа техника воситалари билан ишлаш, материалларга турли ишлов бериш, дала-да, фермада, қурилишда ишлаш, уй-рўзгор ишларини бажариш, жисмоний ва спорт машқлари, ишchanлик ўйинлари, мусобақа, кўрик, танлов ва бошқалардан иборат.

Машғулот вақтининг кўпроқ қисми машқлар бажаришга сарфланиши, албатта, яхши натижалар беради.

Ўқитувчи фаолиятидаги раҳбарлик ва назорат алоҳида жаён бўлиб, ҳар бир машғулотнинг мақсад ва мазмунига мувоғиқ амалга оширилади.

Назоратнинг энг ҳақиқий ва тўғри тури ўз-ўзини назорат қилиш ҳисобланади. Бу педагогик технологиянинг барча иштирокчилари, яъни ўқитувчи ва ўқувчиларга тегишли. Лекин маълумки, кўпинча одамларда ўз-ўзини қатъий назорат қилиш одатта айланмаган, бунинг учун кўп ҳолларда ирода етишмайди.

Шунинг учун ўқувчи фаолиятини назорат қилиш ўқитувчи ва ота-оналар томонидан ҳамкорликда олиб борилиши мақсадга мувоғиқ.

Бунда назорат учун ҳаддан ортиқ вақт сарфламасликка эътибор бериш, ўқитувчининг асосий иш вақти назорат учун эмас, ўқувчиларга кўпроқ билимлар беришга сарфланишига эришиш лозим.

Агар ўқувчиларнинг ўқиш мотивлари, машғулотларнинг бошидан охиригача диққатни жамлаши, эслаб қолиши, хотирада сақлаши ва ўргангандарини амалда мустақил қўллай олиши каби кўрсаткичлари мунтазам равишда 100 фоиз бўлганда эди, ана шундагина уларнинг ўзлаштиришларини назорат қилишга вақт сарфламаслик мумкин бўлар эди.

Лекин амалда бундай эмаслиги ҳаммага маълум, шу сабабдан ҳозирда назоратнинг рейтинг усулини янада такомиллаштирган ҳолда амалда жорий қилинмоқда.

Мавжуд педагогик технологиялар аслида юқорида айтилган сўзлаш, кўрсатиш, машқдан иборат учта таркибий элементнинг турли комбинацияларини ташкил қиласди. Улар таълим-тарбиянинг айрим йўналишига, мазмунига алоҳида эътибор берилгани ҳамда унга мувоғиқ мақсадларга қаратилгани билан фарқланади.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АЙРИМ ТАРИХИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Қадимги айрим таълим-тарбиявий қарашларда ҳам ўзига хос педагогик технологиялар элементларини учратишимииз мумкин.

Шунга кўра, Ўзбекистон ҳудудида турли даврларда яратилган айрим педагогик технология элементларини эслаш мумкин.

Бурҳониддин аз-Зарнужий (1150 йилда туғилган, вафот этган иили номаълум) Марғилон шаҳрида яшаган. Ўзининг „Таълим олувчига таълим бериш ва таълим бериш йўллари“ номли рисоласида илм, касб-хунар ўрганишнинг асосий шартлари сифатида, энг аввало, ўқувчиде жиддий истак, қатъият ва нон (яъни озиқовқати) бўлиши лозимлигини, шундан кейин яхши муаллим ҳамда етарлича вақт зарурлигини ёзган.

Бунда таълим-тарбиянинг юқори самарадорлиги, аввало, ўқувчига, яъни, унинг жиддий истаги ва қатъиятига боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилгани алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бу эса ҳозирда ўқувчидаги мотивларнинг қанчалик мустаҳкам бўлиши ҳал қилувчи омил эканлиги тўғрисидаги холосаларнинг кўп асрлар олдин ҳам ҳисобга олинганлигини тасдиқлади.

Шу билан бирга, билимларни ўзлаштириш учун етарлича вақт кераклиги тўғрисидаги фикр ҳам жуда қимматли бўлиб, ҳозирда барча фанларни чуқур ўзлаштириш учун ўқувчига вақт етишмаслиги маълум. Бунда, энг зурури, ўрта ва юқори синфларда ўқув фанларини мустақил фикрлаш асосида чуқур ўзлаштириш учун ўқувчига вақт етишмайди.

Шунингдек, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқа йирик мутафаккирлар ҳам таълим-тарбия ҳақидаги масалаларни ҳал қилишда асосий эътиборни ўқувчи (талаба), шогирд, муриднинг бажариши талаб қилинадиган шартларга қараттганлар.

Ушбу талаб ҳозирги энг сўнгги педагогик технологияларда янги қашф қилинган қоида сифатида қаралмоқда. Бунга ўқувчи бажариши талаб қилинадиган ўқув фаолиятининг аниқ алгоритмларини яратиш ва қўллаш foяларига асосланган замонавий педагогик технологияларни далил қилиб кўрсатиш мумкин. Буларга таълимнинг жамоа тизими, қобилиятлар даражасида таълим беришнинг демократик тизими ва бошқалар мисол бўла олади.

Шунингдек, таълим ва тарбия олувчининг фаолиятига асосий аҳамият берган қадимги таълим технологияларидан бири — сўфийликда қўлланилган таълим-тарбия тизими ҳисобланади. Бунда шогирднинг ўзи ўзлаштирган билимларни бошқаларга ўргатиш билан шугулланишини кўзда тутувчи тамоийлга риоя қилинганлигини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Бунда шогирднинг таълим олишга бўлган истагининг қанчалик жиддийлигини ҳамда таълим олиш йўлидаги қийинчиликларга чидаш ва уларни енгигб ўтишга тайёрлиги даражасини қаттиқ, кўпинча кутилмаган кескин синовлардан ўтказилган.

Мактаб ва мадрасаларда сукротона савол-жавоб усулидан кент фойдаланиш асосида ўқувчиларда зийраклик, ҳозиржавоблик сифатлари ҳамда гўзал нутқ таркиб топтирилган.

Сукротона савол-жавоб усули ҳозиргача энг самарали таълим усулларидан бири сифатида қўлланилади. Бунда ўқувчи чуқур мантиқий фикрлашга, зийракликка, аниқ ва тўғри сўзлашга, нутқнинг мантиқийлиги ва равонлигига ҳамда танқидий, ижодий фикрлашга ўргатилган. Масалан, сукротона сухбатлар деганда ўқитувчининг ўқувчини мустақил ва фаол

фикрлаш жараёнига олиб кириши ҳамда унинг фикрлашидаги нотўғри жиҳатларни зийраклик билан аниқлаган ҳолда уларни тузатиш йўлига олиб чиқишидан иборат усуллар назарда тутилади.

Бундай сұхбат босқичларини қўйидагича соддалаштириб ифодалаш мумкин:

1. Савол-жавоблар орқали ўқувчининг билим даражаси ва фикрлаш қобилиятини умумий тарзда аниқлаш.

2. Ўрганилаётган мавзунинг мазмунини ўқувчи мотивларига мувофиқлаштириш. Бу, асосан, ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятинига мос бўлган мисоллар танлаш орқали амалга оширилади.

3. Ўқувчини фаол мулоқотга олиб кириш. Бунда, асосан, рағбатлантириш усулларидан фойдаланилади.

4. Ўқитувчи ўзини билмайдиган одамдек, ўқувчикидек тутиб, саволлар бериб боради.

5. Ўқувчининг тўғри фикрларини рағбатлантириш орқали уни янада эркин ва чукурроқ фикрлашга, сўзлашга жалб қилиш.

6. Ўқувчининг хато фикрларини аниқлаб бориш.

7. Ўқувчининг хато фикрларига нисбатан тўғри фикрни ўқитувчи томонидан яққол мантиқий асосланган шаклда баён қилиш ёки тушунтириш орқали ўқувчи учун муаммоли вазият яратилади ва ўқувчини ўз хатоларини ўзи тузатишига йўналтирилади.

Бундан кўриниб турибдики, ушбу усул юқори натижа бериши шубҳасиз бўлиб, аммо бунинг жиддий шартлари ҳам мавжуд. Булар ўқитувчининг кенг билимга ва ижодий фикрлаш қобилиятига, юқори мулоқот маданиятига, педагогик маҳоратга эга бўлиши кабилардан иборат.

Тибетдаги ламаизм таълимоти асосида турли соҳалар бўйича билимларни ўргатиш марказларида ўзига хос таълим технологиялари кўлланилган. Уларда алоҳида соҳаларга ихтисослашган ибодатхоналарда, масалан, тибиёт, дин ва бошқа соҳалар бўйича таълим бериш амалга оширилган. Бунда ўқувчилар томонидан узлуксиз қайта такрорлашлар асосида тегишли дарсликларни тўлиқ ёд олдирилган, қаттиқкўллик билан назорат олиб борилган, якуний имтиҳонларда эса ҳар бир ўқувчини бир неча кун давомида якка ўзини ажратиб, ўзлаштирган билимларини фақат ўз хотирасидан ёздириш орқали тўлиқ назорат қилинган.

Зарур амалий машғулотлар реал ҳаётга жуда яқин даражада ташкил қилинган шароитларда ўтказилган. Бундай таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилишда уларнинг руҳий, жисмоний чидамлиликлари ҳамда ирода даражаси қаттиқ синов-

лардан ўтказилган. Ўқувчиларнинг кўзланган даражада ўзлаштиришларига, асосан, эришилган. Жисмоний жазо чоралари қўлланилган.

Бошқа мисол сифатида Ўзбекистонда завод ўргатиш тарихидаги педагогик технология элементларини эслаш мумкин. Савод ўргатиш технологиясининг қадим замонлардан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида бир неча усуллари шаклланган ва амалда қўлланиб келинган.

Бу усулларни таълим технологиясининг энг асосий таркибий қисмлари сифатида қарашиб мумкин, чунки завод ўргатиш ҳар қандай таълимнинг бошланиши ҳисобланади ва бу жараён ўзига хос технологиядан иборат. Шунинг учун бу усулларнинг асосий жиҳатларини кўриб ўтамиз.

Алифбе ўргатиш Ўзбекистонда турли даврларда қўйидагича номланган усулларда олиб борилган:

Товуш усули (усули савтия) — ҳарфларни овозлар билан танитиш. Бу усулни қўллаш билан ўқувчиларда илмий билиш методлари (қиёслаш, ажратиб олиш, солиштириш, умумлаштириш кабилар)га хос лаёқат ва малакалар ривожланиб боради. Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875—1919) туркистонликлар орасида биринчилардан бўлиб завод ўргатищда янги усул — товуш усулини амалда қўллади.

Товуш усулида жадид мактаблари учун Мунавварқори Абдурашидхонов (1878—1931) 1907 йилда „Адиби аввал“ („Биринчи ўқитувчи“) алифбо дарслигини ва „Адиби соний“ („Иккинчи ўқитувчи“) ўқиш китобларини чоп эттирди.

Сайдрасул Сайдазизий рус-тузем мактабидаги замонавий ўқитиши усуллари ва таълим-тарбия тизимиға асосланаб „усули савтия“ методида 1902 йилда „Устоди аввал“ дарслигини яратди. Бу бошланғич синфлар учун ўзбек тилида тузилган илк алифбо дарслигидир.

Исмоилбек Гаспралининг 1884 йилда ташкил этган мактабида товуш усулини қўллаш орқали қирқ кун ичидаги 12 ўқувчининг заводи чиқарилган. Шундан сўнг бу усул „усули савтия“ (ҳарфтовуш), бу усулда ўқитадиган мактаб эса „усули жадид“ (янги усулда ўқитиладиган мактаб) номи билан шуҳрат қозонди.

Маддия усули (усули маддия: *madd* — чўзиш). Бу усулда ундош товушларнинг номи бир-бирига қўшилмайди, балки бир ундош товушнинг номига бир унли товуш кўшилиб, очик бўғин ҳосил қилинади. *bo+a=ba, be+y=bu* каби. Ушбу методда таълим қуруқ ёдлаш, кўриш хотирасига асосланади. Бу усулнинг ҳижо усули (усули таҳажжи)га қараганда афзал томони шундаки, усули маддияда ўқувчи маълум бир бўғиннинг ҳосил бўлиш жараёнини англаб етади.

Абдулла Авлонийнинг „Биринчи муаллим“ (1912 йилдан 1917 йилгача нашр қилинган) дарслиги маддия усулида яратилган бўлиб, бу китоб шу методга асосланган русча, татарча алифбе китоблари таъсирида тузилган.

Эски мактабларда қўлланилган усули маддия Л. Толстойнинг „Азбука“ сидан ижодий сабоқ олиш асосида вужудга келди. Бу усуллар кейинчалик таҳлил-таркиб усулининг яратилишида назарий ва амалий асос бўлди.

Таҳлил-таркиб усули (синтетик метод) асосида тузилган алифбелар(жадид алифбелари)да методик материалларни жойлаштиришда осондан қийинга томон бориш методига амал қилинди. Бу алифбеларда ўкув материаллари мазмуни ниҳоятда ўхшаш бўлиб, улар бир-биридан товуш усули ёки усули маддияда тузилганлиги билан фарқланади. Масалан: *Тилингни сақла, ўзингни чақмасун. Дараҳт ҳаводан баҳра олур, одам дуодан. Хат ёзмоқ ярим илм. Ёд олган йўқолур, ёзилса йўқолмас.*

Бутун сўзлар ёки „амриқо“ усули. Бунда дарсликнинг савод ўргатиш даврида Америка мактабларида XX аср бошларида ўқитилгани каби 7-дарсгача сўзларни бўғин ва товушга ажратмай, яхлит ўқитиш, саводга ўргатишнинг илк даврида болалар яхши биладиган ҳайвон ва паррандалар (мушук, сичқон, тўти каби)нинг расмини кўрсатиб, расм остидаги уларнинг номларини ўқитиш каби усуллардан фойдаланилади.

Бу усулда Ўзбекистонда дастлабки алифбе Ҳасан Али томонидан яратилган бўлиб, ундаги матнларда куйидагига ўхшаш мисоллар қўлланилган: *Қатор-қатор тош қўйдим, жайрон отни бўш қўйдим* (тиш ва тил), *Ялат-юлт этади, ямлаб ютади* (олов).

Изоҳли ўқиш усули — XIX асрнинг 90- йилларида Тошкент, Кўқон, Самарқанд шаҳарларида янги усул мактабларида қатор дунёвий фанлар ўқитилиши билан бирга қўлланилди. Бунда, асосан, ўкувчининг олдин билимни ўзлаштиришига, сўнгра ёд олишига эътибор берилган.

Ҳижо усули (усули таҳажжи) — бу усулда ҳарфларнинг номини ёллатиш асос қилиб олинганлигидан савод ўргатиш оғир эди.

Усули таҳажжи энг қийин ва қадимий усул бўлиб, Оврупода XVIII аср охирида мактаб ўқитув методикасидан олиб ташланган. Ўзбек мактабларида XX аср бошларигача асосий ўқитиш усули сифатида ҳукм сурди. Бу усулда 1- босқичда алифбо ҳарфлари номлари, 2- босқичда шу ҳарфлар номлари ва улар орқали ясалган ҳижо (бўғин) ёллатилган. Масалан: бо+алиф=бо; мим+вов=му ва ҳоказо. 3- босқичда абжад ҳисоби ўқитилади. Абжад араб ёзувидаги 28 та ҳарфлардан сунъий равишда тузилган 8 та шартли сўздан иборат бўлиб, бу сўзлар

таркибидаги ҳар бир ҳарф маълум сонни билдиради. Ёзишни ўргатиш эски усул мактаб дастурига кирмаган, кўпгина домлалар ёзув санъатини билмасди.

Имло усули — ўқитувчи айтиб турганни ўқувчилар ёзганлар (VIII—IX асрларда).

Тадрис усули (*тадрис*—шарҳ, изоҳ) X асрдан илгарироқ Марказий Осиёда тарқалган.

Маърифатпарвар педагоглар томонидан тузилган алифбе дарслекларида мактаб ва мадрасаларда фойдаланиб келинган сукротона савол-жавоб усулидан кенг фойдаланиш асосида ўқувчиларда зийраклик, ҳозиржавоблик сифатлари ҳамда гўзал нутқ таркиб топтирилган.



АЙРИМ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚА МАЪЛУМОТЛАР

Ёриб ўтишлар технологияси ва В. Эрхард мактаби. Бу технология менежерларни қайта тайёрлаш ўқишиларидан иборат бўлиб, унинг мақсади ҳар бир одамда мавжуд бўлган (лекин кундалик бир хилдаги ҳаёт ва иш билан бўғиб қўйилган) қобилиятлари ва интилишларини анъанавий муаммоларни янги муаммо сифатида ечиш учун кундалик изланишларга айнан уйготиш ҳисобланади.

Бу курслар тингловчининг фикрлаши ва хулқидаги шахсий стереотипларни бартараф қилиш, ўз имкониятларини ва эскирган муаммоларни янгича ечиш йўлларини кўра олишларини фаоллаштириш ва ўзгартириш бўйича ишлаб чиқилган кўп сонли машғулотлардан иборат.

Бу курсларнинг афзал жиҳатлари — инсон омилини ишга солишига қаратилган бўлиб, маҳсус маблағлар сарфлашни талаб қилмайди; эришилган самара сўниб қолмайди, яъни олинган самара янги шаклларда ва шароитларда мунтазам кучайиб бориши билан бир неча марта самара олишни таъминлади; алоҳида йирик янгиликлар яратишга, ҳосил бўлган боши берк ҳолатлардан ноанъанавий чиқиш йўлларини излашга қаратилганлигидан иборат. 48 йўналишдаги курслар ва семинарлар АҚШнинг 94 та шаҳарларида ва бошқа мамлакатларнинг 128 та шаҳарларида олиб борилмоқда. Бу курсларда йилига 57 минг киши ўқыйди.

Ҳамкорлик педагогикаси. Анъанавий таълимда ўқитувчи педагогик жараённинг субъекти, ўқувчи эса объекти деб қаралади. Ҳамкорлик педагогикасида эса ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти сифатида қаралади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи педагогик жараённинг субъектлари сифатида тенглашиб,

ҳамкорлик педагогикаси жараёни ҳосил бўлади. Улар ўзаро ҳамкор, ҳамдўст, ҳамижодкор, ҳамиштирокчи, ҳамдард, ҳамбошқарувчи бўладилар.

Ҳамкорлик муносабатлари ўқитувчилар орасида, маъмурят билан, ўқувчилар ва ўқитувчилар ташкилотлари билан, раҳбарлар, ота-оналар, жамоатчилик орасида ҳам ўрнатилади.

Ҳамкорлик педагогикаси ўқувчининг таълим-тарбия олиш мотивларини ривожлантириб бориш орқали ҳамда ўқув-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш тамойилларини амалга татбиқ қилган ҳолда юқори натижаларга эришишни таъминлайди.

Ўқув материалининг схемалар ва шартли белгилардан иборат моделлари (таянч сигналлар конспектлари) асосида таълимни интенсивлаштириш технологияси (В. Ф. Шаталов, Донецк шаҳри).

Таянч сигналлар конспектлари кўргазмали схемалардан иборат бўлиб, уларда ўзлаштирилиши лозим бўлган ахборот бирликлари акс эттирилади, улар орасидаги турли боғлиқ-ликлар кўрсатилади ҳамда мавҳум (абстракт) материални яққоллаштирувчи мисоллар, тажрибаларни эслатиш учун белгилар ва мақсадларнинг аҳамиятлилиги бўйича таснифи турли шартли белгилар билан берилади.

Таянч сигналлар конспектлари билан ишлашда қатор ўзига хос усуслар ва методик ечимлар қўлланилади.

„Ваколатли таълим“ технологияси. Бу технология 1995 йилда АҚШда „Аёллар етакчилиги“ деб номланган тренинглардан бошланган бўлиб, ҳалқаро таълим технологияси сифатида 1997 йилдан бошлаб Украинада шаклланиб, сўнгра Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Молдова, Токикистон, Ўзбекистонга тарқалган. 2002 йилда Афғонистон, Бирма, Индонезияда тренинглар ўтказилган. Бошқа мамлакатларда ҳам бу технологияни шакллантириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Бу таълим технологиясини ҳозирда мутахассислар шундай таърифлайдилар: „Ваколатли таълим — гендерлик адолати ва зўравонликсиз муносабатлар асосидаги ўқув жараёни бўлиб, бунда бевосита тажриба орқали таълим олиш йўли билан гуруҳнинг ўз-ўзини ташкил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш мумкин“.

Ваколатлаш педагогикаси таълим дастурларининг бошқа турлари билан таълимга нисбатан умумий ёндашувларга эга. Узаро фаoliyatda улар бир-бирини бойитади ва кучайтиради.

Ваколатлаш таълим мини қуидагича жорий қилиш мумкин:
— расмий ўқув режа (айрим ўқув фани, интеграциялаштирилган ёндашувлар ёки мавзулар сифатида);

— расмийлаштирилмаган ўкув режа (мактаб томонидан ташкил қилинган ва расмий режа билан боғланган синфдан ёки мактабдан ташқари иш);

— норасмий ўкув режа (кутилмаган машгулотлар ташкил қилиш ёки алоҳида режа орқали жорий қилиш).

Машгулотлар маҳсус тайёргарлик кўрган тренерлар томонидан тренинглар шаклида ўтказилади. Бунда *тренер* деб маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренинг машгулотларини олиб бориш (раҳбарлик қилиш) учун маҳсус тайёргарликка эга мутахассисни айтилади. *Тренинг* деб эса маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренерлар томонидан (раҳбарлигига) ўтказиладиган машгулотларга айтилади.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА ҚЎЛЛАНИ-ЛАДИГАН ВОСИТАЛАР

Педагогик технологияларни амалга ошириш учун ўзига хос воситалар зарур бўлади. Ҳар бир педагогик технологияда қўлланиладиган воситалар умуман ўхшаш бўлиб, уларнинг турлари кўп. Уларни шартли равишда қўйидаги турларга ажратиш мумкин: вербал, новербал, визуал, аудио, табиий, ўкув анжомлари ҳамда мактаб жиҳозлари.

Вербал воситаларнинг асосини ахборот ташкил қиласди. Булар сўзлар билан ифодаланадиган ахборотлар бўлиб, уларни сўз орқали ифодалаб бериш учун ўқитувчи уни ўзлаштирган бўлиши, яъни шу ахборот ҳақидаги билимга эга бўлиши лозим. Бошқача айтганда, педагогик технологияларнинг вербал воситаларини ўқитувчининг билимлари даражасидаги ахборотлар ташкил қиласди. Шу сабабли ҳозирда таълим жараёнида фақат ўкувчи ва ўқитувчининг иштирок этиши етарли бўлмай қолди.

Замонавий таълимни амалга оширишнинг яна бир зарур шарти ўкув фанлари бўйича ахборот манбалари, шу жумладан, янги ахборот технологияларининг тез ва қулай фойдаланиш имконини берувчи турларидан ҳар бир ўкувчи ва ўқитувчи эркин фойдалана оладиган шароит яратишдан иборат. Яъни ҳозирда сифатли таълим бериш учун анъанавий иккита томон — ўкувчи- ўқитувчига зарур ахборотларни етказиб турувчи хизматдан иборат учинчи томон фаолиятини ташкил қилиш зарур.

Бу йўналиш ахборот технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий қилиш йўналиши деб номланади. Шу ахборотларни ўкувчилар тушунга оладиган мантиқий шаклларда ифодалаш ўкувчи билан ўқитувчининг вербал мулоқотини ташкил қиласди. Буни қўйидаги схема шаклида ифодалаш мумкин:

14- схема



Бу схемадан таълим жараённан қарастырылған даражада, унинг мантиқий тафаккурига, нутқий қобилиятларига, дунёқараashi ва мафкурасига мувофиқ равишда баён қилиниши күриниб турибди.

Вербал муроқот шакллари ҳар хил бўлиб, уларнинг асосийлари нутқ сўзлаш, маъруза, сұхбатлашиш, савол сўраш, саволга жавоб бериш, баҳс, мунозара, музокара, хабар бериш, кенгаш, маслаҳат, насиҳат, танбеҳ, табрик, саломлашиш, хайрлашиш кабиларни ўз ичига олади.

Ушбу вербал муроқот шаклларида қўлланиладиган нутқ интонациялари сўзловчининг фикрларидаги унинг мақсадига мувофиқ бўлган маъно-мазмунларни чукурлаштириш, яққолаштириш имконини беради.

Ўқитувчи ўқувчи учун маълум бўлган тушунчаларга асосланган ҳолда янги ахборотларни таништириб, тушунтириб боради.

Бу жараёнда ўқувчилар диққатни жамлаш, тинглаш, эшишиш, англаш, тушуниш, идрок қилиш, мантиқий фикрлаш (таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш), хотирада сақлаш, қайта эслаш фаолиятлари билан банд бўладилар. Бунда ўқувчининг қизиқиши, ҳаваси, эҳтиёжи, манфаатдорлиги, қобилият, истеъдод, иктидори унинг муваффақияти асоси бўлади.

Юқоридаги фикримизнинг далили сифатида вербал муроқот шаклларидан айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиш.

Маърузаларни фаол усулда ўтказиш. Ҳар қандай юқори савияда ўтказилган маъруза, гарчанд у фактларга бой бўдса ҳам, агар узоқ вақт давом этса, ўқувчининг эшитиш қобилияти сусаяди ва ҷарчайди. Бу ҳолат ўқувчини лоқайд эшитувчига айлантиради. Маъруза қанча узоқ давом этса, самарадорлик шунча камая боради.

Шунинг учун маърузани кичик педагогик технология даражасида қўйидагича ташкил этиш ўқувчилар учун қулайлик тугдиради.

Маърузачи ўз маърузасини бир неча блокларга бўлади. Ҳар блокини 15—20 минут давом эттиради ва ҳар бир блокдан сўнг тўхтаб, мавзу билан боғлиқ қисқа савол-жавоб, фикр алмашув олиб боради.

Маъруза давомида айрим муаммоларни ўртага ташлайди. Шу вақт оралиғида бу муаммога ўқувчиларнинг муносабатини аниқлади, уларнинг фикрларини тинглайди. Ҳар бир фикр билдирувчига имконият яратади. Аммо уни танқид остига олмай, бошқаларнинг фикрларини ҳам тинглайди. Бу ҳолат маърузага бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгариради, маърузага бефарқ қарамасликка сабаб бўлади. Ўқувчиларни якка тартибда суҳбатга тортиш 5 дақиқагача давом этади.

Маърузачи ўқувчиларнинг қизиқиш, интилиш, масъулияти ошиб боришини кузатиб боради. Маъруза давомида мунтазам фаол иштирок этувчилар, теран фикр билдирувчилар маърузачининг таянчига айланади.

Маъруза давомида мавзуни секин-аста ўқувчининг кундаклик фаолиятига доир мисоллар билан боғлаб борилади ва қисқа мунозаралар орқали тегишли ечимлар топилади.

Шу ҳолда кечган маърузаларда ўқувчилар вақт қандай ўттанини билмай қоладилар. Маърузанинг яна давом этишини хоҳлаб, бефарқлик ўрнини хушёрлик, ички интилиш, ечим қидириш эгаллайди, ўзлари ҳам ечимни топишда шахсан иштирок этишга ҳисса қўшишга интиладилар.

Бундай маърузалар ҳар икки томоннинг ўзаро фаоллигини оширади, навбатдаги мунозараларга чорлади.

Давра суҳбатлари. Давра суҳбатида маърузачи-ўқитувчи бош ташкилотчи бўлиб қолади. Давра суҳбатлари кўпинча ўқувчиларга таниш ёки уларга яқин мавзуларда ўтказилади. Давра суҳбати мавзулари, режалари, саволлари ўқувчиларга бир неча кун олдин тарқатилади. Бунда ўқувчилар учун мустақил тайёргарлик кўриш, бир-бирлари билан аввалдан ўзаро фикр алмашиш, кутубхона, интернетдан айрим маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, кичик матн тузиш имконияти яратилади. Давра суҳбатининг афзалиги шундаки, ҳар бир ўқувчи унга индивидуал тайёргарлик кўради. Ҳар икки томон даврани ўтказишга тайёргарлик билан келади. Суҳбатни ўқитувчи, баъзан етакчи ўқувчилар олиб бориши мумкин.

Давра суҳбатлари дарс жадвали асосида олдиндан режалаштирилган ҳолда ташкил қилинади.

Давра суҳбатининг яна бир афзалиги шундаки, ҳар бир ўқувчи ўз билимини, оғзаки нутқини, шахсий фикрини эмин-эркин намойиш этишига шароит яратилади. Ўқувчи ҳамда ўқитувчининг шахсий масъулияти ошади, ҳам ўқиш, ҳам ўрганиш биргаликда давом этади. Материални ўқиб-ўрганишга, ўзаро фикр алмашишга, ўзлаштиришга мотив ошади. Билим олиш, унинг ўзлаштирилиши кафолатланади.

Мунозаралар ўтказиш. Мунозараларни ташкил этиш ва ўтказиш ташкилотчидан жуда жиддий тайёргарликни, ижодий муҳит яратишни талаб этади. Ўқитувчи илгаридан мунозаранинг мавзусини, уни ўтказиш режасини, вақтларини ўқувчилар билан ўзаро келишиб олади.

Ўқувчиларга ўқув иили бошланишида мунозара мавзулари эълон қилиниб, уларга тайёргарлик кўришлари учун вақт берилади. Мунозара муҳокамасига мактаб раҳбарияти, маҳалла фаоллари, мутахассислар таклиф этилади. Мунозарага бошловчи тайинланади. Бошловчи жуда кенг қамровли билимга эга бўлиши керак.

Мунозара даврида вужудга келадиган муаммоли масалалар, айниқса, чигал фикрлар бўйича уларни чуқур таҳлил қилиш қобилиятига эга эксперплар таклиф этилади. Мунозарани олиб бориша унинг иштирокчиларини қизиқтириб, қовуштириб, бошқариб, зарур йўлланмалар бериб бориш муҳим аҳамият касб этади. Айнан мунозара жараёнида тўғри хуносалар чиқариш жуда маstryулият талаб этади.

Мунозаралар мавзуга қизиқиш билдирган синфларни қўшиб, аксинча ҳолларда эса, уларни гуруҳларга бўлиб, зарур бўлган айрим ҳолларда катта залларда, катта синф хоналарида олиб борилади. Мунозара эркин фикр юритиш ва ўз шахсий фикрини асослашга ўргатади. Энг муҳими, ўқувчини мустақил мутолаага, фикр алмашув орқали ўз билим ва малакасини оширишга олиб келади.

Новербал воситалар имо-ишора, қўл, гавда ҳаракатлари орқали бирор маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлашдан иборат. Новербал воситалар жиддий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ўрнини бошқа нарса боса олмайди. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати маълум маънога эга бўлиб, бу ҳаракатлар турли халқларда турлича тушунилади. Бу ҳаракатларни *новербал нутқ* деб номлаш қабул қилинган. Новербал нутқ инсоннинг у ёки бу мускуларининг ҳаракати орқали амалга оширилади. Шу ўринда инсоннинг ҳар қандай ҳаракати, шу жумладан, унинг фикрлаши ҳам ундаги маълум мускуллар ҳаракатидан иборат эканлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Визуал (кўргазмали) воситалар педагогик технология жараёнида ўқувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга синф доскасидаги ёзув ва бошқа тасвирлар, китоблардаги ёзув ва тасвирлар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фотосуратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвирлар, жоноворлар, ўсимликлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва бошқалар киради.

Күргазмали воситаларнинг педагогик технологияда қўлланниши ўқувчиларга ўргатиш керак бўлган ахборотга тегишли мазмунни турли шакл ва усулларда кўрсатиш орқали тез, аниқ ва тўғри тушунтириш имкониятини беради. Буни қўйидаги схема кўринишида ифодалаш мумкин:

15- схема



Бу жараёнда ўқувчининг фаолияти дикқатни жамлаш, кўриш, кузатиш, тасаввур қилиш, фикрлаш (таҳлил, қиёс, умумлаштириш), идрок этиш, хотирала сақлаш ва шу кабилардан иборат бўлади.)

Аудио воситалар эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини берувчи магнитофон тасмаси, турли дисклар, бундан ташқари, мусиқа асбобларининг овози ва бошқа табиий овозлар бўлиши мумкин.

Ҳозирда кўпроқ **аудиовизуал** воситалар, яъни бир вақтнинг ўзида эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли видео тасвиirlардан фойдаланилади.

Бу педагогик воситалардан самарали фойдаланиш учун ўқувчининг қобилияти, имконияти, хусусиятлари ҳисобга олинниши мақсадга мувофиқ. Маълумки, ўқувчилар психологик жиҳатдан ташки ахборотни кўпроқ кўриш ёки эшитиш, шунингдек, бошқа сезги аъзолари ёки ҳаракатлар орқали яхшироқ эслаб қолиб ўзлаштирувчилар тоифаларига ажратилиди. Бу тоифалар қўйидаги хусусиятлари билан фарқланадилар:

Кўриш орқали хотирада сақловчилар — матн, схема, диаграмма, жадвалларни яхши эслаб қоладилар, хотираларида сақлайдилар ва қайта тиклай оладилар.

Эшитиш орқали хотирада қолдирувчилар — матнни, унинг мазмунини кимнингдир овози орқали хотираларида сақлаб қоладилар.

Ҳаракатлантирувчи куч орқали хотирада олиб қолувчилар — ёзиб-чизиб, тасвиirlаб ёки қайта-қайта тақрорлаш орқали хотираларида сақлайдилар.

Аслида эса, амалиётда шу ҳамма тоифаларга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир вазиятда тегишлича ижодий ёндашув асосида мавжуд воситалардан комплекс фойдаланиш энг яхши самара бериши мумкин.

Табиий воситаларга педагогик технология жараёнида ўрганиш кўзда тутилган мазмунга тегишли барча табиий нарсалар киради. Булар одам ва жоноворлар, ўсимликлар ва табиат, асбоб-ускуналар, буюмлар, машина, механизмлар, иншоотлар ва шу кабилардан иборат.

Ўқувчи ва ўқитувчи учун зарур ўқув анжомлари ҳамда мактаб жиҳозлари педагогик технологиянинг зарурий воситалари ҳисобланади.

Умуман, педагогик технологиянинг сифати ва самарадорлиги ҳозирги кунда кўп жиҳатдан барча турдаги зарурий воситаларнинг сифати ва улардан юқори самарадорлик билан фойдалана билишга боғлиқ.

Бу воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиш ўқитувчинг малакаси, маҳорати, ижодкорлиги ва изланувчанлигига боелик,



МОДУЛЛАР ВА АЛГОРИТМЛАР

Ҳар бир педагогик технология ўзига хос педагогик тизимдан иборат бўлиб, бу тизим модуллардан ташкил топади.

Педагогик технологиянинг чиндан ҳам мавжуд эканлигини ҳамда татбиқ этишга тайёрлигини унинг таркибидаги модуллар ва алгоритмлар қанчалик даражада тўлиқ ва пухта эканлиги билан белгиланади.

Модул ва алгоритм ҳар қандай технологиянинг асосий тушунчалари бўлиб, педагогик технология учун ҳам бу тушунчалар шунча аҳамиятли. Педагогик технологиядаги „модул“ ва „алгоритм“ тушунчалари бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга.

Модул — педагогик технологияни ташкил қилувчи, таркибий бўлакларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлаклар, яъни модуллар энг кичик бўлаклардан ҳамда уларнинг турли микдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлакни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча модулни олишига қараб, тегишлича даражадаги модуллар лейилади.

Педагогик технологиянинг энг кичик модуллари энг асосий тушунча бўлиб, улар гўёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи „фиштча“лар вазифасини бажариши билан асосий аҳамияттага эга.

Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчалардан фойдаланилади. Улар қўйидагича таърифланади:

Кичик модул — педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайды. Амалда бундай кичик модулни бошқа кичик модулларга ажратиш мүмкін эмас, деб ҳисобланади.

Бирламчи модул — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирилашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул түплами.

Модул түплами — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирилаш мақсадида битта модул сифатида қаралған бир нечта модуллар йығындиси.

Модул даражаси — педагогик технологияни тасвирилаш күләмінде мұвоғиқ равища танланған бирламчи модулларнинг ўз таркибіда аслида қанча модулларға эга эканлиги құрсатқичи.

Педагогик технологияның модуллари қуйидаги даражаларға ажратилиши мүмкін:

1. Бир ўкув машғулотини ўтказиши технологиясини ташкил қылувчи модуллар.

2. Ўкув фанининг бир мавзусини, бир бўлимни, бир қисмини ёки ҳаммасининг таркибий бўлакларини ҳамда ўқитиши технологиясини ташкил қылувчи модуллар. Уларни **блоклар** деб ҳам номланади.

3. Бир нечта турдош ўкув фанларининг таркибий бўлакларини ҳамда айрим фанларни ўқитиши технологиясини ташкил қылувчи модуллар (блоклар).

4. Давлат таълим стандартининг таркибий бўлакларини ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш технологияларини ташкил қылувчи модуллар.

5. Ўкув режа ва дастурларнинг таркибий бўлакларини ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш технологиясини ташкил қылувчи модуллар.

6. Таълим воситаларини ташкил қылувчи модуллар.

7. Педагогик технология жараённанда қўлланиладиган усулларни ташкил қылувчи модуллар.

Ушбу модуллар орасида бир ўкув машғулотини ўтказиши технологиясини ташкил қылувчи модуллар педагогик технология жараённининг асосий бўгинини ташкил қилиши билан энг аҳамиятли ҳисобланади. Улар қуйидаги турларга ажратилади:

— машғулот мазмунини ташкил қылувчи асосий тушунчалар;

— шу тушунчаларни ўқувчиларга тушунтириш жараённининг таркибий қисмлари;

— шу таркибий қисмларнинг ҳар бирида қўлланиладиган таълим-тарбия воситалари ва усуллари;

— ўқитувчининг машғулот давомида бажарадиган фаолиятини ташкил қылувчи модуллар;

— ўқувчиларнинг машфулот бошидан охиригача бўлган вақт давомида бажарадиган фаолиятларини ташкил қилувчи модуллар;

— ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш ишларини ташкил қилувчи модуллар ва шу кабилар.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдикি, педагогик технология жараёнидаги модуллар таълим мазмуни, воситалари ва усулларининг ҳар бирига тегишли таркибий элементларни ташкил қиласди. Бунда таълим мазмуни модуллари — ўргатилётган ахборотнинг таркибини ташкил қилувчи бирликларни; таълим воситалари модуллари — шу воситаларнинг бирликларини; таълим усуллари модуллари — шу усулларни амалга ошириш фаолияти давомида бажариладиган ҳаракатларни ташкил қилувчи бирликларни ифодалайди.

Модул ўзгармас, қотиб қолган нарса деб қаралмаслиги керак. Аслида ҳар бир модул ўзига тегишли кичик мақсадни ифодалайди. Бу мақсадни амалга оширишда эса тегишли шароит учун энг маъқул деб топилган йўллар, усуллар, воситалардан фойдаланиш кўзда тутилади. Демак, модулда белгиланган мақсадни ўзгартирмаган ҳолда уни тўлиқ амалга оширишни таъминловчи, ўзаро фарқ қилувчи турли йўллар, усуллар, воситалар қўлланилиши мумкин.

Ушбу модулларни ажратиб белгилашда матълум тартибга риоя қилиш зарур.

Бунда, аввало, энг кичик ёки бирламчи модул ажратилади. Уни педагогик технологияни турли даражасидан бошлаб ишлаб чиқишида турли катталикда ажратиш мумкин. Масалан, бирорта фикрни тушунтириш жараёнини бир бутун ҳолатда битта модул ҳисоблаш ҳам ёки бу жараённи бир нечта бўлакларга ажратиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида модуллар деб ҳисоблаш ҳам, шунингдек, битта эмас, бир нечта ўзаро боғлиқ фикрларни тушунтириш жараёнини бир бутун ҳолда битта модул деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Шу тартибда энг кичик — бирламчи модулни ажратишда асосий шарт шу модул таркибидан ҳамма зарур элементлар, албатта, сақланиши ва уларни исталган бошқа вақтда, бошқа жойда, бошқа тегишли тайёр гарликка эга бўлган мутахассислар ва ўқитувчилар томонидан олдиндан кўзда тутилган даражада бажариш имкониятини сақлашдан иборат.

Шундай тартибда белгиланган модулни энг кичик ёки бирламчи модул деб аталади. Шундай бирламчи модулларни зарур бўлган ҳолларда тартиб сонлар бўйича белгилаш учун „1-модул“; „2- модул“ кўринишидаги ёзувлар билан ажратиб кўрсатиш ёки „модул“ сўзини ёзмасдан, фақат тартиб сон

орқали кўрсатиш мумкин. Бундай белгилаш орқали педагогик технологиянинг тўлиқ баён қилинишини таъминлаш ҳамда келгусида тўлиқ сақланишини назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Педагогик технология жараёнини тасвирилашда унинг кенгроқ даражалардаги қўлланишини умумлаштириб тасвирилаш лозим бўлган ҳолларда, одатда, шундай бирламчи модулларнинг жамиини алоҳида кўрсатиш шарт эмас. Бундай мақсадлар учун бир нечта бирламчи модулларнинг тегишли нуқтаи назардан ўзаро боғлиқларини ёки мосликларини ҳисобга олган ҳолда умумлаштириб ҳосил қилинган тўпламини айrim модул сифатида кўрсатилади.

Бундай тартибда ҳосил қилинган модул *даражали модул* деб аталади ва уни ёзма шаклда белгилашда ўз таркибида нечта бирламчи модул бор бўлса, шунча даражали эканлиги кўрсатиб кўйилиши мақсадга мувофиқ.

Буни, масалан „1- модул (4)“ ёки „1(4)“ кўринишида белгилаш мумкин. Бунда шу модулнинг тасвириланган педагогик технология жараёнидаги тартиб сони биринчи эканлиги ҳамда ўз таркибига 4 дона бирламчи модулни олиши, яъни тўртинчи даражали модул эканлиги шартли равишда кўрсатилган.

Ушбу тартибларга риоя қилинганда ҳар бир тасвирила наётган педагогик технология жараёни таркибидаги жами бирламчи модуллар сони ҳамда уларнинг тўпламларидан иборат даражали модуллар сони қанча эканлиги маълум бўлади ва бунинг натижасида тасвириланнаётган педагогик технология жараёни тўлиқ акс эттирилиши таъминланади.

Юқорида айтилгандек, ўқув фани бир мавзусининг таркибий бўлакларини ҳамда ўқитиши технологиясини умумлаштириб, битта модул сифатида белгилаш, шу ўқув фанига доир ҳар турли масалаларни ҳал қилиш мақсадида қўлланилади. Бу ерда шу ўқув фанининг бир мавзуси ўрнига унинг бир бўлими, бир қисмини ёки ҳаммасини битта модул сифатида белгилаш ҳам шунга ўхшаш мақсадларда қўлланилади. Уларни **юқорида айтилгандек блоклар** деб номлаш ҳам мумкин.

Бундай модулларни белгилашда уларнинг ўзини шартли равишида бирламчи модул деб ҳисоблаш ва шунга мувофиқ тартибда белгилаш ҳам мумкин.

Бундай модулларни даражали модул сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда эса, улар учун бирламчи модулларни шартли равишида педагогик технологиянинг қайси даражасидаги модулларидан бошлаб ҳисоблаш белгилаб олинади. Шунга мувофиқ равишида модулнинг даражасини белгилаш мумкин бўлади.

Модулнинг даражаси шу тартибда кўрсатилган ҳолда педагогик технологияни қайси бирламчи даражадан бошлаб тасвирланадиган бўлса, шунга мос равища тўлиқ акс эттириш таъминланади.

Педагогик технология материалларини юқорида айтилган тартибда модулларга ажратиш жараёни **модуллаштириш** деб аталади. Модуллаштиришни тегишли материалларни тайёрлаш жараёнида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга илгари тайёрланган материаллар асосида ҳам модуллаштириш амалга оширилиши мумкин.

Модулларни ҳамма ҳолларда ҳам тартиб сонлари ва даражаларини кўрсатган ҳолда белгиланмайди. Лекин бундай ҳолда педагогик технологиянинг тўлиқ баён қилинганлигини асосли кафолатлаш қийин бўлади.

Давлат таълим стандарти, ўкув режа ва дастурлари ҳам зарур ҳолларда юқоридаги тартибда модуллаштирилиши мумкин.

Таълим воситаларини ҳар бир машғулот учун, айрим мавзу, бўлим, қисм ва, умуман, бир ўкув фани учун зарурлилик даражасига мувофиқ модуллаштириш мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнида қўлланадиган усулларни ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ҳам зарур деб ҳисобланган ҳолларда алоҳида модуллаштириш мумкин.

Алгоритм – педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари) ўзаро жойлашувининг ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартибини (қоидасини) билдиради.

Педагогик технологияни шундай тартибда ишлаб чиқиши уни **алгоритмлаштириш** дейилади. Алгоритм ҳар қандай технологияга хос бўлиб, шу жумладан, педагогик технологияда ҳам уни маълум тартиб (қоида)га мувофиқ олиб бориш орқали аввалдан белгиланган мақсадга эришиш кафолати амалга оширилади.

Одатда, педагогик технологияни лойиҳалашда олдин унинг алгоритми ишлаб чиқилади. Шу алгоритмга мувофиқ ҳолда модулларнинг ўзаро жойлашиш тартиби аниқланади.

Педагогик технологияда алгоритмлар алоҳида машғулот ёки унинг бирор бўлаги алгоритми, ўқув фанини ўқитишининг умумидидактик изчиллиги алгоритми, ўқитувчи фаолиятининг, ўқувчи фаолиятининг, ўзлаштиришни назорат қилиш жараённинг, мактабни бошқариш жараённинг алгоритми каби турларга бўлинади.

Педагогик технологияни алгоритмлаштиришнинг бирламчи даражаси машғулот жараёнидаги педагогик фаолиятнинг энг кичик бўлаклари ўзаро жойлашувини ҳамда шу жараённи

амалга ошириш кетма-кетлигини белгилашдан бошланади. Уларни **бирламчи алгоритмлар** дейилади. Ҳар бир белгиланган алгоритмни тартиб сони билан ажратиш мақсадга мувофиқ. Шунда тегишли алгоритмлар түлиқ акс этганинги күрсатиш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш мумкин бўлади.

Шу билан бирга, бирламчи алгоритмни мақсадга мувофиқ ҳолларда педагогик технологиянинг бошқа даражаси (масалан, бир ўкув машғулотини битта алгоритм сифатида белгилаш ва шу кабилардан бошлаб ҳам белгилаш мумкин. Педагогик технология алгоритмларини ҳам зарур ҳолларда юқорида айтилган модулларни белгилаш тартибига ўхшаган шаклларда белгилаш мумкин.

Алгоритмлаш орқали педагогик технологияни тегишлича тайёргарликка эга бўлган мутахассислар томонидан олдиндан белгиланган мақсадларнинг тўлиқ амалга оширишини кафолатлаган ҳолда амалга ошириш имконияти яратилади.

Модуллаштириш ва алгоритмлаш маданияти таълим-тарибия жараёнида одат тусига кирган ҳолдагина турли даражалардаги педагогик технологияларни яратиш ва амалда қўллаш фаолияти янада кенг ривожлана боради.



ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯНИ КИРИТИШ МЕХАНИЗМИ

1. Педагогик жамоани янги педагогик технология асослари билан таништириш — маъруза. Адабиётлар тавсия этиш.

2. Янги технология асосида ишлашни хоҳловчи педагоглар жамоасини аниқлаш. Улар орқали ўқитувчиларга педагогик технологияни қўллашдан кўзда тутилган мақсадни, унинг моҳиятини етказиш.

3. Янги педагогик технология асосида ишламоқчи бўлган ўқитувчиларни шу жараёнга тайёрлаш юзасидан қўйидаги ташкилий ишларни амалга ошириш:

- семинар;
- тренинг;
- индивидуал маслаҳат бериш;
- кўргазмали дарслар ташкил этиш.

4. Янги технология асосида ишловчиларнинг ишини назорат қилиш, кузатув ва таҳлиллар ўтказиш, методик ёрдамлар кўрсатиш. Уларнинг ҳисоботларини эшишиб бориш.

5. Янги педагогик технология асосида ишловчи ўқитувчиларнинг методика кенгашида, педагогика кенгашларида чиқишиларини ташкил этиш.

6. Янги педагогик технология бўйича ишлаш учун зарур дидактик материаллар, воситалар хонасини ташкил қилиш.

7. Янги технология бўйича ишлашнинг афзаликларини, ўқувчилар, ота-оналар, педагогик жамоа томонидан қўллаб-кувватланишини ошкор этиб бориш.

8. Илғор, инноватор педагогдан иннаватор педагогик жамоани шакллантириш.

9. Янгиланишнинг узуулксизлиги, давомийлигини таъминлаш.

Ҳар бир мактаб ўз педагогик жамоасининг умумпедагогик тайёрлиги, истак ва хоҳишлирага мувофиқ педагогик технологияни жорий этиш стратегияси ва тактикасини ўзига мослаб режалаштириши мумкин.



ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚСАДИДА ЎҚИТУВЧИЛАР БИЛАН ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИГАН ТАДБИРЛАР

- Якка ҳолда ишлаш, мустақил ўқиш (мактабда, уйда).
- Жуфт бўлиб ишлаш (мактабда).
- Кичик груҳда ишлаш (мактаб, туманда).
- Катта груҳда ишлаш (мактаб, туманда) шаклларида амалга оширилади.

Маъруза, сұхбат, мунозара, тажриба алмашиш, интерфаол машғулотлар ва шу кабилар ташкил қилинади.

Бу жараённи олиб боришда қуйидаги тамойиллар, қоидалар, мезонларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Машғулотга кечикмасдан етиб келиш, вақтдан унумли фойдаланиш, ўзининг ва ўзганинг вақтини қадрлаш, фикр-мулоҳазалар билдиришда асосий мақсаддан четга чиқиб кетмаслик.

Машғулотлар учун қабул қилинган интизом қоидаларига қаттий риоя қилиш.

2. Ҳамкасларнинг фикр-мулоҳазалари ва тажрибаларига ижобий муносабатда бўлиш. Улар билан ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиш.

3. Танқид қиласлик, танбеҳ бермаслик. Ҳар қандай вазиятда сўзловчини диққат билан эшитиш, бошқалар фикри, нуқтаи назарларига кенг феъллик билан ёндашиш. Уларни ўзи қандай бўлса, шундайлигича қабул қила олиш.

Нотўри фикр билдирганларга нисбатан кескинлик қиласлик. Бундай ҳолларда ўз қарашларини, ҳақиқатни аник, тушунарли, мантиқий ва далиллар билан асослаб баён қилиш.

4. Сўзлашда аниқликка, тинглаётганлар учун тушунарли ва қисқа гапиришга жиддий эътибор бериш. Бошқаларнинг сўзини бўлмаслик, навбат билан гапириш.

5. Тингловчилар билишни хоҳлаган вақтда ва улар учун аҳамиятли бўлган фикрларнигина билдириш.

6. Қатнашчилар ўз фикрини билдира олиши учун имконият бериш, бунинг учун қулай вазият яратиш ҳамда ижобий муносабат билдириш.

7. Муҳокамаларда ва ўзаро муносабатларда холислик ва самимийликка риоя қилиш. Ҳушёр, зийрак, сезгир, сергак бўлиш. Иштирокчиларнинг жинси, ёши, ҳолатига қараб муносабатда бўлиш.

АЙРИМ ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАР

Педагогик технологияларни амалда қўллашда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлган айrim педагогик ҳамда психолого-педагогик тажрибаларни фойдали маълумотлар сифатида эслатиб ўтишини лозим топдик.

Мактабда болалар ўзлаштирумасликларнинг бош сабаби – уларнинг саводлари (ўқиши, ёзиши) ёмонлиги ҳисобланади.

Бунинг педагогик сабаби уларда тезкор хотиранинг етарли эмаслиги ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг умумий ўқув қобилиятларини ривожлантириш технологиясининг асоси диагностика ва ўз-ўзини диагностика қилишидир.

Ҳозирда тегишли педагогик технологияларни тўлиқ амалга ошириш натижасида қуйидагича кўрсаткичларга эришилгани мальум:

Бир минутда: 120 та сўз ўқиш (2–3- синф); 60 та ҳарф ёзиш (3- синф); орфографик саводхонликни 2 марта ошириш (1–3, 5–7- синфлар); ўзлаштировчи ўқувчиларнинг (мeyer даражасидаги) 90 фоизини қайта сўзлашга ўргатиш. Ҳисоблаш қобилиятларини 30 рақам даражасигача такомиллаштиришга (3–5- синфларда) эришилган.

Ҳозирда таълим бериш тамойиллари мальум, лекин қонунлари мальум эмас. Шу сабабли таълим бериш ҳамда ўқиб ўзлаштириш қонунларини аниқлаш йўналишида, аввало, инсонни, унинг психологик, физиологик ва бошқа хусусиятларини ўрганиш давом этмоқда. Бу соҳадаги айrim натижалар қуйидагилардан иборат:

Ҳар хил **машгулот турларининг** имкониятлари ҳар хил. Масалан, янги ахборотни ўқувчиларга қандай шаклларда

етказилишига боғлиқ равища бир йил давомидаги вақт оралиғида шу ахборотнинг эсда сақланадиган қисми қўйидагича фоизларни ташкил қиласди:

5- жадвал

Ахборотни (ўкув материалини) етказиш шакллари	3 соатда, %	3 кунда, %	1 йилда, %
Маъруза, ҳикоя	70	10	3
Кўрсатиш, намойиш	72	20	13
Маъруза ва кўрсатиш	85	65	33
Ҳикоя, кўрсатиш, амалиёт	98	95	75

Юқоридаги кўрсаткичлардан маълум бўладики, юқори ўзлаштиришга эришиш имкониятига ўқувчилар томонидан машқлар бажариш, сўзлаш, кўриш билан бир вақтда кўпроқ сезги аъзолари иштирок этишини таъминловчи бошқа шакл ва усулларни кўллаш орқали эришилади.

Ўқиши тезлиги. Матн қанча тез ўқилса, шунча ёмон ўзлаштирилади, лекин матннага 50—75 % сўзларнинг маънога таъсири кам.

Ўқиши тезлиги билан эслаб қолиш тезлиги фарқли. Эслаб қолиш секинроқ амалга ошадиган жараён.

Тез ўқиши қоидалари: кўз ҳар иккита сўздан кейин тўхтайди. Буни сатрни охиригача тўхтамай, яъни бир қарашда кўра оладиган, сўнгра сатр ўртасидан тик юриб, бир неча сатрни бирданнига кўра оладиган ва ўқий оладиган бўлгунча маҳсус машқлар бажариб борилади. Булар қуидагилар.

Лабларни қимирлатмаслик, сўзларни овоз чиқариб ўқимаслик.

Бир дақиқада 250—500 сўз, алоҳида ҳолларда 700 ва ундан ортиқ сўз ўқиши мумкин.

Таълим самарадорлигининг айрим омиллари:

Дарслар тартибини белгилашда дастлабки соатларга нисбатан мураккаброқ фанларни қўйиш лозим, масалан: математика, чизмачилик, тарих, физика, хорижий тиллар.

Ўқиши вақти: кечқурун механик ёдлашга яқин машғулотлар, яъни шеърлар, формуласлар, хорижий тилдаги сўзларни ўрганиш яхши натижалар беради. Бунда кечқурун ёд олиб, эрталаб такрорлаш оралиғидаги узоқ вақт яхши ёдлашга имкон беради.

Лекин индивидуал хусусиятлар турлича ўзгаришларга асос бўлади.

Фаол ўқиши юзасидан эксперимент: бунда биринчи гурухдаги талабалар берилган материални 4 марта ўқиб чиқди, 2-гурухдагилар 2 марта ўқиб, 2 марта гапириб бердилар. 2-гурух натижаси яхшироқ эканлиги маълум бўлди.

Материални фаол ўзлаштириш юзасидан вазифа: дарсликнинг бир бўлимини ўқиб, унинг мазмунини эркин равишда оғзаки ва ёзма ифодалаш керак. Бу вазифани бажариш учун, албатта, диққат билан ўқиши ва қайта гапириб бериш машқларини бажариш керак.

Катталар таълимида якка ҳолда ўқигандан сўнг, 3—4 кишилик гурухга гапириб бериш (ўзини текшириш), сўнгра мазмунни муҳокама қилиш яхши натижа беради.

Ўқувчининг фаоллиги. Фаоллик ортиқ ёки паст даражаларда бўлади. Ортиқ даражада аслида ҳаяжонланиш бўлиб, ўзлаштириш сифатини пасайтиради.

Фаоллик даражаси билан ўзлаштириш орасида бевосита даҳидорлик йўқ. Паст фаоллик, албатта, паст, юқори фаоллик эса, албатта, мустаҳкам билим беради деб таъкидлаш мумкин эмас.

Самарали ўқиши учун фаоллик турлича, лекин ҳар ким учун оптималь бўлиши мумкин.

Мисоллар: 1) Бирор манзилни излашда ўша жойларни яхши биладиган одам бошлаб борса, эслаб қолиш қийинроқ бўлади, лекин агар ўзингиз адрес бўйича қидириб топсангиз, тўлиқ эслаб қоласиз.

2) Бола уй вазифасини бажаришга қийналганда катталар ишлаб берса, у пассив бўлади, яъни ҳеч нарса ўрганмайди, лекин уни бажариш йўли тушунтириб берилса, бола фаол бўлади, яъни топшириқни ўзи мустаҳкам бажаришни ўрганади.

3) Тенгкурлари билан жанжаллашиб, жанжални боланинг ўзи ҳал қилмай, йиглаб онасига шикоят қилиши унинг пассивлигини билдиради.

Бунда агар она баҳсга фаол аралашиб, масалани ҳал қилса, бола қийин ҳолатларда мустаҳкам иш юритишга, яъни ҳаётда тўғри йўлни топишга ўргана олмайди.

Мотивация таълим натижалари учун катта аҳамиятга эга. Мотивация — одамни ўқишига ёки бирор ҳаракатни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси.

Болалар, ўсмирлар ва катталарда ўқишига ундовчи сабаблар турлича бўлади. Масалан, болалар, ўсмирларда учрайдиган ота-онаси, ўқитувчиси учун ўқияпман деб ўйлаш ўқишига тайёр эмаслик бўлиб, бу паст ўзлаштиришга олиб келади.

Катталарда бундай сабаб англаб етилган, шунинг учун уларнинг ўзлаштириши ёшлардан қолишмайди. Улар ёши катта

бўлгани учун ўзлаштириши қийин кечса-да, лекин улардаги мотив ўқишга нисбатан тўғри муносабатни ҳосил қиласди. Бундан эслаб қолиш дарајасининг мотивга боғлиқлиги маълум бўлади. Шунингдек, имтиҳондан муваффақиятли ўтиш учунгина ёд олиш ижобий натижа бермайди. Келгусида ўзлаштирилган билимдан фаол фойдаланиш учун ўқиш, ўрганиш ва эслаб қолиш ижобий мотив бўлиб, бунда ушбу мақсаднинг ўзи юқори самара беради.

Салбий мотив — бу мажбурлаб ўқитиш, лекин бунда ўқувчининг ўқишга нисбатан бефарқлиги ҳамма ҳаракатимизни йўққа чиқаради.

Мотивация омиллари ўқувчини билим олишга ундовчи сабаблар ҳисобланади. Ўқиши қобилияти кўп кўрсаткичлардан ташкил топади. Улар ёшга мувофиқ ўзгариб боради. Болалар, ўсмирлар тезроқ ўқийди, узокроқ ёдда сақлайди. „Ёшликда ўрганилган билим тошга ўйилган нақш кабидир“, деб бежиз айтилмаган.

Агар болалар, ўсмирларда мотив жиддий англашган бўлса, уларда тайёрлик ортиб, жуда яхши ўқишилари мумкин.

Ўқувчининг таълим жараёнида ўз камчиликлари ва ютуқларини яққол англаши ижобий натижанинг жиддий асоси ҳисобланади. Ижобий сифатларни мустаҳкамлаш ва салбийларини ўзгартириш учун ўқувчи нимани яхши, нимани ёмон бажарганини билиши керак.

Унинг ютуқларини **мақташ**, салбий ҳолатларда танбеҳ бериш керак. Ўз ўрнида ва тўғри мақтov ўқувчида ўз кучига ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради. Лекин мақтov ошириб юборилса, салбий ҳолатларга сабаб бўлади.

Эътиroz ҳам, айниқса, ўзини юқори баҳоловчига фойдали таъсир кўрсатади. Лекин мунтазам муваффақиятсизликлардан ўқувчининг руҳи тушиб кетади, буни ҳисобга олиш керак.

Ўқишидаги муваффақият, яхши хатти-ҳаракат қанчалик тез рағбатлантирилса, шунчалик самарали таъсир кўрсатади.

Танбеҳ ҳам худди шундай натижа беради. **Танбеҳни кечиктириш** натижасида салбий хулқ тезда мустаҳкамланиб улгуради. Бунга йўл қўймаслик керак.

Бунда хавфли жойи — кутилмаганда салбий хулқ ташки кўриниши „ижобий“ натижа бериб қолишида ҳисобланади. Бунда ана шу хулқ ўқувчида салбий кўнікма ҳосил қилиши мумкин.

Мақтov ва танбеҳ меъёри. Фақат мақташ ёки танбеҳ бериш билан яхши хулқни мустаҳкамлаш ёки салбий хулқни йўқотиш мумкин эмас. Одам ўзи учун ижобий натижа бермаган хулқдангина воз кечади. Масалан, ўқувчининг ахлоққа зид ҳаракатига

унинг синфдошлари фақат кулги билангина баҳо бермасалар, бундай ўқувчилар интизомсиз ҳаракатлари билан бошқаларнинг эътиборини торта олмасалар, уларда салбий ҳаракатлар истаги йўқолади.

Боладаги яхши сифатларни очиб, уни қанча тез-тез мақтасак, ундаги салбий хислатларни енгиш эҳтимоли ортади. Интизомсиз ўқувчидаги ижобий сифатни синфдошларининг диққат марказига қўйиш билан уни яхши томонга буриш эҳтимоли ортади. Ҳар бир инсонда ижобий сифатлар бор, лекин уни кўпинча орттирилган салбий кўнимкамлар ёпиб юборади. Ана шунинг учун ҳам боладаги илгари мавжуд бўлган ижобий жиҳатларни топиш ва ўз вақтида ривожлантириб бориш ҳаётий аҳамиятга эга.

Ўқувчини ўқишига ўргатинг. Бу жами хуносалар якуни. Ўқиб ўрганиш гўдакликдан бошлаб ҳамма ёшда зарур. Фақат у ёшга мувофиқ шаклларда мураккаблашиб боради.

Айрим педагогик қоидалар. Ўқишига ўрганиш гўдакликдан бошланади, ота-оналарнинг ўзаро ва болалар билан муносабатлари жиддий аҳамиятга эга. Илк эмоционал таассуротлар боланинг кейинги ҳаётида муҳим из қолдиради. Бу яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. Чунки „куш уясида кўрганини қиласди“.

Болани мактабга тайёрлашда боғча билан ота-она ҳамкорлиги зарур. Боғча тарбияда ота-онага ёрдам беради, холос. Бола, асосан, оиласда тарбияланади.

Боланинг ўқишига муносабати, тайёрлиги оиласдаги муҳитга боғлиқ. Болаларга маълум ўйинлар ўргатиш, уларнинг уйдаги доимий вазифаларини белгилаш, ёшига мос талаблар тизими ни ўйлаб белгилаш уларни мактабга тайёрлашга ва келгуси ривожланиш йўлини белгилашга хизмат қиласди.

Болага қўйилган тарбиявий талаблар, агар улар бола томонидан қабул қилинсагина, натижа беради. Шунинг учун бу талаблар мақсадга мувофиқ ва бола учун мазмунга эга бўлиши керак. Акс ҳолда бола фаол қаршилик кўрсатади.

Ўқишидаги қийинчиликларни енгиш ва кўп такрорланувчи хатоларни йўқотишида, боладаги бирор ижобий сифатга таяниш яхши натижа беради. Болада қанча кўп яхши сифатларни топсан ва рағбатлантириб борсан, улардаги салбий сифатларни шунча тез бартараф қила борамиз.

Боланинг мактабдаги ютуқларига шерик бўла билиш, яъни у билан биргаликда хурсанд бўлиш, агар қийинчиликлар бўлса, уларни енгиш учун болага ёрдам бериш зарур. Бунда ота-оналар бола яхши ўқиган тақдирда ҳам, мактаб (синф раҳбари) билан мунтазам алоқада бўлишлари лозим.

Бола ҳар бир қилган ишидан қувона олса, топшириқ ва вазифаларни бажариши одат тусига айланади.

Боланинг жиддий масалаларга доир саволларини тақиқ-ламаслик керак. Бу унинг келажакдаги ижтимоий, биологик ҳастини белгиловчи масаладир. Шунинг учун ҳам унинг саволларига аниқ ва қониқарли жавоб бериш керак.

Болалар ва ўсмиirlар билан исталган мавзуда сўзлашиш керак. Улар билан эркин мулоқот боланинг сизга бўлган ишончини оширади. У билан сұхбатлашишни турли баҳоналар билан пайсалга солманг. Чунки вақт ўтиб, кечикишингиз мумкин, бошқалар болага нотўғри фикрни сингдириши, бунга ишонтириши мумкин.

Болани жуда ёшлигидан бошқа жинсга нисбатан тўғри муносабатга ўргатинг. Бу ҳақдаги ҳамма саволларига жавоб беринг, лекин саволдан ташқарига чиқманг.

Болаларнинг сизга ишонишларини истасангиз, сиз ҳам уларга ишонч билан муносабатда бўлинг, лекин назоратни унутманг. Мулоқотдаги дўстоналиқ, бола эҳтиёжларини тушуниш, яхшилик истовчи муносабат бола тарбиясида чинакам мўъжизалар ҳосил қилиши мумкин.

Болаларга ахлоқий насиҳатлар қилманг, улар буни идрок қилмайдилар. Бунинг ўрнига ибрат, ўрнак бўладиган жонли мисоллардан фойдаланинг.

Насиҳатлар қанча узун бўлса, мисоллар шунча қисқа бўлади. Зерикарли насиҳатлар ҳамма замонда ҳам тарбиянинг ёмон шакли бўлган.

Қайта ўқиш янгидан ўқишга нисбатан доимо мураккаб. Бунда эҳтиёжга мувофиқ равишда қўйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

- билимларни ўзлаштириш;
- айрим кўникмаларга ўргатиш.

Қайта ўқишнинг бош асоси унинг зарур эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилишдан иборат. Бунда кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишга жиддий киришиш, қайта ўқишга сабаб бўлган ўзгаришларнинг тўғрилиги ва зарурлигига ишониш, янгиликни ўрганишга хоҳиш, истак бўлиши зарур.

Қайта ўқиш эҳтиёжи турли шароитларда турлича амалга оширилади. Масалан, уйда ўқиш, санашни ўрганган болага мактабда худди шуларни бошқа усуlda ўргата бошланиши ҳам қайта ўқишдан иборат бўлади. Бундай ҳол бола учун ўзига хос қийин кечади.

Янги иш усулига, янги техникадан фойдаланишга ўқиш ёки янги касбга ўқиш — қайта ўқишнинг асосий шакллари ҳисобланади.

Билимларни ўзлаштириш (таълим олишда) фақат хотира хусусиятлари эмас, балки шахсий қобилиялар, фикрни жамлаш, мақсад ҳамда тиришқоқликка ҳам боғлиқ.

Мақсадга интилевчанлик зарурий шартлардан бири, бунда ўртача қобилиялар ҳам күпроқ ва мустаҳкамроқ ўзлаштирадилар.

Тежамили ўзлаштириш усули ҳар кимда ҳар хил.

Ёшлар формуналар, хорижий сўзлар ва шу кабиларни тезроқ ўзлаштиради. Лекин катталар кўп кўрсаткичлар бўйича олдинда бўладилар. Чунки улар яхшироқ мотивларга эга. Масалан, саводсизликни тугатиш ўқишилари ривожланаётган мамлакатлардаги катта ёшдагилар ҳам ўқиш, ёзишни (кўпинча болалардан тезроқ) ўргана олишлари бу фикрнинг тўғрилигини кўрсатади.

Маълумки, хотирани доим машқ қилдириш керак, акс ҳолда у тарқоқ бўла бошлайди. Ўқиши учун ақлий ва жисмоний қобилиялар тенгкор катта ёшдагилар орасида ўзаро катта фарқ қилиши мумкин. Бунда шахснинг ижтимоий, оиласиий аҳволи, маълумоти, касби, ўз касбий даражасини, турмуш тарзини ошириш истаги, имкониятлари мухим аҳамияттага эга бўлади. Бу биологик ёш хусусиятларидан кўра аҳамиятлироқ бўлади. Шунинг учун ёш фазаларини шартли ажратиш тўғрироқ.

Биологик ўзгиришларга ижтимоий шароитлар жiddий таъсир кўрсатади. 82 ёшгача (ўртача 49) одамларга „Биринчи марта ўзингизни қаҷон қаридим деб ҳис қилгансиз?“ „Қаридим деб ўйлашингизга нима сабаб бўлган?“ каби саволлар берилганда, кўпчилик „жисмоний ҳис қилишга“, озчилик „руҳий ҳис қилишга“ асосланиб, қаридим деб ҳисоблаганлари маълум бўлган. Бундан одам ўзини неча ёш ҳис қилса, уни шунча ёшда деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳар бир даврга хос хотира хусусияти, фикрлаш қобилияти мавжуд бўлиб, бу даврлар қўйидаги шартли белгиланади:

Ўсмирилик 18—20 дан 25—30 ёшгача.

Ўрта ёш 25—30 дан 45—50 ёшгача.

Катта ёш 45—50 дан 65—70 ёшгача.

Кексалик 65—70 дан юқори.

„Ролли“ хулқа ўрганиш. Ёш улгайгач, „ролли“ хулқ ҳосил бўла бошлайди. Ҳар бир ёш даврига жамият томонидан қўйиладиган талабларга мувофиқ ролли хулқ меъёрлари мавжуд. Ёш роллари жинс роллари ҳам бўлиб ажralади.

Қиз болалар уй ишларига эртароқ жалб қилинади, натижада уларда қўйилган мақсадни тушуниш тезроқ ва яхшироқ шаклланади. Ўғил болаларга кўпроқ эркинлик берилиши ўйин учун кўп вақт сарфлашларига сабаб бўлади.

Ижтимоий роллар: маълум жамиятда қабул қилинган ижтимоий мезонларга мувофиқ, маданият соҳаси вакилларига хос касбий, миллий ва бошқа роллар мажуд. Бундай ролларни одам ўрганиб боради ва ўзи истаган ва уддалаган даражада ўйнайди.

Масалан: Янги Гвинеядаги „чамбули“ қабиласида рўзгор бошлиғи аёллар, эркаклар эса бизда, асосан, аёллар бажарадиган ишлар билан банд. Бу улар учун табиий ҳол бўлиб, шу қабилага хос ижтимоий мезонлардан келиб чиқсан.

Ёш даврларидаги ролли хулқлар.

Ёшлиқ даврида касбий, оила қуриш, ижтимоий вазифаларнинг ўсиб бориши муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ ролли хулқлар ҳосил бўлади.

Ўрта ёш даврида жамият олдидаги масъулият, ижтимоий фаол аъзоси бўлган шахсда жисмоний кучлар ва интеллектуал имкониятлар сусайиши билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлади.

Ўқишдаги муваффақиятлар қўйидаги омиллар билан боғлиқ:

- шахс муаммолари;
- оиладаги аҳвол;
- ўқитувчининг маҳорати;
- атроф-муҳит омиллари;
- ўқувчининг билим олишга тайёрлиги.

45—50 ёшли кишиларда хотира кучсизроқ бўлса ҳам, улар яхши ўқишилари мумкин, чунки касбий хотира яхши ривожланган бўлади. Касбга тегишили нарса яхши ўзлаштирилади. Яъни касбий таълим давом эттирилади.

Муваффақиятли таълимнинг 2 та омили: ўқишга қизиқиш ва ўқишга тайёрлик катталарда болаларга нисбатан яхши шаклланган.

Инсон ҳаёти давомида таълим олиш омиллари „силжиб“ боради. Катталарда хотира ёмон бўлса ҳам, қизиқиш катта бўлади.

Қобилиятлар. Одамнинг мерос бўлган ва туғма қобилиятлари орасидаги фарқقا эътибор бериш керак.

Уруғланган тухум ҳужайра мерос бўлган белгилар, яъни генларнинг ташувчиси бўлади. Буни мерос бўлган белгилар дейилади.

280 кунга яқин бўлган ҳомила даврида эса муҳит ҳомилага мунтазам равишда она организми орқали таъсир кўрсатиб боради. Натижада мерос бўлган белгилар ижобий ёки салбий ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгаришлар бола туғилгандан кейин

туфма белгиларга айланади. Психологлар шу сабабдан мерос бўлган белгиларни эмас, туфма белгиларни кўпроқ ҳисобга оладилар. Бу эса тарбияга ҳомила давридан эътибор бериш лозимлигини тасдиқлайди.

Масалан, ақли заифликнинг кретинизм деб номланган алоҳида шакли ҳомила даврида бўлажак онадаги калқонсимон без фаолиятининг пасайишидан ҳосил бўлиши мумкин. Кретинизмнинг бу тури мерос бўлган эмас, туфма, яъни бола туғилгунча даврда орттирилган ҳисобланади.

Туғилгандан кейин турли ташқи омиллар таъсирида ҳосил бўлган белгилар орттирилган белгилар дейилади. Бунга болада туғилгандан сўнг шаклланиб борадиган ижобий ёки салбий шахсий сифатлар, одатлар, ахлоқ ва бошқалар мисол бўла олади.

Лекин, бу қобилияtlар таълим-тарбия жараёнида асосий аҳамият касб этмайди. Бу фикрни қуйидаги мисол тасдиқлаши мумкин.

Ахлоқ тузатиш колонияси бошлиғи шу колонияга тушган ўсмир ёшидаги жиноятчига бир куни банкдан ордер бўйича катта миқдордаги пулни олиб келишни топширади. Эксперимент яхши тугайди, собиқ ўғри пулларни колонияга олиб келади ва шу кундан бошлаб унинг шахси шаклланишида қатъий ўзгариш юз беради.

Бу ерда шу ўзгаришнинг сабаби ушбу қўлланган методми ёки бошқа сабаблар ҳам борми? Бунга асосий сабаб шу педагогик метод натижасида болада ҳосил бўлган ички зиддиятдир. Бунда одат бўлиб қолган ўғриликка мойиллик билан тарбиячи томонидан берилган топшириқ орқали бола шахсига берилган жуда кутимаган юқори баҳонинг намойиш қилиниши ўртасидаги ички зиддият пишиб етилган. Бу ҳолатга кўп сонли шартлар, хусусан, унга пулларни олиб келиш қандай топширилгани, боланинг тарбиячига муносабати, колониядаги руҳий муҳит ҳамда боланинг шахсий сифатлари таркиби рол йўнаган. Айнан шу (бошқа эмас) шартларнинг мос тушгани ушбу ҳаракатга ундовчи сабабни белгилаган.

Булар ҳаммаси одамнинг туфма белги ва мойилликларига таълим жараёнида ҳал қилувчи аҳамият бериш қанчалик нотўғрилигини билдиради.

Саволлар ёпиқ ва очиқ бўлади.

Очиқ савол: қор ва муз нима билан фарқланади?

Ёпиқ савол: Нима тезроқ эрийди: қорми ёки музми?

Ёпиқ саволга асосан „ҳа“ ёки „йўқ“ деган жавоб талаб қилувчи саволлар киради.



АЙРИМ ПСИХОЛОГИК ТАЖРИБАЛАР

Педагогик амалиётда педагогик жараённинг моддий, объектив жиҳати доимо руҳий жараёнлар билан қўшилган ҳолда мавжуд бўлиб, бири иккинчисиз мавжуд бўлмайди. Бу ҳар қандай фаолиятга тегишли, лекин, айниқса, таълим олувчиilar, тарбияланувчиilar ва тарбиячилар фаолиятига кўпроқ тегишли.

Педагогик жараённи психологик механизmlарсиз амалга ошириб бўлмайди.

Инсондаги билимларнинг ҳосил бўлишида ундаги 5 та сезги аъзолари воситасида қабул қилинган ва ишлаб чиқилган ахборотлар нисбати қўйидагича:

Кўриш аъзоси орқали — 83 %.

Эшитиш аъзоси орқали — 11 %.

Ҳид билиш аъзоси орқали — 3,5 %.

Тери сезгиси орқали — 1,5 %.

Таъм билиш аъзоси орқали — 1 %.

Жами — 100 %.

Турли сезги аъзоларимиз иштирокида ўзлаштирилган ахборот орадан 2 ҳафта ўтгач, қўйидаги миқдорларда эслаб қолинади:

Ўқиганимизнинг 10 фоизи.

Эшитганимизнинг 20 фоизи.

Кўрганимизнинг 30 фоизи.

Кўрган ва эшитганимизнинг 50 фоизи.

Гапирганимизнинг 80 фоизи.

Гапирган ва амалда бажарганимизнинг 90 фоизи.

Бундан инсоннинг эслаб ҳолиш қобилияти ахборотни қайси усулларда ва қайси сезги аъзолари воситасида ўзлаштирганига боғлиқ эканлиги маълум бўлади.

Унтиш. Энг сўнгги ўрганилган нарса эртароқ унтилади. Демак, сўнгги ўрганилганни кўпроқ такрорлаш зарур. Буни, айниқса, ўқиётган ёши катталар билиши зарур.

Эслаб қолиш жараённи фаоллаштириш учун материални овоз чиқариб ўқиш фойдали. Овоз жуда паст ҳам, жуда баланд ҳам бўлмаслиги керак. Сабаби: паст овозда ўқувчи эътибори матндан чалғиши мумкин, баланд овозда эса ўз овозига диққат қаратиб, маънодан узоқлашиш мумкин.

Үртacha баланд овозда матнни акустик идрок қилиш ва тилнинг ҳаракатланиш фаолияти эслаб қолишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, овоз чиқариб ўқиш, сўзларни ўртacha баланд айтиш (атайлаб қаттиқ ёки паст овозда эмас) керак.

Схемали (тизимли) эслаб қолишига ўқилган материалнинг режасини тузиш ёрдам беради. Бунда асосий қоидалар, далилларни ажратиш керак. Асосийсини хотирада мустаҳкамлаш ёки ўзи ишлаб чиқкан тизимда ёзиш керак. Асосий қоидаларни турли рангларда ажратиш жуда яхши ёрдам беради. Лекин асосийсини түғри ажратса билиш зарур, бунинг учун китоб билан түғри ишлашни ўрганиб бориш керак.

Сўнгра ўрганилаётган материални кичик бўлакларга ажратиб такрорлаш (бутун бўлимни эмас) яхши натижа беради, вақтни кўпроқ тежайди, ўзлаштириш сифатини оширади. Ўқилган материални бирданига эмас, босқичма-босқич ўрганиш ва такрорлаш яхшироқ натижалар беради.

Ўкув фани материалини бир кунда эмас, бир неча кун такрорлаш керак. Масалан, 24 та машқдан иборат топшириқни 3 кунда эмас, 12 кун давомида такрорлаш албатта яхши натижа беради.

Қисмларга ажратиб ёдлаш. Масалан, ўқувчи эртагача 30 та янги чет тилидаги сўзни ёдлаши керак. Уларни 3 ёки 6 та қисмга ажратиш, яъни аввал 10 ёки 5 та сўзни ёдлаш, охирида ҳамма сўзларни ёддан такрорлай оладиган даражада мустаҳкамлаш керак. Лекин кичик бўлимларни бирданига ёдлаш мумкин. Ёдлаш икки турли бўлади: юзаки, яъни механик ёдлаш ва англаб, маъносини тушуниб ёдлаш.

Куйидаги жадвалда улар орасидаги фарқлар кўрсатилган:

6- жадвал

Механик ёдлаш билан англаб ёдлаш орасидаги фарқлар

Механик ёдлаш	Англаб ёдлаш
<p>Кўп такрорлаш йўли билан маъносини чуқур тушунмасдан ёдлаш.</p> <p>Кутилмагандан эсдан чиқиши мумкин.</p> <p>Боғча болалари баъзан ёдлаган шеърларининг мазмунини тушумасликлари маълум.</p> <p>Механик ёдлаш зарур ҳоллар: телефон рақами, исмлар, манзиллар, саналар, чет тилидаги сўзлар, формуалалар, кўпайтириш жадвали ва бошқалар.</p> <p>Илмий таъриф, хуласаларни, формуалаларни ёдлашда бу усул фойда бериши қийин.</p>	<p>Бундай ёдлаш шакллари — тушунган ҳолдаги механик ёдлаш, таҳлил қилиш орқали мантиқий боғлиқликларни тушуниш асосида ёдлаш ҳамда мнемотехникадан иборат.</p> <p><i>Мнемотехника</i> (мнеме — грекча — хотира), яъни эслаб қолишининг сунъий ўхшашиллар топиб ёдлаш: қофия, ўхшашиллар, ритм, оҳанг ёрдамида, мақоллар, шеърлар; сунъий сўз бирикмалари, тарихий саналар, географик номлар, грамматика қоидалари, формуаларни.</p>

Хотираны машқ қилдириш. Масалан, дарслик ёки ўкув кўлланмасидан бирор бобни ўқиб, ўзлаштиришдан мақсад энг асосий шартларни, тушунча, таъриф, қоида, боғлиқлик ва шу кабиларни ажратишидан иборат бўлиши керак. Такрорлаш мақсад эмас, баён қилинган моҳият, маъно-мазмунни тушуниш мақсад, яъни такрорлаш орқали тушунишга интилиш керак. Ўқувчи эслаб қолишни исташи керак. Агар шундай мақсад бўлмаса, натижка бўлмайди.

Эксперимент: биринчи талаба (эксперимент раҳбари) 2-талаба (синалувчи) ёд олиши учун матнни такрорлаб ўқиуди. Бу ҳол 2-талаба ёд олгунча давом этади. Бундай жуфтлар бир нечта бўлади. 2- талаба ёддан айтиб бергандан сўнг, биринчи талабадан ёддан такрорлаш сўралганда, улар деярли ҳеч нарса ёдламаганилиги мътлум бўлди. Бу тажрибада 1- талабалар фаол здилар, улар кўп марта овоз чиқариб ўқиб бердилар, лекин нега ёдлай олмадилар. Сабаби — уларда ёдлаш мақсади бўлмаган, мақсад такрорлаб ўқиш бўлган.

Шундай қилиб, якуний мақсад ёдлаш учун жиддий ундовчи сабаб (мотивация) бўлади.

Агар ёд олишда имтиҳондан ўтсан бўлди, деган мақсал кўйилган бўлса, имтиҳондан кейин ёдда қолмайди.

Демак, яхши эслаб қолиш учун узоқ вақтга мустаҳкамлаш мақсадини қўйиш керак. Ўз билимларидан келгусида фойдаланиш мақсади бўлган ўқувчи яхши ўзлаштиради.

Сүтгестопедия. Асосчиси болгариyalик врач Лозанов. Бу таълим жараёни бир одам (ўқитувчи)нинг бошқаси (ўқувчи)га психик таъсир кўрсатишидан иборат. Бу усул чет тилларини жадал ўргатишида қўлланилади. Лекин бошқа фанларда ҳам қўллашга ҳаракат қилинмоқда.

Лейпциг универсиети мнемология лабораториясида чет тиллари сифатида инглиз, рус тилларида 30 кунда 3200 лексик бирлик, кунига 120—140 лексик бирлик ўргатилади. Бу бошқа жадал ўқитишиларга нисбатан 3 марта ортиқ.

50 ёшгача бўлганлар, баъзан ундан ҳам катта ёшдагилар, илгари чет тилини ўқиган бўлса, қабул қилинади.

Методикаси: ўқувчилар фикрни жамлаш учун аутоген машқлар бажарадилар, яъни паст овоздаги сокин мусиқа ёрдамида хотиржам ҳолатга келтирилади.

Формуласи: „Мен батамом хотиржамман“. Классик мусиқа билан бир вақтда ўқитувчи турли интонацияларда таъсирчан, баланд, баъзан эса жуда паст овозда, лекин аниқ, тушунарли қилиб чет тилидаги матнни ўқиб, маъносини она тилида тушунтиради.

Бунда инсон онгига маълум ахборот осон кириб боради. Лекин бундан ташқари ўқувчилар олган билимларидан машгулотларда фаол фойдаланишлари, куннинг 2- ярмида уйда тўлиқ такрорлаб боришлари лозим.

Бу усулда диққатни тўлиқ жамлаб англанган, эслаб қолинган ахборот англанмаган ахборот билан қўшилиб, хотира имкониятларини кенгайтиради. Натижа жуда яхши: 3 ойдан кейин 95 %, 1 йилдан кейин 85 % хотирада сақланади.

Суггестия — таъсир кўрсатиш ишонтириш, мулоқот шаклида ўқувчи (суггеренд) таъсир кўрсатувчи, ишонтирувчи (ўқитувчи суггестор)нинг айтганинни пассив, ихтиёrsиз, ўйламасдан ўзлаштиради ва унинг топшириқларини мотивлар курахисиз бажаради.

Ўз-ўзини ишонтириш ёки ўз-ўзига таъсир кўрсатиш деб суггеренд ва суггесторликни бир киши бажаришига айтилади.

Синонимлари: суггестия — (лотинча) ишонтириш . Омоними (турмушдаги): бажармаса қаттиқ жазолашни таҳдид қилиб буюриш.

Гипнотерапия. Уйқуда ўқитиш (кўпроқ чет тилларни). Бу усул ҳаммага ҳам тўғри келмайди. Сабаби ҳар ким учун бу усул алоҳида чуқурликдаги уйқу даражасидагина самара беради. Зарур уйқу чуқурлигига эришиш ва уни сақлаб туриш қийин.

Дарс жадвалида ҳамда уйда дарс тайёрлашда бир-биридан кўпроқ фарқли фанлар ўзаро кетма-кет бўлиши яхши натижа беради. Буни қуйидаги тажриба тасдиқлайди:

Гуруҳ талабаларига 20 та русча сўзни ёд олиш топширилади. Улар бажаргач, 2 кичик гуруҳга ажратилади. Шундан сўнг биринчи кичик гуруҳга 20 та болгарча (русчага яқин) сўзни ёдлаш, иккинчисига бадиий асар ўқиши топширилади. Кейин иккала кичик гуруҳда русча сўзларни эслаб қолинганлик дарајаси текширилади. Кўрсаткич 2- кичик гуруҳда юқори бўлади.

Ёмон баҳонинг сабаби ўқувчининг мактабга ёмон муносабати сабабли ҳамда мактабнинг ўқувчига ёмон муносабати сабабли ҳам бўлиши мумкин.

Билимларни ўзлаштириш, идрок қилиш ва қайта ишлашдаги шахсий фарқлар ўзлаштириш тезлиги ва мустаҳкамлигининг асосий омиллари ҳисобланади. Уларнинг айrim хусусиятлари қуйидагилар:

Ақли заифлар — жуда кам ҳажмдаги билимларни ўзлаштирадилар.

Бошқаларда турлича бўлиб, айримлар материални осон ўзлаштиради, тез унугади, баъзилар секин ўзлаштиради, лекин унутмайди. Булар ўзлаштириш тезлиги ва мустаҳкамлик омиллари ҳисобланади.

Булар марказий асаб тизими таркибининг хусусиятлари, яъни асаб ҳужайраларининг „эслаб қолиш имкониятлари“ билан боғлиқ.

Диққатни жамлаш машқлари.

Эксперимент: 1- гуруҳ талабаларига 60 дақиқа давомида хоҳлаганча дам олиш танаффуслари билан турли масалаларни ечиш топширилди.

2- гуруҳга эса I соат тўхтовсиз, дам олмасдан масалалар ечиш топширилди. Узлуксиз ва зўр бериб ишлашда 45 дақиқадан кейин талабаларда диққатни жамлаш сезиларли пасайди. Ўз ихтиёрича гоҳ дам олиб, гоҳ вазифани бажарган I- гуруҳ талабаларида эса шу I соатнинг охиригача диққат пасаймади.

Диққатни жамлашга халақит берувчи омиллар 3 та гуруҳга ажратилиди:

1. Боланинг жисмоний ривожланишидаги нуқсонлар ва саломатлигининг ёмонлиги.
2. Ота-оналарнинг бола тарбиясидаги хатолари, кўпинча оиласидаги носоғлом мухит сабабли.
3. Ўқитувчининг ўқув фанини ўқитишдаги камчиликлари (бунда бутун синф диққатсиз бўлади).

Диққатни жамлашнинг түфма камчиликлари туғилишда мияси шикастланган ва ўз вақтида аниқланмаган болаларда фақат мактаб даврига келиб мия фаолиятининг бузилганилиги аниқланади. Бу болалар аҳволи нормаллашиши учун яхши ухлашлари керак. Яхши дам олганларидан кейин анча яхши ўзлаштирадилар. Уларнинг диққати кун давомида сустлашиб, ақли заифга ўхшаб қоладилар, лекин аслида бундай эмас.

Айрим болалар ва ўсмиirlарда „психомотор нотинчлик“ (безовталиқ) деб номланадиган ҳолат бўлади. Уларда психика ва ҳаракат қобилиятлари доим қўзғалувчан бўлиб, бир ҳаракат импульси бошқасини ҳосил қиласиди ва кўпинча файриихтиёрий бўлади.

Ўқувчиларда диққатсизлик гипофиз функцияларининг бузилиши билан боғлиқ бўлади. Уларда эмоционал бошқарув етарли эмас, осон жаҳллари чиқади. Кайфияти тез ўзгарувчан, кўпроқ салбий, бепарво, ўzlари билан овора ҳолда бўлади.

Диққатни жамлай олмаслик организмда калций ёки фосфор алмашинуви бузилганда, витаминлар (айниқса, В₁) этишмаганда ҳам бўлиши мумкин. Бундай болалар ёмон ухлайдилар. Уларда ички безовталиқ, қатъиятсизлик бўлади, қизикувчанлик бўлмайди.

Буларнинг ҳаммаси ўқиётган катта ёшдагиларда ҳам бўлиши мумкин. Лекин катталарнинг диққати ёмон жамланиши, аввало стресссли зўриқишлиар сабабли бўлади. Бунга бაъзан

уларнинг ўзлари айбдор бўладилар. Улар ўз касбий ва ўқув ишларини тўғри ташкил қила олмай, ўз кучларини тежамсиз сарфлайдилар.

Улар никотин, алкоголь, кофеин ва бунинг зидди бўлган ухлатувчи дорилар истеъмол қилиш ўрнига дам олиш, спорт билан шуғуланишлари, очиқ ҳавода кўпроқ бўлишлари керак.

Диққатсизлик (болаларда) кўп ҳолларда оиласдаги умумий тарбиявий камчиликлар билан боғлиқ. Бунга ота-она орасидаги нохуш муносабат сабаб бўлиб, бола психик қувватининг кўп қисми шу ҳолатлардан чиқишга сарфланади.

Оиласдаги ёмон тарбия билан бирга узоқ вақт телевизор кўрсатувларини назоратсиз кўравериш болаларда кундалик стрессларни ошириб юборади. Бу уйқусизлик, чарча, неврозликка олиб келади.

Болалардаги унутувчанликни баъзан хотиранинг секин (пассив) сўниб бориши, баъзан эса таассуротлар кўплигидан келиб чиқсан фаол тормозланишдан иборат деб холоса қилиш мумкин.

Болаларни чуқур ҳаяжонлантирувчи телекўрсатувлар мазмуни, ҳажмини назорат қилиш керак. Шунда боланинг хаёли кераксиз нарсага сарфланмасдан, ўқиш учун руҳий қувватларининг сақланишини таъминлаш мумкин.

Диққатни жамлашни яхшилаш қандай кечади?

Бунинг учун боладаги жисмоний камчилик ва касалликни даволаш зарур. Қоида: психиканинг ҳар қандай хусусияти мунтазам машқни талаб қилади, фақат шунда етарлича ишончли бўлади. Бу хотира, нутқ кўникмалари, мантиқий фикрлаш, диққатни жамлаш ва бошқаларга тегишли.

Хотирани жамлашни машқ қилдириш учун маҳсус машқлар:

- кун тартиби нисбатан мўътадил (стабил) — ўзгармас бўлиши;
- кун давомида ўқиш ва дам олишга аниқ вақт ажратиш;
- бошлаган ишни чалқимасдан охирига етказишга ўргатиш, бунда болани бошқа болалар ҳам, катталар ҳам чалғит-маслигини таъминлаш;
- уй вазифалари батартиб бажарилганлигини назорат қилиш;
- ҳар қандай ютуқни ўз вақтида рағбатлантириш билан мустаҳкамлаш;
- мактабда мураккаброқ дарслар эрталаб, болалар чарчамасидан ўтилиши;
- чарчаганлик яққол билинганда болага дам бериш.

Диққатсиз ўқувчини ўз-ўзини назорат қилишга ўргатиш зарур. Бунинг учун аввал кийимлари батартиб бўлишини,

құллари тоза, тирноқлари олинган бўлишини талаб қилиш зарур. Уларнинг дарсга кечикмасдан келишлари, дарслик, дафтарларини тартибли сақлашларига эътибор бериш зарур. Буларнинг ҳаммаси диққатли бўлишга ўргатади.

Сўнгра маҳсус машқлар бажариш мумкин. Бунинг учун тарбиячи, ота-она хотиржам, вазмин бўлишлари керак. Бу жиддий шарт бўлиб, улар ишдан чарчаб, нохуш кайфиятда келгандаридан болани яхши тарбияламоқчи бўлса, ўз ҳиссиётларини босиши енгил бўлади. Бунда ўз хатти-ҳаракати, ўзини тутиши билан болани ич-ичидан тартибли бўлишга ундайди.

Неврозлик юқумли касалдек одамдан одамга ўтади. Уни даволаш керак.

Диққатни тарбиялаш учун сердиқкат бўлишни талаб қила-диган ўйинлар айниқса фойдали. Булар кубиклардан турли шакллар ясаш ва шу каби ўйинлардан иборат. Бунда ўйиннинг шартлари тўлиқ бажарилишини назорат қилиб бориш зарур.

Қувноқ топишмоқлар, тез айтиш, кичик шеърлар ёдлаш болада жонли қизиқиш уйғотиб, фикрлашини фаоллаштиради.

Суратга қараб, унда тасвирланган мазмунни оғзаки ҳикоя қилишда эса боланинг аниқ ва тўғри талаффуз билан ҳамда тўлиқ гапиришига эътибор бериш керак.

„Хатосини топинг“ номли топшириқли суратлардаги хато, ноаниқликларни топиш ҳам диққатни жамлаш машқларидан ҳисобланади.

Ўсмиirlар ва катталар учун шахмат ўйини диққатни машқ қилдиради.

Диққатни зўр берib машқ қилдириш болани толиқтиради. Бу, айниқса, диққат етишмайдиганлар учун қийин бўлади. Шунинг учун машқлар мунтазам, лекин қисқа бўлиши керак.

Бу фикримизни тасдиқлаш учун юқорида баён қилинган тажрибани — талабалар ўз ихтиёрлари бўйича хоҳлаганча дам олишлар билан ўзларига топширилган масалаларни ечишларидаги кўрсаткичларни эслашимиз мумкин.

Бундан болалар учун диққатни шакллантириш машқлари қанчалик чарчатиши мумкинлиги маълум бўлади.

Диққатни жамлаш машқларини бажаришда аввал болалар ва ўсмиirlарда қизиқиш уйғотиш „Менга қизиқарли бўлган нарсага диққат қиласман“ формуласи асосида бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Қоида: машғулотда боланинг ўзи тузата оладиган кичик хатоларини кўрсатиб, тузатиш керак. Бунда унинг кўнгли чўкмайди. Чунки, муваффақиятлар ўқувчиларнинг фаолликларини кўпроқ рафбатлантириб, диққатларини оширишга ёрдам беради.



САМАРАЛИ ТАЪЛИМНИНГ АЙРИМ БЕЛГИЛАРИ

Мактабда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини белгилаш юзасидан ҳозирда мутахассислар томонидан билдирилган айрим нуқтаи назарлар қўйидагилардан иборат:

- синфда ишни тўғри ташкил қилиш ва бошқариш;
- ўқув режаларининг тури шароитларга мослашганлиги;
- йўриқномаларнинг бевосита берилиши;
- мактабда ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиш имкониятларини ҳамда ўқитувчиларнинг ижодий ишлаш имкониятларини кенгайтириб бориш;
- мактабда рағбатлантирувчан ўқув муҳитини таъминлаш;
- амалиётда юқори кўрсаткичларга эришиш натижасида тасдиқланган янгиликларни тезкор татбиқ этиш;
- кутилаётган натижаларрга мос бўлган педагогик технологияни танлаш, таълим-тарбия жараёни амалга ошириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш.



ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Малака оширишни мактаблар доирасида марказлаштириш ва унга қатъий қувватлаш асосида раҳбарлик қилиш.

Кундалик ишга шунчалик чуқур киришиш керакки, ишнинг тугагани ва малака ошириш жараёни бошлангани яққол сезилмайдиган бўлсин.

Янгиликларни жорий қилишга зарур имкониятлар яратилганилиги.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Юқорида айтилганлардан хulosса чиқарган ҳолда ҳозирги педагогик технологияларнинг қўйидаги асосий белгиларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

Асослари: ижтимоий; фалсафий; дидактик; педагогик; психологик; физиологик; гигиеник; мағкуравий; ҳуқуқий-меъёрий; иқтисодий; тарихий; назарий, амалий ва бошқалар.

Манбалари: ҳозирги анъанавий таълим; хусусий методикалар; илғор педагогик тажрибалар; дидактика; педагогика;

психология; физиология; компьютер техникаси; ахборот технологиялари; бошқа фанлар; халқ педагогикаси анъаналари, оила педагогикаси ва бошқалар.

Шакланишидаги тарихий босқичлар: ёзув бўлмаган даврдаги таълим; ёзув пайдо бўлган дастлабки давр; қозоғ бўлмаган давр; қозоғ пайдо бўлган дастлабки давр; кўлёзма китоб даври; тошбосма китоб даври; босма китоб даври; синф-дарс тизимининг жорий қилиниши; хусусий (ўқув фанлари) методикаларнинг қўлланилиши; таълимнинг техника воситаларини қўллаш; компьютерлардан фойдаланиш; ахборот технологияларидан фойдаланиш; педагогик технологиилар даври; давлат таълим стандартларининг жорий қилиниши.

Мезонлари: маълум илмий асосга, концепцияга таяниш; тизимлилик, ўқув-тарбия жараёни ва қисмларининг ўзаро мантикий боғлиқлиги; самарадорлик, таълим стандартларига эришишни кафолатлаш, сарфлаш талаб қилинадиган вақт, куч ва воситаларнинг меъёр даражасида эканлиги; бошқалар томонидан қайта амалга ошириш мумкинлиги.

Кўринишлари: ижтимоий ҳодиса; назарий фан; ўқув фани; таълим-тарбия тизими; таълим-тарбия жараёни; педагогик фаолият ва унинг методикалари; алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси.

Даражалари: умумпедагогик; хусусий (ўқув фанлари); кичик технологиялар.

Турлари: мактабгача таълим педагогик технологияси; бошлангич таълим; таянч таълим; мактабдан ташқари-кўшимча таълим; ўрта маҳсус, касб-хунар таълими; олий таълим; қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими педагогик технологиялари; таълим соҳалари (ўқув фанлари) бўйича турлари; айрим белгилари бўйича турлари.

Йўналишлари: ҳозирги анъанавий таълим; педагогик жарайёни такомиллаштириш; ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш; ўқув материалиини такомиллаштириш; самарали бошқариш ва ташкил қилиш; табиатга мувофиқлаштириш; ривожлантирувчи таълим; хусусий (ўқув фанлари); алътернатив; муаллифлик ва бошқалар.

Таркибий тузилиши: модуллар; алгоритмлар.

Асосий таркибий қисмлари: педагогик мотивлар; педагогик жараён; педагогик натижа.

Асосий жараёнлари: сўзлаш; кўрсатиш; машқ; раҳбарлик; назорат; бошқарув.


Асосий воситалари: вербал; новербал; аудио; визуал; табиий; таълимнинг техника воситалари; компьютер техникиаси; ахборот технологиялари; ўкув қуроллари, асбоблар, моделлар, макетлар, стоноклар, материаллар, жиҳозлар ва бошқалар.

Асосий иштирокчилари: ўкувчи; ўқитувчи (тарбиячи); таълим менежери; таълим технологи; назоратчи; ота-оналар.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ УМУМИЙ СХЕМАСИ ҲАҚИДА

16- схемада педагогик технологиянинг асосий таркибий тузилиши ва таркибий қисмлари орасидаги боғлиқликлар умумий тарзда акс эттирилган.

*16- схема
Педагогик технологиянинг умумий схемаси*



Унингайрим жиҳатларини қисқача баён қиласиз. Бу схемадаги асосий тушунча **педагогик технология жараёнидир**. Бу жараённинг бошланишидан охиригача диагностика олиб борилади. Уни ўз-ўзини диагностика қилиш, назорат диагностикаси, жорий, оралиқ ва якуний текширувлар, тест синовлари, рейтинг тизими, узлуксиз, даврий ва якуний мониторинг ва бошқа шаклларда олиб бориш назарда тутилади.

Таълим менежменти ва маркетинги педагогик технологиянинг замонавий ижтимоий, иқтисодий ва бошқа талабларга мувофиқлигини аниқлаган ҳолда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқиши, амалиётта татбиқ қилиш масалаларини ҳал қиласиз.

Шунингдек, долзарб йўналишларни аниқлаб, мутахассислар учун таклифлар тайёрлайди, тегишли тартибда бизнесрежалар тузиш ва уларни амалга ошириш билан шуғулланади.

Бу масалаларни муваффақиятли ҳал қила олиш учун таълим менежменти ва маркетинги соҳаларига чукур ва пухта билимга эга ҳамда тажрибали мутахассислар жалб қилинади.

Методист-технолор таълим-тарбия соҳасидаги долзарб йўналишларни, мавзуларни аниқлаш, мавжуд тизимнинг ютуқ ва камчиликларини ҳамда уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини ўрганиш, таҳлил қилиш, таклифлар тайёрлаш ишларини баҷаради. Янги педагогик технологияларни яратиш, жорий қилиш, олиб бориш ва такомиллаштиришда зарур ёрдамлар кўрсатади.

Таълим мақсади ҳар бир педагогик технологияни яратишдаги асосий сабаб ҳисобланади. Мақсаднинг замонавий таълим-тарбия муаммоларини юқори самарадорлик билан ҳал қилишга қаратилган бўлиши зарур асос ҳисобланади.

Шунинг учун бирор педагогик технологияни яратиш учун энг зарур шарт шундай долзарб мақсадни аниқлай олишдан иборат. Бундай мақсадни зарур тадқиқотлар, ижодий изланишлар олиб бориш, ўзининг ва бошқа мутахассисларнинг иш тажрибаларини чукур таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Бундай мақсадлар юқори **рақобатбардошликни** таъминлашга йўналтирилиши ҳозирги талаблардан келиб чиқади.

Рақобатбардошлик ҳар бир педагогик технологиянинг мақсадга мувофиқлигини, бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан айтганда эса, у ўз вазифаларини ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ бажараётганлиги даражасини белгилайди.

Бу эса унга бўлган талаб юқори бўлишини таъминлаш учун мунтазам такомиллаштириб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Рақобатбардошлик педагогик технологиянинг ҳамма таркибий қисмлари учун энг зарур шарт бўлиб, бунда якуний натижани бевосита тайёрловчилар бўлган ўқитувчи ва ўқувчининг рақобатбардошлигига эришиш асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Таълим мазмуни белгиланган мақсадга мувофиқ йўналиш ва ҳажмга эга бўлади. У тегишли меъёрий ҳужжатлар: таълим стандартлари, ўқув режа, дастурлар шаклида расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Таълим мазмуни тўғри белгиланиши ҳамда унга зарур ўзгаришлар киритиш, янгилаб бориш имкониятлари назарда тутилиши лозим. Белгиланган мазмун асосида ўқув фанлари, ўқув соатлари, машгулот турлари ва шу кабилар аниқланади.

Мотивлар ижтимоий, шахсий, оилавий, касбий бўлиб, улар биринчидан, ўқувчи, ота-оналарнинг таълим-тарбия соҳасидаги эҳтиёжлари, мақсадлари, манфаатлари, қизиқишлигини ифода этади. Иккинчидан, ўқитувчи ва педагогик технология бошқа иштирокчиларининг касбий эҳтиёж, мақсад, манфаатларини ифода этади.

Педагогик технологияни амалга оширишда мотивлар мунтазам ҳисобга олиб бориши зарур. Педагогик технологиянинг такомиллашиб боришида мотивларнинг вақт ўтиши билан бошқа сифатга ўтиб боришини жиддий равишда ҳисобга олиб бориш лозим.

Ўқитувчи педагогик технологиянинг энг асосий иштирокчиси ҳисобланади. Шунинг учун унинг касбий билим, кўнимма, малака ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш, бу мақсадлар учун зарур шароитларни яратиб бориш лозим.

Ўқитувчи фаолияти таълим мазмунини тўлиқ ва самарали бажариш орқали таълим мақсадини амалга оширади, мотивларни қондиради, рақобатбардошликтини таъминлайди. Бу вазифаларни ўқувчиларга чуқур ва пухта таълим-тарбия бериш орқали амалга ошириш мумкин.

Ўқувчи педагогик технологиянинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Унинг ўқитувчи раҳбарлигига билимларни ўзлаштириши, таълим-тарбия олиши, мустақил фикрлаши ва ишлашга ўрганиши жараёнида юқори натижаларга эришиши орқали асосий мақсад амалга оширилади.

Шу нуқтаи назардан ўқувчининг олган таълим-тарбияси педагогик технологиянинг якуний маҳсулоти ҳисобланади.

Методлар, воситалар педагогик технология жараёнини ҳаракатга келтирувчилар ҳисобланади. Уларнинг қанчалик тўғри ва сифатли қўлланилиши кутилаётган натижанинг қандай даражада бўлишини ҳал қиласди. Улар ҳар хил шароитларга мослашувчан бўлиши, зарур ҳолларда янгиланиб бориши назарда тутилади.

Қобилиятлар ўқувчининг муваффақиятлари учун зарур асосдир. Яхши қобилиятли ўқувчининг юқори натижаларга эришиш имконияти юқори бўлиши маълум. Лекин шунга қарамай, пастроқ қобилиятли ўқувчи ҳам қулай шароитлар яратилган ҳолда анча юқори натижаларга эришади.

Шунинг учун педагогик технология жараёнида ўқувчининг қобилиятларини жиддий равишда ҳисобга олиш, унга мувофиқ бўлган метод ва воситаларни қўллаш лозим.

Натижалар ўқувчилар олган таълим-тарбия даражаси билан белгиланади. Буни айрим ўқувчи учун алоҳида ҳамда барча ўқувчилар учун умумий ўртача даражаларда белгиланади. Бу

даражалар турли диагностика кўрсаткичлари орқали аниқланиди. Натижалар самарали бўлса, педагогик технологиянинг узоқ вақт кўлланилиши таъминланади.

16- схемада асосий боғлиқликлар кўрсатилган бўлиб, улар ҳақида тегишли ўринларда зарур фикрлар айтиб ўтилди.

Педагогик технология ҳақида юқорида баён қилингандар асосида намуна сифатида айрим педагогик технологиянинг тафсилотини келтириш учун ушбу китоб ҳажми чеклангани имкон бермади.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ТАЖРИБА-СИНОВЛАРИ

Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалиётта жорий қилиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар орасида тажриба-синовларни ташкил қилиш ва олиб бориш муҳим босқич ҳисобланади. Шунинг учун ушбу тажриба-синовлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Педагогик тажриба-синовлар ўтказишнинг асл моҳияти амалдаги педагогик жараёнларни такомиллаштиришга олиб борадиган тадқиқотлар ва уларнинг фаразларига мувофиқ равишда, аниқ мақсад сари йўналтирилган янги йўналиш, мазмун, усул, воситалар ва янги таълим-тарбиявий муҳит яратишдан иборатдир.

Масалани аниқ тасавур қилиш учун асосий тушунчаларнинг таърифларини аниқлаб олишимиз лозим.

Тажриба-синов — бу шундай тафаккур методи бўлиб, унинг ёрдамида табиий ёки сунъий тарзда яратиладиган, назорат қилинадиган, бошқариладиган жараёнлар тадқиқ қилинади ва муаммоларни ҳал қилишнинг янгича воситалари изланади.

Педагогик тажриба-синов — бу илмий-педагогик тафаккур методи бўлиб, педагогик омиллар, шарт-шароитлар, жараёнлар ўртасидаги сабаб ва оқибат билан боғлиқ ўрганиладиган бир ёки бир неча обьект ёхуд тизимларни аниқ режалар асосида ойдинлаштириш имкониятини берувчи жараёнлар.

Назарий метод — педагогик технологияни моделлаштириш, таҳлил қилиш, синтезлаш, қиёслаш, умумлаштириш, табақалаштириш, унинг тизимларини интеграциялаштириш ва бошқа жараёнлардан иборат.

Эмпирик метод — тажриба-синов мавзусига оид маълум бўлган адабиётлар, қўшимча манбалар, foялар, тажрибаларни ўрганиб чиқиш асосида тажриба-синовга оид фаразлар, моделлар, бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳасини яратиш, синаб кўриш ва амалиётта татбиқ қилиш методидир.

Тажриба-синовларни амалга ошириш натижасида ҳар хил кутилмаган хулоса ва натижалар олиниши мумкинлиги назарда тутилиши лозим. Бунинг сабаби шундаки, тажриба-синовлар якуни ҳамма вақт ҳам кафолатли натижаларни беравермайди.

Тажриба-синовларга киришишдан олдин шу соҳага доир энг мақсадга мувофиқиши методини белгилаб олиш муҳимдир. Бу методлар, асосан, юқорида айтилган назарий ҳамда эмпирик тажрибаларга асосланган икки асосий гуруҳга бўлинади.

Тажриба-синовга мавзу қилиб олинган муаммога боғлиқ барча меъёрий ва методик ҳужжатлар, тавсиялар, йўриқномаларни ўрганиб чиқиш зарур ҳисобланади.

Мактабгача таълим ва бошқа ўқув-тарбия муассасалари фаолиятига доир турли ҳужжатларни таҳлил қилиш, педагогик кузатувлар олиб бориш, оғзаки ва ёзма сўровлар ўтказиш, анкета ва тест саволларига жавоблар олиш, турли илғор тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш ишларини амалга ошириш ҳам педагогик тажриба-синовларга ёрдам беради.

Тажриба - синов ишларини ташкил қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Педагогик технологиянинг тажриба-синов дастурини тайёрлаш.
2. Дастурни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши:
 - Тажриба-синов ишларининг моддий базасини яратиши.
 - Бошқарув вазифаларини тақсимлаши.
 - Кадрларни бу жараёнга маҳсус тайёрлашни ташкил қилиш.
3. Тажриба-синов ишларини амалга ошириш.
4. Тажриба-синовда иштирок этган педагогларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.
5. Илмий раҳбар ёки консультант излаш, танлаб олиш ва уларни тажриба-синов ишларига жалб этиш.

Тажриба-синов дастурини тайёрлашда қўйидагилар назарда тутилади:

1. Таклиф қилинаётган педагогик технологиянинг долзарб-лигини асослаш. Унинг асосий мазмуни баёни.
2. Тажриба-синов объектини аниқлаш:
 - Педагогик жамоа.
 - Ўқувчилар.
 - Тарбиявий иш тизимлари ва бошқалар.
3. Тажриба-синов предмети.
4. Тажриба-синов мақсадини талқин этиш:
 - Янги методика.
 - Янгича табақалаштириш.

- Янги дастур ёки ўқув режаси.
- Маълум технологиянинг янгича варианти.
- Янги методик ишланма ва ҳоказо.
- 5. Тажриба-синов вазифаларини умумий ҳамда хусусий мақсадлар бўйича аниқ белгилаш.
- 6. Тажриба-синовнинг аниқ методикалари ва методларини танлаб олиш.
- 7. Тажриба-синов муддатини белгилаш.
- 8. Тажриба-синов босқичларини белгилаш.
- 9. Талаб қилинадиган вақт миқдорини белгилаш.
- 10. Тажриба-синовнинг аниқ базасини аниқлаш.
- 11. Тажриба-синовдан кутилган натижаларни баҳолаш мезонларини танлаб олиш.
- 12. Кутилаётган натижаларни белгилаш.
- 13. Тажриба-синов дастурини экспертиза қилиш тартибини белгилаш.
- 14. Тажриба-синов жараёни натижаларини кузатиб бориш, назорат қилиш қоидаларини белгилаш.
- 15. Тажриба-синов натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилаш.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МОНИТОРИНГИ

Педагогик технология самарадорлигини баҳолашнинг ишонарлигини таъминлаш учун унинг мониторинг олиб борилади.

Таълим-тарбия соҳасида мониторинг деб ўқув жараёни ва уни бошқаришнинг узоқ давом этадиган узлуксиз кузатувини олиб боришга айтилади.

Мониторинг педагогик технологиянинг баҳосини шакллантиришга мўлжалланган воситалардан ташкил топган тизим орқали амалга оширилади.

Буни қўйидаги схема орқали яққол ифодалаш мумкин:

17- схема

Педагогик технология мониторинги жараёни схемаси



Мониторинг тизимларини яратиш учун турли педагогик технологиялар ва уларнинг таркибий қисмлари моделларидан фойдаланиш мумкин.

Педагогик технологияни бир нечта нуқтаи назарлардан баҳолаш мумкин. Булардан бири — мақсад ва натижа модели бўлиб, улар қуидаги босқичлардан иборат.

- жараённи баҳолаш;
- натижани баҳолаш;
- натижаларнинг қўйилган мақсадларга мослигини аниқлаш;
- тизимнинг бошланғич ва якуний аҳволи нисбатини баҳолаш.

Таълим жараёни тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш модели. Буни бешта омил модели деб ҳам номланади. Унда қуидаги бешта йўналишдаги маълумотлар аниқланиб, уларни таҳдил қилиш асосида якуний баҳо чиқарилади.

1. Кучли маъмурий раҳбарлик.
2. Ички муҳитнинг яхшилиги.
3. Таъянч педагогик янгиликларга йўналганик.
4. Ўқитувчиларнинг ўқувчилардан юқорироқ натижаларни кутиши учун асослар мавжудлиги.
5. Ўқувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш тизими.

Мониторингнинг асосий вазифаси ўқув жараёни аҳволини узлуксиз кузатиш орқали қуидаги саволларга жавоблар олиш ҳисобланади:

- Таълим жараёни мақсадига эришиляптими?
- Илгариги диагностик тадқиқотлар натижаларига нисбатан ўзгаришлар ва ўқувчиларнинг ривожланиши мавжудми?
- Ўқитувчи ишини такомиллаштириш учун имкониятлар борми?
- Ўқув материалининг мураккаблик даражаси ўқувчилар имкониятларига мосми?

Бунда қуидагиларни аниқлашга имкониятлар ҳосил бўлади:

- ўқув жараёнининг жорий натижалари ва уни корректировка қилиш имконияти;
- педагог кадрлар малакаси ва инновация вазифаларини ҳал қилишга тайёрлигининг реал даражаси.

Мунтазам мониторинг модели қуидагиларни ўз ичига олади:

- ўқувчининг реал ўқиш имкониятларини;
- у ёки бу ўқув фанлари бўйича билимлар сифатини ўрганиш;

- ўқувчилар суст ўзлаштиришининг умумий дидактик сабабларини аниқлаш;
- мактабдаги ички ўзаро муносабатлар хусусиятини ўрганиш;
- ўқитувчи фойдаланаётган дидактик воситаларни таҳлил қилиш;
- мактаб ички иш тартибининг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш;
- ўқитувчилар педагогик маҳоратининг хусусиятларини ўрганиш.

7- жадвал

Педагогик технология мониторинги жадвали

Босқичлар	Жараён	Натижা
I	Ўрганиш	Эсда сақлаш
II	Тушуниб олиш	Ўзлаштирганини айта билиш (исбот)
III	Татбиқ эта билиш	Қоида, қонунни билиб олиб, ундан фойдаланиш
IV	Таҳлил эта билиш	Қиёслаш, таққослаш, бир-бирига боғлаш
V	Синтез	Ахборотни ижодий қайта ишлай олиш
VI	Баҳолаш	Кейинги билимга қадам

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АЙРИМ СҮЗЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУФАТИ

Абстракт тафаккур — нарса ва ҳодисаларнинг бевосита идрок қилиш мумкин бўлмаган хусусиятлари, ўзаро муносабатлари, қонуниятлари ҳақида мавҳум тушунчалар асосида фикрлаш тури. Бунда мавҳум тушунчалар ҳосил қилинади.

Абстракт тушунча — нарса ва ҳодисаларнинг мавҳум белги, хусусият, сифат ва ўзаро муносабатларини акс эттирадиган тушунчалар.

Авторитар педагогика (авторитар педагогик технология) — таълим-тарбия жараёнига раҳбарликда ўқитувчининг обрўсига асосланishi, унга ўқувчиларнинг кўр-кўроня, сўзсиз итоат этишлари. Бунда ўқувчиларнинг эркин ва мустақил фикрлашлари, шундай ҳаракатлар қилишлари чекланган бўлади.

Авторитет — шахснинг бошқалар эътироф қилган обрўси, фазилати, бошқаларга нисбатан таъсири ва улар томонидан қадрланиши. Авторитет чин ёки сохта бўлади.

Адаптив машғулот — ўқувчининг ташқи муҳитга, жамоага, меҳнат вазифаларини бажара олишга мослашувини таъминлашга қаратилган машғулот.

Алгоритм — педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари) ўзаро жойлашувининг ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартибини (қоидасини) билдиради.

Алгоритмлаш — педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари)нинг ўзаро жойлашувини ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлиги тартиби (қоидаси)ни белгилаш жараёни.

Атама — табиий тилдаги сўз ёки сўз биримлари (реал ёки абстракт нарсаларни ифодаловчи). Атаманинг у ёки бу контекстдаги маъноси тўғрисидаги масала доим муҳокама қилинади, чунки одатдаги тил кўп маъноли. Одатдаги тил кўп маъноли бўлгани сабабли, атаманинг ҳар бир ҳолатдаги қўлланилиши маъноси муҳокама қилиб борилади.

Бир фан ёки илмий назарияда атамалар битта маънода ишлатилади.

Атамалар назарий, эмпирик турларга ажратилади. Назарий атамалар тажриба билан асосланган, эмпирик атама эса тажриба орқали тасдиқланган холосаларга тегишли бўлади.

Билим — борлиқни билиш жараённининг амалиётда тасдиқланган натижаси. Объектив реалликнинг инсон онгига адекват

акс эттирилиши (тасаввур, тушунча, мулоҳаза, назариялар). У кундалик, илмий, эмпирик, назарий билимларга ажралади.

Кундалик билим соғлом фикрга ва кундалик амалий фаолият шаклларига асосланади. Инсоннинг атроф-муҳитга мослашуви, унинг хатти-ҳаракатлари ва олдиндан кўра билиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Илмий билим — тизимли, асосли ва нарса, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб борадиган бўлади. У эмпирик ва назарий даражада бўлади.

Эмпирик билим — билишнинг кузатиш, ўлчаш, тажриба усулларини қўллаш натижаси. Нарса-ҳодисаларнинг сифат ва микдор кўрсаткичларини ифодалайди. Эмпирик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликларнинг мунтазам тақрорланиши эмпирик қонунлар ёрдамида ифодаланади, улар, кўпинча, эҳтимоллик хусусиятига эга бўлади.

Назарий билим — эмпирик ҳолатларни тасвирилаш, тушунишириш, яъни нарса-ҳодисалар моҳиятини билиш имконини берадиган қонунларни очишни назарда тутади.

Билиш — объектив борлиқнинг онгда акс этишининг олий шакли, ҳақиқий билимлар ҳосил қилиш жараёни. Билиш кўйидаги даражаларда бўлади:

Ҳиссий билиш — сезгилар, идрок, тасаввур орқали.

Рационал билиш — тушунчалар, мулоҳазалар, ақлий хуносалардан ўтиб назарияларда ўрин олади.

Шу билан бирга билиш — кундалик, бадиий, илмий бўлади. Илмий билиш табиатни ва жамиятни билишга ажралади.

Бирламчи модул — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирилашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул тўплами.

Вертикал педагогика — юқори синф ўқувчиларининг қуий синф ўқувчиларига ёрдам кўрсатишини ташкил қилиш шакли. Бунда ҳар бир ўқувчининг айрим фан бўйича ўзидан бир синф юқорида ўқийдиган ўқувчилардан илмий раҳбари ва бир синф қуида ўқийдиган ўқувчилардан оталиқдаги ўқувчиси бўлади.

Ўқувчиларга ўзларидан қуий синф мавзусини тақрорлаш, кейин қуий синф ўқувчисидан синов олиш варақасини (саволлар, мисол ёки топшириқни) тайёрлаш топширилади. Синов ҳафтада бир марта ўтказилади. Синов жараёнида қуий синф ўқувчиси мавзуни тўлиқ ўзлаштиргунича ўзаро мулоқот давом этади. Натижада ёмон баҳолар бўлмайди.

Гурухли таълим — бир ўқитувчи бир неча ўқувчини ўқитадиган таълим шакли. Гурухлар ўқувчилар сонига қараб: кичик (3—6 ўқувчи), ўрта (7—15 ўқувчи), катта (15 дан ортиқ ўқувчи)

гуруҳларга ажратилади. Шунингдек, ҳар бир гуруҳдаги таълим олувчиларнинг ёшига, таълим йўналишига ва шу кабиларга қараб ҳам гуруҳларга ажратилади. Бу шаклни қўллаш жараёнида якка таълим шакллари ҳам амалга оширилади.

Диагностика — педагогиканинг бўлими, таълим-тарбия жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлигини, педагогик ходимларнинг касбий тайёрликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратларини, ўкувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хуносалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш билан шугулланади.

Дидактика — педагогиканинг тармоғи. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шугулланади.

Инверсион таълим — афдариш, жойини алмаштириш; тафаккур тизимини шакллантириш йўналишидаги таълим.

Иновация — янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш, киритиш жараёни ва фаолияти.

Интеграл — чамбарчас боғлиқ, бутун, ягона; ўз чексиз кичик қисмларининг йигиндиси.

Интеллект — инсоннинг умуман билиш фаолияти, фикрлаш қобилияти; тушуниш, мулоҳаза, тафаккур, ақл.

Интерфаол машгулот — ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машгулот; жараён ҳамкорликда кечади.

Йўл (русча — приём) — бирор мақсадни амалга ошириш учун танланган ҳаракат тури.

Кичик модул — педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайди. Амалда бундай кичик модулни ташкил қилувчи бошқа кичик модулларга ажратиш мумкин эмас деб ҳисобланади.

Когнитив — атроф олам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш, дифференцияловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларини ривожлантириш таълими.

Креатив — тадқиқотчилик характеристига эга; ўқувчиларда ижодий тафаккурни жадал (мақсадга йўналтирилган) равишда ривожлантириш таълими.

Кўникма — онгли фаолият (ҳаракат)ни тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариш. Шахснинг билимлари асосида таркиб топади. Дастробки шаклланиш босқичларида бундай ҳаракатлар жiddий диққат билан бажарилади, кейинги босқичларда диққат билан назорат қилиш камайиб боради ва натижада автоматлашган ҳаракатта айланади.

Ҳаракат турлари бўйича уч турга: ҳаракат кўникмалари, сенсор кўникмалар, ақлий кўникмаларга бўлинади. Кўникмалар мунтазам машқ қилиш (такрорлаш) орқали зарур даражада сақланади. Маълум вақт такрорламаслик кўникма даражасининг пасайишига олиб келади. Уни қайта машқлар бажариш, малака ошириш орқали тикланади.

Малака — шахснинг маълум касбга яроқлилик, тайёрлик даражаси, шу касбда ишлай олиши учун зарур билим, кўникмалари йигиндиси. Касбий ахборотларнинг тез кўпайиб бораётгани илгари ўзлаштирилган малаканинг етишмаслигини келтириб чиқаради. Бу етишмасликни қайта тайёрлаш ва малака ошириш орқали тўлдирилади. Бу жараён узлуксиз давом этгандагина малака ортиб бориши орқали касбий фаолиятни ҳозирги талаблар даражасида давом эттириш имконияти ҳосил бўлади.

Малака ошириш — мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини янгилаш ҳамда ривожлантириш жараёни

Маркетинг — бозор ҳолатини чуқур ўрганиш, олдиндан баҳоларни билган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар ташкил қилиш, гоялар яратиш ва уларнинг сотувини ташкил қилиш орқали юқори фойда олишни таъминлаш.

Маҳорат — шахснинг тажриба орқали орттирган хусусияти. Бирор соҳадаги мослашувчан кўникма ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларнинг юқори даражаси, касбий моҳирлик. Бирор фаолият соҳасидаги юқори даражада эгалланган билим, кўникма, малакаларни амалиётда юқори сифат ва самарадорлик билан қўллаш.

Менежер — корхона, муассаса, ташкилотни замонавий усуллар асосида бошқарувчи мутахассис.

Менежмент — корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланиладиган бошқариш, яъни ходимлар ва ишчилар меҳнатини ташкил қилиш тамоиллари, усуллари, воситалари, шакллари.

Модул — педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлаклар, яъни модуллар энг кичик бўлаклардан ҳамда уларнинг тури миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлакни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча шундай модулни олишига қараб, тегишлича даражадаги модуллар дейилади.

Педагогик технологиянинг энг кичик модуллари энг асосий тушунча бўлиб, улар гўёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи „ғиштча“лар вазифасини бажариши билан асосий аҳамиятга эга.

Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчалардан фойдаланилади. Улар қўйидагича таърифланади:

Модул даражаси — педагогик технологияни тасвирлаш кўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модулларнинг ўз таркибида аслида қанча модулларга эга эканлиги кўрсаткичи.

Модул тўплами — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсади асосида битта модул сифатида ҳисобланган бир нечта модуллар йигиндиси.

Модуллаштириш — педагогик технология материалларини модулларга ажратиш жараёни.

Мониторинг — корхона, ташкилот, муассаса ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида маҳсус ташкил қилинган тизимли кузатув. Меъерий ҳужжатлар, юқори ташкилотларнинг бўйруқ ва қарорлари ижроси ўз муддатида ҳамда қандай сифат ва даражада амалга оширилаётганлигини кузатув тизими.

Таълим-тарбия соҳасида мониторинг — ўкув жараёни ва уни бошқаришнинг узлуксиз кузатувини олиб бориш.

Метод — грекча сўз бўлиб, йўл, ахлоқ усули маъноларини билдиради. Табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули. Фаолият, ҳаракатнинг йўли, усули ёки қиёфаси, шакли, кўриниши.

Методик — методикага тегишли. қатъий кетма-кетликка, тизимга, илгаридан ўрнатилган режа, тизимга аниқ риоя қилиши.

Методика — бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методикалардан ташкил топади. Педагогика фани соҳасида маълум ўкув фанини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қиласи. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

Методологик — методологияга тегишли, назарий асосланиш.

Методология — билишнинг илмий методи ҳақидаги таълимот. Бирор фанда қўлланадиган методлар мажмуаси.

Методист — бирор ўкув фанини ўқитиш ёки тарбиявий ишлар методикаси соҳасидаги мутахассис.

Мотив — одамни ўқишига ёки бирор ҳаракатларни бажаришга ундовчи турли сабаблар йигиндиси.

Педагогик технология — энг қисқа ва умумлаштирилган таърифи: баркамол инсонни шакллантириш фаолияти.

Шу билан бирга педагогик технологиянинг кенг кўламли, серқирра тушунча эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қуйидаги яна бир нечта таърифларини таклиф қилишимиз мумкин:

Педагогик технология — ахборотларни ўзлаштириш, улардан амалда фойдаланиш, улардаги янги маъно-мазмунларни очиш ҳамда ахборотлар орасидаги янги боғлиқликларни очиш орқали янги ахборотлар яратишга ўргатиш жараёнидан иборат.

Педагогик технология — таълим методлари, усуллари, йўллари ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндиси; у педагогик жараённинг ташкилий-усубий воситалари мажмуидир.

Педагогик технология — бу ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техникавий ва одам ресурсларини ва улар-нинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир.

Педагогик технология — маълумотларни ўзлаштиришни таъминлаш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Демак, педагогик технология — инсонга (таълим-тарбия олувчига) олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат.

Педагогик технология — ўқувчини мустақил ўқишига, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатладиган жараёндир.

Педагогик технология — ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчинг мустақил равища билим олиши, ўрганиши, ўзлаштириши жараёни.

Бу фаолиятни амалга ошириш уни ташкил қилиш, олиб бориш, такомиллаштириш, таҳтил қилиш, тадқиқ қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, холоса чиқариш, бошқариш, назорат, баҳолаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Бу фаолият бошқа ҳамма фаолиятларга хос бўлган белгиларга эга бўлиб, аввало, жараён кўринишида амалга оширилади ва шу кўринишида мавжуд бўлади. Шу билан бирга бу жараён ўзига хос қонуниятларга эга бўлиб, бу қонуниятларни инсоният томонидан ўрганиш давом этмоқда.

Педагогика — таълим ва тарбиянинг назарий ва амалий масалаларини ўрганувчи фан. У баркамол инсонни вояга етказиш мақсадларига хизмат қиласи.

Перцептив қобилият — ўқувчининг руҳий ҳолатини ҳис қилиш, тушуна олиш орқали юзага чиқарилувчи қобилият.

Салбий мотив — бу мажбурлаб ўқитиш, лекин бунда ўқувчининг ўқишига нисбатан қаршилиги ҳамма ҳаракатимизни йўққа чиқаради.

Стратегия — ташкилот, соҳалар, ҳудудлар, мамлакат, миллат тақдири учун жiddий аҳамиятта эга бўлган, аниқ белгилан-

ган мақсадларга эришишга йўналтирилган асосий ҳаракатларнинг узоқ муддатли дастури. Таълим соҳасидаги бош мақсадларга қаратилган узоқ муддатли ишларни амалга ошириш дастури таълим стратегиясини ҳосил қиласди.

Тактика — бош мақсад йўлида хусусий, оралиқ масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ҳаракатларни ташкил қилиш усули. Пировардида стратегик мақсадларга кўпроқ самара билан эришишни таъминлаш учун шароитнинг ўзгаришларини мос равишда ҳисобга олиш.

Таълимнинг жамоа усули (жамоа таълими) — ўқувчиларнинг бир-бирини ўқитиши шакли. Ҳар бир ўқувчига янги дарс мавзуси бўйича бир варакдан кам бўлмаган ҳажмдаги илмий матн ёки мақолани қайта сўзлаб бериш ва ҳамма саволларга жавоб бера олиш даражасида ўрганиш топширилади. Ҳар бир ўқувчи навбатма-навбат бир неча ўқувчи билан биттадан абзанни, мисолни, савонни ўзаро муҳокама қилиб, ўзлаштиради. Сўнгра кичик гурӯҳ ёки бутун синф олдилда сўзлаб берадилар ёки ўқитувчининг саволларига жавоб берадилар, ёзма баён қилишлари ҳам мумкин. Бу усулни қўллаш жараёнида якка ва гурӯҳли таълим шакллари ҳам амалга оширилади.

Таълим менежери — таълим муассасасини замонавий менежмент қонунларига мувофиқ бошқарувчи мутахассис.

Таълим методи — ўқитувчининг ўқувчилар билан мунтазам қўллайдиган, ўқувчиларга ўз ақлий қобилиятларини ва қизиқишишларини ривожлантириш, билим ва кўникмаларни эгаллаш ҳамда улардан амалда фойдаланиш имконини берувчи иш усули.

Тафаккур операциялари — қиёслаш, таҳлил, синтез, абстрактлаштириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, таснифлаш, тизимлаш.

Технолог — бирор технология мутахассиси.

Технология — бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўллана-диган йўллар, усуллар мажмуаси.

Тренер — маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренинг машғулотларини олиб бориш (раҳбарлик қилиш) учун маҳсус тайёргарликка эга мутахассиси.

Тренинг — маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренерлар томонидан (раҳбарлигида) ўтказиладиган машғулотлар.

Тушуниш (I) — тафаккур жараёни, янги мазмунни ўзлаштириш ва уни мавжуд фоя ҳамда тасаввурлар тизимиға қўшиш. Илмий билишнинг асосий функцияларидан бири.

Тушуниш (II) — маълум намуна, стандарт, меъёр ёки тамоилий асосида баҳолаш жараёни ва натижаси.

Тушунишга ёрдам берувчи *изоҳлаш* — баҳолаш стандартини излаш ва уни муҳокама қилинаётган масалага мувофиқ келишини асослашдан иборат.

Табиатни тушуниш унинг ҳодисаларига унда нималар рўй бериши лозимлиги нуқтаи назаридан, яъни нарса ва ҳодисаларнинг меъёрийлиги ёки табиийлиги тўғрисидаги илгариги тасаввурларни билиш тажрибасига таянадиган ўрнатилган нуқтаи назардан келиб чиқадиган баҳо беришдан иборат.

Тушунтириш — илм-фаннынг энг асосий вазифаси. Атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларни тушунтиришнинг дастлаб мифологик, диний, натурфилософия тизимлари пайдо бўлган. Ҳозир тушунтиришнинг қўйидаги шакллари мавжуд:

Илмий тушунтириш — объектив қонуниятлар асосида тушунтириш. Бу — воқеа-ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини тўғри тушунтириш ҳисобланади.

Рационал тушунтириш — ҳодисалар ва одамлар ҳаракати қандай амалга оширилган бўлса, уларнинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, асли ҳолича тушунтиришдан иборат.

Бундан ташқари, ҳаракатни амалга оширувчининг мақсадини тушунтиришда ҳам унинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, шу мақсаднинг ўзини тушунтириш шакли қўлланилади.

Тушунча — нарса ва ҳодисалар, уларнинг хоссалари, улар орасидаги муносабатларни акс эттирувчи фикрлар.

Илмий тушунчада моҳиятни ифодалавчи алоҳида белгилар умумлаштирилади.

Ҳар бир тушунчанинг мазмуни ва ҳажми бўлади. Мазмун — тушунча орқали акс эттирилган белгилар йигиниди, ҳажм — шу мазмунга тегишли белгиларга эга нарса, ҳодисалар йигинидисидан иборат.

Тушунчада акс эттириладиган нарсалар доим кенгроқ синф таркибидан ажратувчи белгиларга эга бўлиб, шу кенгроқ синфга нисбатан турларни ифодалайди. Масалан, тўғри бурчакли учбурчаклар — умуман учбурчаклар синfiga нисбатан тур. Учбурчаклар эса геометрик шакллар синfiga нисбатан тур ҳисобланади.

Тушунчалар ҳажмига кўра — ҳажмсиз, бир элементли, кўп элементли бўлади:

- ҳажмсиз — *олтин тоғи; сув париси.*
- бир элементли — *Улуғбек расадхонаси; Самарқанд шаҳри.*
- кўп ёки умумий элементли — *ўсимлик; рақамлар; тарихий воқеа; табиат ҳодисаси.*

Тушунчанинг мазмуни ортса, ҳажми камаяди ва аксинча. Масалан, учбурчак тушунчаси мазмунига тент томонли белги-

сини қўшсак, унинг мазмуни, яъни белгилари сони ортди ва ҳажми камайди, чунки тенг томонли учбурчак тушунчаси, учбурчаклар тушунчасининг бир қисмини ташкил қиласди.

Тушунчалар қуидаги турларга ажратилади:

— илмий тушунчалар. Бу барча фанларга оид бўлиб, физикавий, кимёвий, фалсафий, тиббий, техника, сиёsat, хукук, иқтисод, тарихий ва бошқа тушунчалар;

— бадиий-эстетик тушунчалар — санъат, адабиёт, мусиқа, театр, кино ва бошқалар;

— спорт, жисмоний тарбия, касб-хунарларга оид тушунчалар.

— мифологик, диний тушунчалар ва бошқалар.

Услуб — бирор нарса, ҳодиса, жараённи ўрганиш ёки амалга ошириш учун қўллаш лозим бўлган усувлар мажмуаси

Усул — бирор нарса, ҳодиса, жараённи ўрганиш ёки амалга ошириш тартиби.

Фаоллик — бирор мақсад йўлида ақлий, жисмоний ва бошқа ҳаракатларни тез ва унумли амалга оширишга интилиш.

Эвристик — йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан ўқитиш тизими; топқирилик, фаолликни ривожлантиришга ёрдам берувчи таълим методи; ўқув-изланиши; оптималлаштирилган тафаккурни ривожлантиради.

Эксклюзив — файри оддий, фақат маълум бир обьектга тааллуқли, ўзига хос бўлган хусусиятлар ва бошқа белгилар. Фақат ўзига берилган (хукук).

Эмпирик — ҳиссий тажриба асосидаги билимлар ва уларнинг ягона манбанини ҳиссий тажриба деб тушуниш.

Якка таълим икки хил шаклда бўлади: 1) бир ўқувчини бир ўқитувчи ўқитиши — таълимнинг жуфт шакли; 2) мустақил таълим олиш — таълимнинг якка шакли.

Ўрганиш — ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

Ўргатиш — ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини турли восита ва усувларни қўллаб тушунтириш, кўрсатиш ва машқлар орқали амалга ошириш жараёни.

Ўзлаштириш — тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмуни, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил бўлиши.

Ўзлаштириш шартли равишда қуидаги учта даражага ажратилади:

1) ўргатилган билим, кўникмаларни тўғри такрорлаш;

2) уларни амалий фаолиятда қўллаш; улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;

3) уларни ижодий таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, хуросалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш.

Ҳамижодкорлик — таълим берувчи ва таълим оловчиларнинг биргаликда ижодий фаолият олиб бориши.

Ҳамкорлик педагогикаси (ҳамкорлик педагогик технологияси) — таълим берувчилар ва таълим оловчиларнинг ўзаро мулоқотига асосланган шаклда таълим беришга йўналтирилган тизим.



БИЛИМЛАРИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1. Педагогик технология деганда Сиз нимани тушунасиз?
2. Педагогик технологиянинг методикадан фарқи нимада?
3. Педагогик технологиянинг таърифлаб беринг.
4. Педагогик технологияга қандай зарурият бор?
5. Педагогик технология мезонлари ҳақида нималарни билласиз?
6. Педагогик технологияда қўлланиладиган асосий воситалар қайсилар?
7. Педагогик технология иштирокчилари фаолиятидаги асосий жараёнларни айтиб беринг.
8. Мониторинг нима?
9. Педагогик технологияни ўкув жараёнига қўллашнинг пировард натижалари қандай аниқланади?
10. Педагогик технологияни шахсий фаолиятингизда қўллашни нималардан бошлишингиз керак?
11. Педагогик технология методларидан:
Якка ишлаш нима?
Жуфт-жуфт бўлиб ишлаш нима?
Кичик гурӯҳда ишлаш нима?
Катта гурӯҳларда қўлланиладиган давра сұхбатлари, мунозаралар қандай ташкил этилади?
Тренинг нима?
Тренер ким?
Тренинг ўтказиш қоидаларини санаб беринг.
12. Ушбу қўлланмани ўрганиш даврида қандай тушунча, малакаларни ўзлаштириб олдингиз?

Мана, Сиз педагогик технология асослари қўлланмасини мустақил мутолаа қилдингиз. Энди Сиз олган билим, малака, тушунчаларингиз асосида ўз фаолиятингизда янгича ишлашни синааб кўринг.

АДАБИЁТЛАР

1. И.А. Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., „Шарқ“, 1997.
2. Астахов А.С., Головко Н. К. Технология прорывов и школа В. Эрхарда. М., „Знание“, 1989.
3. Блум Ф., Лейзерсон А., Хофтедтер Л. Мозг, разум и поведение. М., „Мир“, 1988.
4. Винер Н. Кибернетика. М., „Наука“, 1983.
5. Гершунский Б. С. Философия образования для XXI века. М., Изд-во „Совершенство“, 1998.
6. Горский Д. П. и др. Краткий словарь по логике. М., „Просвещение“, 1991.
7. Йўлдошев Ж. Ф. Ўзбекистон Республикаси таълими — тараққиёт йўлида. Т., „Ўқитувчи“, 1994.
8. Кузьмина Н. В. Способности, одаренность, талант учителя. Л., „Знание“, 1985.
9. Куписевич Ч. Основы общей дидактики. М., „Высшая школа“, 1986.
10. Лёве Г. Учимся всю жизнь. М., „Прогресс“, 1983.
11. Питюков В. Ю. Основы педагогической технологии. М., „Гном-Пресс“, 1999.
12. Платонов К. К. Краткий словарь системы психологических понятий. М., „Высшая школа“, 1981.
13. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии. М., „Народное образование“, 1998.
14. Селевко Г. К. Технологии педагогических советов. В журнале „Школьные технологии“. № 3, 1998 г. М., „Народное образование“, 1998.
15. Солиев А., Усмонов А., Жўраев Н. Тадбиркор йўлдоши. Т., „Университет“, 1994.
16. „Таълим самарадорлигини ошириш йўллари“ мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Тошкент, 2002 йил.
17. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, счимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., Ўз ПФТИ, 1999.
18. Тургунов К. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т., „Ўқитувчи“, 1975.
19. Уполномоченное образование. Пособие для тренеров. Т., Информационно ресурсный центр позитивного просвещения, 2003.
20. Фарберман Б. Л. Илфор педагогик технологиялар. Т., „Фан“, 2000.
21. Б. Қосимов. Исмоилбек Фаспрали. Танишириш йўлидаги бир тажриба. Т., Faafur Fулом номидаги наширёт—матбаа бирлашмаси, 1992.
22. Эйнштейн А. Физика и реальность. М., 1965.
23. Ўзбек педагогикаси антологияси. (1-жилд). Т., „Ўқитувчи“, 1995.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Кириш	4
Педагогик технология тушунчаси ҳақида	6
Педагогик технологиянинг таърифлари	7
Педагогик технология кўринишлари	11
Педагогик технология даражалари	14
Педагогик технологиянинг асосий йўналишлари	14
Педагогик технологияларнинг тарихий ривожланиш даврлари	16
Педагогик технология манбалари	17
Педагогик технология таснифи	18
Педагогик технологиянинг мезонлари	19
Педагогик технологиянинг айрим асослари ҳақида	21
Педагогик технология ва методика орасидаги айрим фарқлар	24
Педагогик технологиянинг асосий таркибий қисмлари	27
Педагогик мотивлар	28
Ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти	29
Педагогик жараёнга тайёргарлик	29
Педагогик технология натижалари	31
Педагогик технологиялар турлари	32
Ўзбекистондаги таълимнинг айрим тарихий турлари ...	35
Ўзбекистондаги таълим тарихидан	37
Педагогик технологиянинг асосий жараёнлари	40
Ўзбекистондаги айрим тарихий педагогик технология элементлари	45
Айрим педагогик технологиялар ҳақида қисқа маълумотлар	50
Педагогик технологияларда қўлланиладиган воситалар	52
Таълим жараёнига янги технологияни киритиш механизми	62
Янги педагогик технологияни жорий этиш мақсадида ўқитувчилар билан ташкил қилинадиган тадбирлар	63
Айрим педагогик тажрибалар	64

Айрим психологияк тажрибалар.....	73
Самарали таълимнинг айрим белгилари	80
Ўқитувчилар малакасини ошириш самарадорлигининг белгилари	80
Педагогик технологиянинг асосий белгилари	80
Педагогик технологиянинг умумий схемаси ҳақида.....	82
Педагогик технологиянинг тажриба-синовлари	85
Педагогик технология мониторинги.....	87
Замонавий педагогик технология асосларини ўрганиш жараёнида қўлланиладиган айрим сўзларнинг изоҳли лугати	90
Билимларингизни синааб кўринг	99
Адабиётлар	100

ЖҮРА ФАНИЕВИЧ ЙҮЛДОШЕВ,
САЙДҚОСИМ АКБАРОВИЧ УСМОНОВ

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ
АСОСЛАРИ**

(Халқ таълими ходимлари учун құлланма)

Toшкент „Үқитувчи“ 2004

Таҳририят мудири *Сафо Очил*

Мұхаррір *Г. Насриддинова*

Бадий мұхаррір *Ш. Хұжаев*

Техн. мұхаррір *Т. Грешникова*

Мусаҳид *А. Ибраһимов*

Компьютерда сақыфаловчи *С. Мусажонова*

Кичик мұхаррір *M. Ҳошимова*

ИБ 8277

Оригинал макетдан босишига рухсат этилди 5. 02. 2004. Биғими 60x90 1/16.

Кегли 10,5. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди. Босма т. 6,5.

Нашр. б.т. 6,0. 3000 нұсқада босилди. Буортма № 198.

„Үқитувчи“ нашриёти. Тошкент, 129. Навоий күчаси, 30.
Шартнома № 12—107—03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси,
Муродов күчаси, 1- уй. 2004.

Й78

Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А.

Педагогик технология асослари: Кўлланма.

—Т.: „Ўқитувчи“, 2004. 104 б.

ББК 74р